

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**С. НОСИРОВА**

# **ХИТОЙ ТИЛИ ДИПЛОМАТИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ**

**Маъруза матнлари**

Тошкент-2009

Маъруза матнлари давлат стандартлари асосида тайёрланган. У хитой тилидаги иш юритиш, расмий хужжатларнинг терминологияси генезиси, семантикаси, лексикаси, семасиологияси, социолингвистикаси, парадигматикаси, синтагматикаси, дипломатия соҳасидаги ҳужжатларнинг умумий лингвистика асослари ва таржимашуносликни долзарб муаммоларининг умумий ва когнитив тадқиқига бағишиланган.

Хитой филологияси, халқаро муносабатлар, минтақашунослик мутахассислиги бўйича бакалавр, магистрлар ҳамда хитой тилини ўрганувчиларга тавсия этилади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти Ўқув - услубий Кенгаши томонидан хитой филологияси, халқаро муносабатлар ва минтақашунослик мутахассисликлари соҳасида таълим олаётган магистр талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

**Тақризчилар:** филология фанлари номзоди, доцент Х.Алимова, филология фанлар номзоди С.А.Хашимова.

ТДШИ Ўқув-услубий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилди (Баённома № 1, 13.11.2009 й.).

## СЎЗ БОШИ

Хитой тилидаги иш юритиш ҳужжатлари терминларнинг лексик қатлами ижтимоий – ҳуқуқий меъёр ва муносабатлар, тилнинг ривожланиш қонунларига мувофиқ равишда тараққий этиб бормоқда. Ижтимоий - сиёсий соҳасига оид бўлган лексик қатламда янги терминлар, сўзлар, қолипли бирикмалар, ўзлашмаларнинг сони кўпайиб бориши билан бир қаторда, ўз долзарблигини аста - секин йўқотиб бораётган терминларнинг ишлатилиши тез – тез такрорланиш даражаси камайиб бориши кузатилмоқда. Мазкур лексиканинг тараққиётига лингвистик, интра ва экстралингвистик, трасцентдик, имманент ва бошқа бир қатор омилларнинг таъсири катта. Бу жараёнлар Хитой, Австралия, Америка Кўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Россия Федерацияси, Япония ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар илмий марказлари ва университетларида, шу жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институтида ҳам хитойшуносликнинг долзарб масласи сифатида ўрганилмоқда. Умуман олганда ўзбек хитойшунослик фани бой тарихга эга. Шу билан бирга ушбу соҳанинг Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги ютуқлари алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган (1992 йил 2 январь) даврдан бери икки давлат ўртасида 260 дан зиёд икки ва кўптомонлама давлатлар, ҳукуматлар, вазирликлар ва ташкилотлараро ҳужжатлар имзоланган. 2011 йили икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 1992 йилга нисбатан 30 марта ошган. Бу ҳолат ўз навбатида, хитой тилини, унга оид ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминларни тахлил этиш, янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Умуман охирги 20 йил ичида хорижда хитой тилини ўрганиш, унга қизиқищ, тез суратлар билан ривожланиб бормоқда. Хитой маориф вазирлиги берган маълумотларга кўра, хорижий мамлакатларда хитой тилини ўрганувчилар сони 38 млн. кишини ташкил этади. Хитой университетларида ҳар йили 90.000 нафар чет эл фуқаролари хитой тилини ўрганмоқдалар<sup>1</sup>. Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,

---

<sup>1</sup> Хитой университетларида бир семестр таълим олиш нархи, ўкув юрти жойлашган манзил ва унинг нуфузига қараб, тахминан 1500-4000 АҚШ долларни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанд, Фарғона университетлари ва бошқа бир қатор ўқув юртларида хитой тили ва хитойшунослик соҳаларида мутахассислар тайёрланмоқда.

1994 й. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзбек ва хитой тиллари ҳамда бошқа соҳа мутахассисликлари бўйича талабалар алмашинуви ташкил этилган. Охирги йиллар давомида Хитой олий ўқув юртларида 1000 зиёд ўзбекистонлик бакалавр ва магистрлар таълим олиб, малака ошириб қайтганлар. 2006 йилдан Миллатлар университетида (Пекин шаҳри) “ўзбек тили” мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилиш йўлга қўйилди. Айни пайтда Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа бир қатор олий ўқув юртларда хитойлик талабалар, аспирантлар ўзбек тили, адабиёти, тарих, қишлоқ хўжалиги ва техника фанлари мутахассисликлари бўйича таълим олмоқдалар.

Ўқув қўлланмадан кўзланган асосий мақсад – хитой тилидаги иш юритиш ҳужжатлари доирасида қўлланилувчи ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминларни диахроник ва синхроник тадқиқ этиш, уларнинг ясалиш усулларини, лексик-семантик, синтагматик, парадигматик, когнитив, структур хусусиятлари, генезиси, трансформацияси ва социолингвистикасини ўрганишдан иборат. Мақсадларидан яна бири - хитой тилидаги ижтимоий – сиёсий ва дипломатик терминлар, ташқи сиёсатга оид ҳужжатларнинг умумий вазифасини қисман тадқиқ этишдан иборат. Кўлланмада ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминлар, сўз бирикмалари илмий компетенцияси, когнитив, парадигматик ва синтагматик жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Янги ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминларнинг миллий онг билан боғлиқлиги, яъни терминларнинг когнитив тадқиқ қилиш алоҳида ўрин тутади.

«Тил инсон тафаккурини ифода  
этувчи олий кўзгудир»  
**Г. Лейбниц**

## **I МАВЗУ. ТЕРМИН ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ**

**Дарснинг ўқув мақсади:** талабаларда фан бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш, терминология соҳасида ижод қилган олимларнинг асарларини таҳлил қилиш, терминология соҳасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, унинг тилшуносликдаги ўрни ва вазифалари, терминологик системалар, терминларни тадқиқ этиш методлари, ушбу соҳа илмий мактабларини ўрганиш.

**Таянч тушунчалар:** термин, гносеология, терминология, терминография, контекст, семантика, лексика, функция, дефиниция, когнитив, метасинтаксис, синоним, омономия, полисемия, компонент, эквивалент, иерархия, стандарт, профессионализм, классификация, типология, унификация, детерминизация, ретерминологизация, инкотерм, инфотерм, когниция, субстанция, идеома, интеграл, диахрония, этимология, психолингвистика, экспрессивизм.

**1.1. Асосий тушунчалар.** А.Хожиев терминга қуйидаги дефиницияни келтирган, “Термин (лот. terminus - чек, чегара, чегара белгиси). Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси, атама. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади”<sup>2</sup>. Р.Расулов, Р.Ниёзматова ва К.Мўйдиновларнинг “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати” китобида “термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим обьектлар ва улар ўтасидаги муайян касблар нуқтаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёки бирикмадир”, деб кўрсатилган<sup>3</sup>. О.Ахманованинг фикрича, “термин маҳсус тушунчаларни аниқ ифодалаш ва уларга ҳос нарсаларни тўғри талқин этиш мақсадида ишлаб чиқилган (қабул қилинган, ўзлаштирилган) тилдаги (илмий, техника-

<sup>2</sup> Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 104 б.

<sup>3</sup> Расулов Р. ва бошқалар “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати”. Т.: “Фан ва технологиялар маркази босмахонаси, 2009. - 45 б.

вий ва бошқа) маҳсус сўз ёки сўзлар бирикмасидир”<sup>4</sup>. Б.Головин термин тушунчасининг 7, В.Даниленко эса 19 дефинициясини келтирган<sup>5</sup>. Умуман, термин тушунчасига оид тасниф ва дефинициялар кўп. Аммо ҳозирги пайтгача термин тушунчасининг халқаро илмий жамият томонидан эътироф этилган дефиницияси мавжуд эмас. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида, албатта, термин тушунчасининг универсаллиги ва унга хос гносеологиянинг мураккаблигидан, деб қабул қилиш мумкин. Демак, термин фалсафий ва гносеологик нуқтаи назардан, бир томондан маълум бир фан ёки соҳада эришилган натижаларни ифода этиб, илмий тушунчани мустаҳкамлаш учун қўлланилса, иккинчи томондан у янги билим соҳаларини яратиш, ихтиро қилиш учун хизмат қиласди. Терминни динамика ҳодиса сифатида талқин этиш, унга борлиқни англаш, тушуниш (когниция) жараёнида шаклланувчи ва фикрлаш (концепт) категориясидан, вербал категорияга ўтувчи ҳамда маълум бир фан соҳасига оид назария, концепцияни ифода этувчи субстанция сифатида қараш имкониятини яратади. Бу концепция таъсирида терминга яна бир, яъни “термин маълум бир тушунчани ифода этади ёки ҳам ифода этади, ҳам англатади”, деган дефиниция бериш мумкин. Терминнинг лингвистик дефиницияси унинг тилшуносликка оид сифатларини ифода этса, мантиқий дефиницияси унинг мантиқшуносликка оид хусусиятларини белгилайди.

Мантиқшунослар томонидан “термин” сўзи билан биргаликда “терм” сўзи ҳам қўлланилади. Рус тилида “термин” ва “терм” тушунчалари мавжуд бўлса, инглиз тилида ҳар икки маъноди ўзида мужассам этган “term” қўлланилади ва бу сўздан ўз навбатида яна бир неча бошқа маънолар келиб чиқади.

“Терм” (инг. term , фр. terme, лот. terminus “чегара”, кейинроқ – “ифода”, “изоҳ”) мазкур маънода инглизлар томонидан “technical term” сўз бирикмаси билан ифодаланади ва сўз бирикма кўп ҳолларда “техник термин” тарзida таржима қилинади. Аслида бу лексема техника терминини эмас, балки умумий маънодаги терминни билдиради. “Technical” сифати грекча “санъат, моҳирлик, касб - хунар” семаларга

---

<sup>4</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - М., 1966.- 479 б.

<sup>5</sup> Головин Б.Н. О некоторых задачах и тематике исследований научной и научно-технической терминологии //Ученые записки. Вып.114. Сер.линг. Горький:Изд-во Горьковс. ун-та, 1970. - С.18-19

Даниленко П.Н. Русская терминология:Опыт лингвистического описания.М.:Наука, 1977. - С.83-86

яқин бўлган маънода ишлатилган. Шундай қилиб, “technical term” терминнинг нисбий йўналтирилганлигини кўрсатиш учун қўлланилган<sup>6</sup>.

“Terminus” сўзининг келиб чиқиши юонча маъноси билан боғлиқ бўлиб:

---

- пойга майдонидаги охирги устун;
- чегара, якун маъноларини билдиради. Лекин ўзининг терминологик маъносига бу сўз фақатгина лотин тилида эга бўлган:
  - мантиқий (дефиницион, номинатив) жиҳат (Д.С.Лотте, В.П. Даниленко, Т.Л.Канделаки): «Маълум бир тушунчалар системасида ўзининг дефинициясини талаб қилувчи сўз ёки сўз бирикмаси термин сифатида қабул қилинади»;
  - функционал (контекстуал) жиҳат (Г.О.Винокур, О.С.Ахманова, Б.Н.Головин) «Терминнинг тўла маъноси фақатгина унинг ҳаққоний вазифаси, метасинтаксиси орқали очилади».

Тил кўп жиҳатли ҳодиса бўлиб уни ўрганишда ва тадқиқ этишда турфа қарашлар, фикрлар, фаразлар, баҳслар, хulosалар келиб чиқади. Шу ўринда бир савол туғилиши мумкин: “сўз” ва “термин” бир нарсами ёки ҳар ҳил маъноларни англатувчи бирликларми?

А.Реформатскийнинг ушбу масала ҳақида билдирган фикри қуйидагича, “Албатта, ҳар бир термин - бу сўз. Лекин ҳар бир сўз термин эмас. Агар сўз фақатгина термин сифатида қўлланилаётган бўлса, у ҳолда унинг “оддий сўз”дан фарқини қидириш бефойда. Бироқ, кўпинча, маълум бир “сўз” гоҳ термин бўлиб қолади, гоҳ термин бўлмайди. Термин кўринишига ушбу сўзлар тузилиши билан мослашиб олади. Сўз терминга айлангач ўзининг синонимлик ва антонимлик хусусиятларини йўқотади”<sup>7</sup>. Бундан ташқари терминга айланган сўз экспрессивлик ва психолингвистикага тегишли бошқа белгиларини ҳам йўқотади. Демак, термин сўз бўла олади, бироқ ҳар қандай сўз термин бўла олмайди. Сўз ўзи изоҳлаётган тушунчанинг талабини, эҳтиёжини тўла қондириб, у ҳақидаги маълумотни имкон қадар мұжассам қилган бўлиши лозим. Акс ҳолда у сўз сўзлигича қолаверади. Сўз терминга айлангач, унда терминга хос хусусиятларнинг вужудга келиши табиий.

Термин - сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, у имкон қадар аниқ ва бир маъноликка интилади. Термин синонимлик ва антонимлик хусу-

---

<sup>6</sup> Суперанская А.В. Общая терминология. – М.: Наука, 1989. – 13 б.

<sup>7</sup> Реформатский А.А. Введение в языкознание.- М., 1955- 115 б.

сиятларга эга эмас. Бирок маълум бир тушунча айрим вақтда бир нечта термин билан ҳам ифода этилиши мумкин. Оддий сўз учун ташқи шакл муҳим бўлса, термин учун биринчи ўринда унинг мазмуни, маъноси ва семантик моҳияти аҳамиятлидир. Шакл термин яратилишининг бошланғич пайтида у қадар аниқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу жиҳат терминнинг умумий лексикадан фарқини белгилаб беради. Сўз учун унинг жаранглаши, яъни товушлар билан ифодаланиши, мазмуни ва номланаётган нарса-буюм ўртасидаги боғлиқлик бир бутунлик сифатида гавдаланади. Лекин терминда бундай бутунлик ва яхлитлик кузатилмайди. Масалан, агар гап терминнинг лексик ёки синтактик боғланишлари ҳақида кетса, термин бу ўринда сўз сифатида қабул қилинади. Лекин терминнинг тушунча билан боғлиқлиги ҳақида гап кетса, бу ўринда термин сўзга қарама – қарши қўйилиб, унинг тушунчаси махсус тушунча сифатида умумий тушунчага зид бўлган тарзда қабул қилинади. Бу эса «термин-тушунча» ва «термин-сўз» компонентларни фарқлашни тақозо этади.

“Термин-сўз” ва “термин-тушунча” бир нарса эмаслиги ҳар хил тиллардаги бир фаннинг терминлар системасини таққослашда намоён бўлади, зоро бу тилларда бир тушунча турли сўзлар билан ифодаланади. Масалан: рус тилида “посол”, ўзбек тилида “элчи”, хитой тилида «大使».

Цинь Шаочжи, Чжу Дэси, Чжан Шилу, Ли Циньси, 术语 “термин” таркибига мақолларни, маталларни, афоризмларни, ҳикматли сўзларни, фразеологизмларни ҳам киргизганлар<sup>8</sup>.

Юқорида келтирилган дефинициялардан “термин” учун умумий таъриф йўқлиги кўриниб турибди, деса бўлади. Турли касб эгаларида “термин” билан боғлиқ бўлган турлича тушунчалар ва ёндошувлар вужудга келган. Масалан, мантиқий термин деганда дефиницияси белгиланган ҳар қандай сўз тушинилиши мумкин. Терминни бундай тарзда қабул қилиш Платон даврида илм-фан соҳасида вужудга келган бўлиб, бу бир неча минг йиллик тарихга эга. Файласуфлар терминни дефинициялар қисқаруви, деб тушунишади ва термин ва дефиниция ўртасида “=” белгисини қўйишади. Тилшунослар томонидан бу ўринда “=” белгиси қўлланилмайди, чунки термин-бу тушунчанинг номи, дефиниция эса ушбу номнинг кенг қамровли таърифидир. Лингвист баъзи ҳолларда ўзлаштирилган сўзни “термин” деб билади,

---

<sup>8</sup> Cihai. – Пекин, 1995. - 1572 б.

чунки тилнинг луғавий таркибида ўзлаштирма “ўзга”лиги билан ажралиб туради<sup>9</sup>.

Термин – маълум вазиятларда ва маълум мақсадларда концептуал маънони ифода этиш мақсадларида қўлланиладиган, фан ва сиёсий ижтимоий (касбий) фаолиятда ўрнатилган тартибда қабул қилинган махсус сўз ёки сўз бирикмасидир. Терминни маълум доира даги касбий билимларнинг тушунчалар системасига кирган тушунчанинг сўз билан ифодаланиши, ёки маълум мақсадга қаратилган тилнинг энг асосий тушунча бирлиги, дейиш мумкин<sup>10</sup>.

Илмий – техник ва ижтимоий – иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ва ривожланиши жамият тараққиёти билан боғлиқ ўзгаришлар янги фанлар ва янги тушунчаларни юзага келтирмоқда. Бу ҳолат янги терминларнинг пайдо бўлишида сабаб бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур жараёнларни биринчи босқич, деб қабул қилиш мумкин. Фан, техника, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳаси ўзининг алоҳида термин тизимини яратиш жараёнини эса иккинчи босқич, деб ҳисобласа ҳам бўлади. Бу тизим маълум бир касб, соҳа ёки билимга оид тушунчаларни тил орқали ифода этишга қаратилган. Ҳозирги кунда терминни унинг қандайдир бир қатъий белгисини илгари сурган ҳолда изланишлар обьекти сифатида турли томонлама шархлаш анъанаси вужудга келмоқда. А.Реформатский фикрига кўра, соф терминлар вазифасини от туркумидаги сўзлар бажаради<sup>11</sup>. Турли шаклдаги терминларга ўз қарашини билдираётганда, олим терминлар вазифасида ўзлашмалар, халқаро сўзлар, шунингдек сунъий (ясама) сўзлар ҳам келиши мумкинлигини таъкидлаган. Исталган сўзнинг термин даражасига кўтарилиши учун, биринчи навбатда у аниқ бир дефиницияга эга бўлиши лозим. Ушбу дефиниция семантик маънони тўлиқ ифодалабгина қолмай, аниқ чегараланган тушунча доирасисига эга бўлиши зарур. Айни пайтда терминнинг умумий лексика таркибидаги омонимларидан алоҳида туришини таъминлаши лозим.

Сунъий ясалган сўзлар ҳам термин бўлиши мумкин. Термин дефиницияси обьект ҳақида умумий тушунча (маъно) беради. Обьект конкрет моддий ёки мавҳум назарий бўлиши мумкин. Дефиниция у аниқлаётган ёки тўлиқ ифода этаётган обьектнинг семантикаси билан эквивалент бўлиши талаб этилади. Маълум бир термин дефиницияси

<sup>9</sup>Суперанская А.В. Общая терминология. – М.: Наука, 1989. – 11 б.

<sup>10</sup>Ўша манба. – 14 б.

<sup>11</sup> Реформатский А.А. Мысли о терминологии / Современные проблемы русской терминологии /. – М., 1986.- 113 б.

ижобий бўлиш эҳтимоли мавжуд ҳолларда салбий бўлмаслиги керак. Илмнинг баъзи бир янги соҳалари терминнинг ўрнида вақтинча дефиниция ҳам қўлланиши мумкин. Иқтисод, фан ёки техниканинг баъзи бир соҳаларини, масалан, ядро физикаси, информатика, электроника, биология, медицина, кимё, нанотехнология, банк ва молия соҳалари-нинг жадал суратлар билан тараққий этиши, ўз навбатида, оммавий матбуот, радио, телевидение, газета, журнал, интернет ва х.к.да бу ҳақидаги маълумотларнинг мумкин қадар катта ўрин эгаллай бошлишига сабаб бўлади. Бу каби жараёнлар маҳсус терминлар қўлланиш доирасининг кенгайишига олиб келади. Бундай ҳолларда баъзи бир терминлар ўзининг илмий аниқлигини қисман ёки мутлоқо йўқотади. Бу жараён детерминизация, деб номланади. Маҳсус қўлланиш соҳала-рида ва ўз системасида термин мавқеъини сақлаб қолади. Аммо умумий фойдаланиш майдонида уларнинг “шериклари”, омонимлари фаоллик кўрсата бошлайди. Бу “шериклар” ёки “йўлдошлар” тизим-лик ва илмий аниқликка эга бўлмайдилар. Улар одатга кирадилар, ўз-ларига эмоционаллик, экспрессивлик, стилистик, аппелятив дерива-ция хусусиятларини қабул қиласидар. Масалан, 1970-1980 йилларда бундай терминлар қаторидан «ядро», «ген», «лазер», «атом», «спут-ник», «лунаход» ва бошқалар ўрин олган эди.

Детерминизация натижасида термин ўзининг аниқ концептуал-лик, системлик, дефинитив ва яхлит маънолик хусусиятларини йўқотиб, соддалашган шаклга келади ва умумий лексика майдонида ўз ўрнини топишга, яъни локализация сари ҳаракат қиласиди. Бундай сўзлар дефиницияга муҳтожлик сезмайди ва умумий лексика сўзла-рига талаб қилинган изоҳга ўрин қолмайди.

Бир соҳага тегишли терминларни, тўлиқ ёки қисман таффаккур этиб, бошқа соҳа учун татбиқ этиш ретерминологизация, деб ном-ланади (м. калька, дифференциал ва б.)<sup>12</sup>.

**1.2. Терминологик системалар.** Юқори даражада тараққий эт-ган ва маълум бир системада шакллантирилган терминологиясиз, фан ва техника тараққиётини тассаввур этиш мумкин эмас. Шу сабабли умумий бир томондан терминологиянинг, иккинчи томондан эса ўзбек ва хитой дипломатик терминологиясининг назарий ва амалий масалаларини янада чўқурроқ ўрганиш, хитой тили ижтимоий – сиёсий ва дипломатик терминлар генезиси, яратилиш ва қўлланиш қону-ниятларини тадқиқ этиш илмий - амалий аҳамиятга молик долзарб

---

<sup>12</sup> Лингвистический энциклопедический словарь. М.: 1990. - 508с.

масала деб ўйлаймиз. Бу соҳага тегишли ҳар қандай терминологнинг қўйидаги босқичлари мавжуд.

1. Асосий тушунчаларни тилшунослар ва мантиқшунослар билан ҳамкорликда терминлаштириш.

2. Маълум бир тилда фойдаланишда бўлган терминларни нормалаштириш.

3. Янги терминларни тузиш масалаларига оид илмий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Зикр этилган вазифалар соҳа мутахассислари томонидан тилшунослар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилади.

Биринчи босқичда фойдаланишда бўлган барча лексемалар маълум бир тизимга келтирилади. Сўнгра улардан энг кераклиси, энг маънолиси ва кейинги босқичларда улар асосида янги лексик бирликлар ҳосил қилиш имконияти борлари танлаб олинади. Иккинчи босқичда мавжуд бўлган моделлар асосида янги терминлар тузиш, уларни системага солиш, тилга киритиш методлари ишлаб чиқилади. Агар ишлаб чиқилган терминлар қонун асосида амалиётга киритилса, уларни расмий хужжатларда қўллаш мажбурий тус олади. Терминларнинг фан ва ишлаб чиқариш талабларига мослигини таъминлаш мақсадида термин системалари бот - бот назардан ўтказиб турилади. Масалан, Европа терминологлари кўп йиллик тажриба натижасида маълум бир тилда керакли сўз бўлса, халқаро сўзларни заруриятсиз ушбу тилга киритмасликни лозим, деб топдилар. Синонимларни ҳам йўқотиш мақсадга мувофиқ эмас, деб қабул қилинган. Агар бир маънони ифода этиш учун икки ёки ундан ортиқ термин қўлланилаётган бўлса, бундай ҳолнинг сабабини ўрганиш лозим. Бу ишларни амалга оширишда, маълум бир соҳа учун терминологик луғатлар тузиш, яъни бир тиллик изоҳли луғатлар, икки тилда таржимали луғатлар (эквивалент терминлар тизими) терминшунослик соҳасида алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, ҳозирги рус тилининг 17 томлик академик луғати 130000 сўзларни қамраб олган. Ваҳоланки, 1982 йилда нашр этилган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Бутуниттифоқ классификаторида 24 млн. термин қайд этилган. Фақат кимё соҳасида 3 млн. кўпроқ терминлар қўлланилади. Ҳисобларга қараганда, маълум бир тил чегарасида маҳсус лексик бирликлар сони, номахсус лексик бирликлар сонидан икки дараҷа ( $MLBS^2 > MLBS$ ) юқори. Бундай луғатларнинг асосий қисми системалик жараён асосида тузилади ва

терминларнинг семантик иерархиясини акс эттиради<sup>13</sup>. Алифбо таркиби ҳам семантик иерархия тамойилига келтирилади. Шу сабабли кўп тиллик луғатлар тузиш мураккаб масала ҳисобланади.

4. Миллий ва халқаро даражада терминологик системалар маҳсус қолипга туширилади ва стандартлашади. Бунинг асосий сабаби шундаки, баъзи ҳолларда бир хил сўзларнинг маъноси ҳар вақт ҳам бир бирига тўғри келмайди. Ҳозирги даврда 60 мамлакатда стандарт масалаларини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш соҳасида давлат қўмиталари мавжуд ва улар минглаб мутахассиларни жалб қилган ҳолда терминшуносликнинг стандартлаштириш масалалари устида иш олиб борадилар.

5. Халқаро савдо палатаси, масалан, халқаро савдо қоидалари терминларини изоҳлайди. Бу терминлар тўплами халқаро Ишчи гурӯҳ мажлисларида кўриб чиқилади. 2000 йилнинг 1 январидан Халқаро савдо қоидалари “ИНКОТЕРМС” терминлари изоҳи қабул қилинган ва алоҳида бир китоб сифатида барча мамлакатларда бир хилда, бир маънода қўллаш учун тақдим этилган. Бу терминлар мажмуаси халқаро савдода харидор ва сотувчининг маълум бир маҳсулотни транспортда юбориш, юклаш, сақлаш, транспорт ҳақларини, шу жумладан, божхона ва бошқа ҳаражатларни тўлаш, манзилга ёки чегарага пунктигача етказиб бериш ва бошқа барча операцияларни бажариш билан боғлиқ барча хуқуқ ҳамда мажбуриятларни ифода этади ва изоҳлайди. Бу терминлар қисқача қўйидаги гурӯхларга тақсимланган:

EXW ФРАНКО ЗАВОД (... манзил номи)

FCA ФРАНКО ТАШУВЧИ (... манзил номи)

FOB ФРАНКО БОРТ (... манзил номи)

CFR НАРХ ВА ФРАХТ (...мўлжалланган порт номи)

CIF НАРХ, КАФОЛАТ ВА ФРАХТ (...мўлжалланган порт номи)

CPT ФРАХТ (транспорт ҳаражатлари маълум манзилгача тўланган), (... мўлжалланган манзил номи)

CIP ФРАХТ ВА ТАШУВ ВА КАФОЛАТ МАЪЛУМ ЖОЙГАЧА ТЎЛАНГАН (...мўлжалланган манзил номи)

DAF ЧЕГАРАГАЧА ЭЛТИБ БЕРИШ (етказиб бериш жой номи)  
ва бошқа<sup>14</sup>.

<sup>13</sup> 哈斯莫娃“汉乌俄外交词典” – 中国，黑龙江，2004. - 328。

Носирова С.А. Хитой тили дипломатик терминларида аббревиация усулининг моделлари:// Тошдши “Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари” илмий анжуман материаллари тўплами. - Т.,2005.

6. Халқаро стандарт ташкилоти (ISO) стандартлаштириш ишларини мувофиқлаштиради. Терминология масалалари устида мазкур ташкилотнинг техник қўмитаси ISO/TC-37 «Терминология (тамойиллар ва мувофиқлаштириш)» иш олиб боради. Терминшуносликнинг маҳсус масалалари буйича 1977 йилдан бери мунтазам равишда халқаро симпозиумлар ўтказилади.

7. Тарақкий этган мамлакатларда терминология соҳасида ташкил этилган маҳсус ахборот банклар фаолияти «Эуронет» (Euronet European Information Network) Бирлашган информация системаси томонидан амалга оширилади. Бу система воситасида маълумотлар алмашинуви, библиографиялар тузиш жорий қилинган. Терминология соҳасидаги маълумотлар алмашинуви ИНФОТЕРМ ташкилоти томонидан бажарилади.

8. БМТ ҳузурида 100 зиёд терминшунослик ишчи гурухлари фаолият олиб боради ва илм, фан, технология, иқтисодий ҳамкорлик, инвестиция, экология, савдо, молия, банк, божхона, инфраструктура, логистика, транспорт ва коммуникация, энергетика, информатика, социалогия ва бошқа соҳалар учун терминлар мажмуасини яратади ва терминлар глоссариясини ўрнатилган тартибда нашрдан чиқаради.

Масалан, 2008й. БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси “Trade Facilitation Terms: An English – Russian Glossary” номли китобни нашр этган. Европа Иқтисодий Комиссияси Ижроия Котиби Марек Белька бу қўлланмани мутахассилар учун халқаро стандартларга асосланган ва савдо жараёнларини такомиллаштириш ва енгиллаштириш мақсадларида ишлаб чиқилган маълумотнома сифатида тақдим этган. Китоб 838 терминни қамраб олган<sup>14</sup>.

1.2 “Термин” 术语 сўзига хитой тилшунослари томонидан қўйидагича таъриф берилган: “Терминлар - бу фан, техника соҳасида қўлланиувчи маҳсус сўзлардир. Фан ва техниканинг ҳар бир соҳасида кўплаб терминлар ишлатади. Ҳар бир термин фан ва техника доирасидаги маълум бир маънени ифодалайди. Хитой тилшуносларининг фикрича, терминнинг оддий сўздан фарқи унинг қўлланилиш доираси чекланганлиги ва аниқ тушунчани ифодалашидадир. Хитой тилида

---

<sup>14</sup> “ИНКОТЕРМС”: Международные правила толкования торговых терминов. - М.:”- ОМЕГА - Л”, 2008. -76 с.

<sup>15</sup> Trade Facilitation Terms:An English-Russian Glossary. UN New York and Geneva, 2008.- 254 р.

ҳам терминлар синонимия, омонимия ва экспрессивлик сифатларига эга эмас”<sup>16</sup>.

Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминлар хитой тилининг маҳсус лексикаси таркибига кирувчи профессионализмлар 行业语 hangyueyu қатламига оидdir. Профессионализмлар 行业语 – бирор бир касб ёки ҳунарга тегишли сўз ва сўз бирикмаларидир. Мисол учун, дипломатия соҳасидаги сўзларга ишонч ёрлиғи, меморандум, нота, атташе, элчихона, консул, элчи, котиб, демарш каби терминлар киради<sup>17</sup>.

В.Кодухов таклиф этган таърифга кўра, «Профессионализмлар – у ёки бу касб намоёндалари томонидан сўзлашув жараёнида қўлланиладиган сўзлар ёки иборалар, уларнинг маънолари ва талафзузи. Албатта, терминлар ҳам профессионализмларга айланиши мумкин, айниқса тор доирадаги терминлар. Бироқ проффесионализмлар нафакат тор доирадаги терминларни ифодалаши, ҳунармандчилик соҳасида ишлаб чиқариш предмети сифатида қўлланилиши, балки кенг доирада ишлатилмаслиги ва адабий мезонларга эга эмаслиги билан ҳам характерли. Шу сабабли, профессионализмлар ўрнида синонимик терминларнинг, диалектизмлар ва жаргонизмларнинг қўлланилиши учрайди»<sup>18</sup>.

Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг ривожланишига давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, унинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан сиёсий, савдо ва иқтисодий, сармоя, молия, илм, фан, санъат ва маданият, соғлиқни сақлаш, коммуникация, транспорт, таълим ва туризм, экология ва бошқа соҳалардаги алоқалари, давлат томонидан олиб борилаётган тил сиёсати каби омиллар, интра ва экстраверсияларни сабаблар ҳам таъсир этмай қолмайди<sup>19</sup>. Бу эса терминшунослик ва умумий терминлогия соҳалари учун долзарб ва комплекс вазифаларни келтириб чиқаради.

**1.3. Терминология: умумий тушунчалар.** А.Баранов фикрича, “терминология остида кенг маънода табиий тилдаги барча терминлар соҳаси, тор маънода эса аниқ бир фан ёки бирор бир соҳа терминлари тушунилади”<sup>20</sup>.

<sup>16</sup> 语言学名词解释。- 北京。商务印书馆，1960。 - 57-б.

<sup>17</sup> 小学教师适用语文字典。- 北京。商务印书馆，1999。 49 –б.

<sup>18</sup> Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М: «Просвещение», 1979. – С.207

<sup>19</sup> Носирова С.А. Новые слова и устойчивые сочетания в языке дипломатии КНР.// ТашГИВ «Востоковедение». - Т.,2006.

<sup>20</sup> Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику: Изд. 2 е доп. М.:Едиториал УРСС,2003. – 89 с.

В.Лейчик терминология предметлари қаторига термин тушунчаси, терминнинг когнитив ва формал структураси, термин функциялари системаси, терминлар классификацияси ва типологияси, терминларни яратиш, ривожлантириш хусусиятлари ва бошқаларни киритишни маъқул кўради<sup>21</sup>.

С.Акобиров терминология “тор маънода маълум бир соҳага оид маҳсус лексика” бўлса, “кенг маънода умумий луғат таркибининг айрим соҳаларида ишлатиладиган қисмидир”, деб кўрсатиб ўтади<sup>22</sup>.

Р.Расулов, Р.Ниёзматова, Қ Мўйдиновларнинг “Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати” китобида терминология муайян фаннинг тушунчалар системаси билан ўзаро муносабатда бўлган терминларнинг жами сифатида тарифланад<sup>23</sup>. Мазкур муаллифлар ҳар қандай тушунчалар системасига муайян терминлар системаси тўғри келади, деб таъкидлайдилар. Албатта, ягона бир тил назарияси чегарасида терминология алоҳида терминлар системасини ташкил этиши мумкин. Бундай ёндошув терминлар учун бошқа бир дефиниция келтиришга асос бўлади, яъни “терминлар - бу мегатил системасида бирор бир фан ёки соҳага тегишли сўзлар ва сўз бирикмаларидур”.

Терминология (termin+logos – сўз, таълимот) бошқа бир дефиницияга қараганда бирор илм, касб ва бошқа соҳаларга оид терминлар мажмуи ҳамда тилшуносликнинг терминларни ўрганиш бўлимиdir<sup>24</sup>.

Терминология деганда, маълум бир илм, фан ёки соҳа терминларининг мажмуи, ҳамда терминларни пайдо бўлиши, тузилиши, уларни таркиби ва функциялари ҳақидаги билим тушунилади<sup>25</sup>. Умумий терминология назарияси предметига инсоният томонидан тўплланган билимларни жамлаш, ифода этиш, терминларнинг тузилиши, ишлатилиши, терминологик системаларни такомиллаштириш, янги терминлар ва термин системаларини тузишнинг оптималь метод ва усулларини яратиш, билимнинг ҳар хил соҳаларга оид бўлган терминларни универсаллик хусусиятларини излаб топиш ва бошқа вазифалар

<sup>21</sup> Лейчик В.М. Терминоведение. Предмет, методы и структура. М.:Издательство ЛКИ,2007. – 256 с.

<sup>22</sup> Қўнгуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т.: 1992. - 151 б.

<sup>23</sup> Расулов Р. ва бошқалар “Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати”. Т.: “Фан ва технологиялар маркази босмахонаси, 2009. - 44 б.

<sup>24</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2002. – 104 б.

<sup>25</sup> Носирова С.А. Хитой тили дипломатик терминларининг таҳлили //Ж. Шарқшунослик. - Т.,2005- № 2.

киради. Шу билан бирга терминологик бирикмаларни кўп лексемалиги, яъни улар компонентларининг сони бир нечтагача бўлиши тилшунослар учун долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Терминология ҳар бир миллат тилининг маълум бир илм, фан, касб, (масалан дипломатия), ишлаб чиқариш билан узвий равища боғлиқ алоҳида бир сегментини ташкил қиласди. Бундан келиб чиқиб, тил термин орқали ҳар қандай билим соҳасининг структур элементини ташкил этади, деса бўлади. Ҳар қандай фан, агар у чуқурроқ “фан” соҳасини ташкил қиласиган бўлса, унинг структурасида тил (термин)нинг ўрни шунча кўп ўрин эгаллайди, яъни тўғри пропорционал боғланиш кузатилади. Термин учун биринчи навбатда илмийлик хусусияти доминантадир ва у, авваломбор, маъно таркибига қараб ажралиб туради. Фанни терминсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зоро фаннинг “ҳаёти”, унинг фаолияти, ривожланиши, тараққиёти термин орқали ифода этилади. Термин кўп ҳолларда фан тараққиётида янги соҳаларни очиб бериш учун ҳам хизмат қиласди. Назария терминлар воситасида экспериментга, илмий тажрибага асос яратади ва туртки бўлади. Аммо, муайян ҳолатларда баъзи терминлар фан тараққиётини тўсиб туриши ҳам кузатилади<sup>26</sup>. Тил фанга терминология орқали ва терминология базаси воситасида киради. Терминлар ижтимоий хусусиятига эга. Терминология, терминлар ва уларга оид системалар ёрдамида илмий назариялар, қонунлар ишлаб чиқилади ва шу сабабли улар фан ва техниканинг муҳим ажралмас қисмини ташкил этади.

Ҳар қандай термин маълум бир фан, техника, ишлаб чиқариш ёки бошқа бир соҳага тегишли терминологик системанинг аъзоси бўлади ва унинг концептуал маъноси ушбу системадаги ўрни билан белгиланади. Бир соҳанинг терминлари қаторида ҳар бир термин ўзининг дефинициясига эга (аниқ илмий тасниф) бўлади. Шундан маълумки, бир терминология майдонида терминлар бир хил семантилага эга бўлади, яъни айни бир термин, бир неча соҳанинг термини бўлиши мумкин. Бу ҳолатларни омонимияга тегишли ҳодиса, деб қабул қилиш мумкин, зоро бу полисемия кўриниши эмас<sup>27</sup>. Масалан, “тўлқин (волна)” термини бир пайтнинг ўзида гидравлика, геофизика,

<sup>26</sup> Ўзбек тили атамашунослиги.. т.: Фан.1992. - 216.

<sup>27</sup> Носирова С.А. Хитой тили дипломатик терминларини ўқитишнинг ўрни ва аҳамияти// ЎзЖТУ “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари даражасидаги чет тили ўқитишнинг долзарб муаммолари” деб номланган илмий–амалий анжумани материаллари тўплами».- Т.,2005.

информатика, гидрография, сейсмология, электроника, радиотехника, теплофизика, молия, радиофизика, радиобиология, метеорология, ядро физикаси, оптика каби соҳаларда қўлланади. Умумий лексикага зид ўлароқ терминлар маълум бир илмий концепт билан боғлиқ бўлиб, улар воситасида назарий қарашлар ва илмий изланишларнинг аниқ натижалари ифода этилади. Терминология системасига оид лексикада экспрессив маънони ифода этувчи терминлар қўлланилмайди. Лекин бошқа соҳаларда, масалан, адабиёт, санъат, архитектура, маданият соҳаларида бундай ҳоллар мавжуд бўлиши мумкин.

Жаҳонда 20000 дан зиёд терминологик стандартлар қабул қилинган. Махсус терминологик стандартлар давлат муассасалари, ваколатли идоралари, ташкилотлари, халқаро ташкилотлар (жаҳонда 50000 зиёд халқаро ташкилотлар мавжуд), корпорация, компания ва фирмалар томонидан ишлаб чиқилади. Шундай шароитда терминларни ва терминологик системаларни ташкиллаштириш ва унификация қилиш масалалари долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бу муаммоларни бир қисми лингвистик терминология фани доирасида ўрганилади.

Терминлар ва терминологик системалар ривожланиш даражаси ва суръатларининг замонавий алоқа тизимлари, биринчи навбатда, Интернет тизими талабларига мос келмаслиги кузатилмоқда. Ҳусусан, Интернет қидирув системалари (Aport, Ask, Altavista, Aol, Britannica, Google, Myway, Meta, Mail, Ragy, Rambler, Search, Yahoo, Yandex ва ҳ.к.)да бирор бир термин ёрдамида аниқ бир маълумот излаб то-пиш мураккаблашиб бормоқда. Масалан, бир термин асосида берилган қидирув топшириғига Интернетнинг асосий қидирув системалари кам деганда 200000 информация базаларини (сайт) таклиф этиши мумкин. Ҳар ҳар бир сайтга кириш, у билан танишиш учун ўртача 1 дақиқа сарф қилинса, ҳамма сайтларни қўриб чиқиш учун 27 кун керак бўлади. Бу ҳодисани фақат ахборот ресурсларининг тез суръатлар билан ўсиб бориши билангина изоҳлаш мумкин эмас, албатта. Терминологик системаларни унификациялаштириш ва системалаштиришни нисбий камчиликлари, бир термин ҳақида Интернет тизимида берилган буйрукнинг ижро этиш (қидирув) жараёнида маълумотлар спектрининг кенгайиб кетишига олиб келмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, терминларни ўзигагина хос хусиятларни, сифат ёки белгиларни, умуман терминлик мақомни йўқотиши ҳодисаси детерминизация, деб қабул қилинган. Детерминизация-

га учраган терминлар адабий тилнинг лексик системасига интеграллашади. Терминларнинг детерминизация жараёнига учраши тилда кучли экспрессивлик хусусиятига эга бўлган тил бирликларининг воқела нишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, физика фанига оид “черная дыра” шу номдаги идиоманинг келиб чиқишига асос бўлган.

(1) (...) жуда ҳам кучли қиздирилган газнинг туфон таъсирида “черная дыра”га тушишида унинг нурланиш ҳодисаси кашф этилган. (Физикадан энциклопедик луғат).

(2) ЕИЖ ва хориж, бизнинг “черная дыра”ни ҳеч нарса билан қоплаш мумкин эмаслигига амин бўладилар. (“Столица” газетаси).

Терминларнинг фақатгина ўз хусусиятларини, сифатларини йўқотиб, терминлик мақомидан чиқибгина қолмай, балки бошқа бир фанга ўтиш ҳоллари ҳам кузатилади. Бу жараён ретерминизация, деб номланади<sup>28</sup>.

Терминшуносликнинг ютуқлари, баъзи ҳолларда маълум бир давлатнинг манфаатларини таъминлашда хизмат қиласди, ушбу мақсад учун ҳуқуқий замин яратади<sup>29</sup>. Терминшунослик масалаларига юзаки ёндошув маълум бир давлатнинг халқаро алоқаларида муаммолар келтириб чиқариши, унинг манфаатларига салбий таъсир этиши мумкин.

**1.4. Терминларни тадқиқ этиш методлари.** Терминларни лингвистик методлар ёрдамида тадқиқ қилиш (уларнинг тил субстрати ёки ўзига хос терминологик хусусиятлари)да асосан икки ёндошув кузатилади.

Биринчи ёндашув. Терминларнинг семантикаси ва формал структураси тадқиқ этилади, сўнгра эса уларнинг умумий белгилари аниқланади.

Иккинчи ёндашув. Терминлар маълум бир умумий хусусиятлар замирида (терминология ва терминологик системалар) тадқиқ этилади. Сўнг уларнинг умумий ва ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, маъновий, мантикий, мазмуний ва формал алоқалари аниқланади.

Лингвистик методларни қўллаш ёрдамида лексик бирлиқдан босқичма - босқич лексик бирикмалар мажмуасига ёки лексик бир-

<sup>28</sup> Носирова С.А. Хитой дипломатик терминларининг лексик - семантик ва структур тахлили.: филология фанлари номзоди илмий дарражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти.2008. - 246.

<sup>29</sup> Носирова С.А. Ҳозирги замон хитой тили дипломатик терминларнинг ясалишида феъл-объектли модел.// Хитойшунослар илмий анжумани тўплами.- Т.,2006.

ликларнинг умумий, яъни типологик хусусиятларидан уларнинг факт ўзигагина хос бўлган хусусиятларини тадқиқ этишга ўтилади.

Терминлар маъносини тадқиқ этиш, қисман умумлингвистик тадқиқ методларига яқин бўлиб, қисман терминлар соҳаси учун алоҳида яратилган. Умумий тадқиқ услубларни икки турга бўлишимиз мумкин.

I. Компонент таҳлил (сема, маъно, ташкилий бўлаклар, қисмлар таҳлили)<sup>30</sup>.

II. Семенатикани икки компонетга, яъни предмет ва маъно (хажм ва маъно) ажратишдан иборат бўлиб, иккинчи компонентга бир қатор хусусиятлар (семантик элементлар) мажмуи, яъни бу предметни бошқа кўп предметлардан ажратиб турувчи сифатида қаралади. Бу комбинатор таҳлил усули деб аталади. Терминлар мажмуаси тадқиқи ҳам алоҳида олинган бир терминни, унинг аспектларини ўрганиш каби амалга оширилади: терминнинг маъно плани ва ифода плани. Аммо терминологик мажмуалар, жумладан, ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларни тадқиқ қилиш методлари алоҳида олинган бир терминни тадқиқ қилиш методларига нисбатан кам ишлаб чиқилган<sup>31</sup>. Умумий тилшуносликда терминлогия асосан қўйидаги методлар воситасида тадқиқ этилади:

1. Тарихий - тасвирий метод илмий ёки техник терминологиянинг яратилиш жараёнини тўлиқ кўриш имконини беради (масалан, ихтиология, физика, география терминлари тадқиқи).

2. Компонент таҳлил тўлиқ мажмуа учун қўлланилиб, умумий семани аниқлашга хизмат қиласди.

3. Семантик кўпайтирмалар методи маълум семаларни априор ёки интуитив белгиламасдан, матн ва сўзлар маъносини семантик тадқиқ асосида белгилаш имконини беради<sup>32</sup>.

4. Дефиницион метод терминлар маъносини мантикий–лингвистик анализ ёрдамида аниқлаш ва боғлиқлиқ графикасини тузиш имкониятини яратади. Методнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг ёрдамида семантик кўпайтирмалар тузилмайди, балки яқин

<sup>30</sup> Ахманова О.С. и др. Основы конпонентного анализа: Учебное пособие/ Ахманова О., Глушко М., Гюббенет И., Долгополова И., Лысенко В., Медникова Э., Михедова Л., Тимпко Л. М.:Изд-во Моск.ун.та,1969. -98с.

<sup>31</sup> Носирова С.А. Хитой тили дипломатик ҳужжатларида қўлланилувчи протокол формулалар:// Тошдши“Шарқшунослик”илмий журнали. - Т.,2006. – Б.19-24.

<sup>32</sup> Пшеничная Л.Э. Об одном методе выявления и представления структуры значения термина. Автореф.дис. ...канд.филол.наук.Киев:.1968. -20с.

терминларни уларни дефиницияларида тасвиранган маънолар хусусиятлари таққосланади<sup>33</sup>.

5. Дистрибутив метод матнларда, жумладан, дефиницияларда маълум бир терминларнинг биргаликда келиш частоталарини ўрганишга асосланган.

6. Маълум бир лексик бирликларнинг формал парадигмасини тузиш методи. Бу метод маълум бир терминология синфига тегишли бўлган, масалан, геологияда префиксал тузилмалар ва кимё фанида аффиксал тузилмалар парадигмасини тузиш орқали амалга оширилади.

Терминшунослик соҳасига оид тадқиқодларда бундан ташқари фундаментал ва лингвистикага яқин бўлган фанларда қўлланилиб келинаётган методлар ҳам қўп ишлатилади. Бу биринчи навбатда фалсафа, системология, гносеология, когнитив лингвистика ва когнитив семантика, мантиқ, этимология, классификация назарияси, умумий математика, математик статистика, герменевтика, семиотика, синтактик, семантик, прагматик, сигматик семиотика, статистика, моделлаштириш назарияси, кластер таҳлили, информатика, кодлаштириш назарияси, стандартизация назарияси, компьютер лингвистика ва бошқалар<sup>34</sup>.


---

<sup>33</sup> Шелов С.Д. Определение терминов и понятийная структура терминологии. СПб:Издво Сп. Ун-та.,1998. - 234с.

Шелов С.Д. Родовидовые определения и родовидовая иерархия терминологических понятий (на материале определений лингвистических терминов) // Вопросы языкознания, 1996. № 6. - С.72-83.

Шилова Е.В. Терминологическая дефиниция как метатекст в русско-язычной и англоязычной научно-технической литературе. Автореф. дис.... канд. филол. наук. Екатеринбург: 2005. - 24с.

<sup>34</sup> Лингвисты не могут убедительно объяснить, почему примитивные племена используют сложные языки. В недавно опубликованной работе Гэри Лупяна, психолога из Университета Пенсильвании, и его коллеги Рик Дейли выявлена связь между грамматикой языка и количеством говорящих на нем людей. Чем их больше, тем проще язык, считают они. Лупян и Дейл сравнили 2236 языков по специальной шкале, в которой учитывались особенности грамматики. Например, количество времен, падежей и родов. Чем больше приставок, суффиксов и окончаний приходится использовать в языке для выражения этих категорий - тем он сложнее.



Маълумки стандартизация назарияси, асосан прескрептив методлар воситасида халқаро, маълум бир миңтақа, давлат, соҳа ёки маълум бир компания доирасида бир неча ўн минг терминологик стандартлар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги терминшунослик назариясининг асосий муаммолари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин.

1. Термин моҳияти.
2. Термин ва дефиниция.
3. Терминнинг формал структураси.
4. Янги терминлар яратиш муаммолари.
5. Терминосистемалар моҳияти.
6. Терминологияк системалар тараққиёти ва илм-фан ривожланиши.
7. Терминосистемаларнинг лисоний тарққиёти.
8. Терминологияда табиий, сунъий ҳамда онгли ва ноонгли ҳолатлар.
9. Терминлар соҳасида вариантилик ва уларнинг чегараси.
10. Терминларнинг функционал ва фиксация соҳалари.
11. Термин ва матн.
12. Терминшунослик фан сифатида.
13. Назарий терминшунослик структураси.
14. Нисбий терминшунослик.
15. Тарихий терминшунослик.
16. Терминшунослик қонунлари<sup>35</sup>.

Мазкур ўкув кўлланмада хитой дипломатик терминологияси кўрсатиб ўтилган методлар воситасида тадқиқ қилинди.

### **1.5. Терминшунослик илмий мактаблари**

XX асрга келиб терминшунослик соҳасидаги тадқиқот ишлари кенг ривожланди. А.С. Герд, О.Вюстер, Д.С. Лотте, Э.К. Дрезен, Б.Н. Головин, С.В. Гринев, В.П. Даниленко, Т.Л. Канделаки, В.М. Лейчик, В.Н. Прохорова, А.В. Суперанская, В.А. Татаринов, Г.О. Винокур, В.В. Виноградов, Г. Рондо, В.П. Петушков, И.П. Смирнов, П.Н. Денисов, А.А. Реформаторский, Л.И. Скворцов, А.И. Моисеев, Л.М. Алексеев – умумий терминология, А.С. Волоскова, Е.М. Иссерлин, Ф.П. Сергеев, А.М. Сабенина, Э.М. Шпанова, М.В. Антонова, С.В. Гинёв, Л.Л. Кутина, В.В. Акуленко, Х. Фольбер, Б.Н. Мадсон, Х.Э. Томсен, Л. Хоффман, Х. Сайгер ва бошқалар муайян соҳа терминшунослигида алоҳида аҳамиятга эга илмий ишларни амалга оширилар.

Умуман, терминшунослик соҳасида Москва (В.Даниленко, Е.Толикина, П. Денисов, Т. Канделаки), Санкт-Петербург (Л.Кутина, Е. Чупилина, Е. Коновалова), Киев (Э.Скороходько, В. Овчаренко), Тошкент (С. Акобиров, А.Хожиев, Р.Дониёров, А. Хаютин), Рига (В.Скуи-

<sup>35</sup> Лейчик В.М. Проблемы отечественного терминоведения в конце 20 века//Вопросы филологии, 2000. №2(5). -С.20-30

ня), Таллин (Р.Кулль), Вильнюс (К.Гайвяниш), Боку (М.Гасимов) илмий марказлари шаклланди ва бир қатор китоблар нашр қилинди.

XVI-XXI асрлар дипломатик ҳужжатларнинг лексикаси ва стилистик таҳлилига бағишлиган илмий ишлар ҳам амалга оширилган. Ўзбек олимларидан А.Шаматов, Ҳ.Ҳомидий, А.Талабов, Ҳ.Дадабаев, Ҳ.Мухитдинова, А.Куранбеков, Қ.П.Содиков, М.Х.Маҳмудходжаев, Н.Қамбаров, Г.Боқиева, А.Абдуазизов, А.Ходжаев, А.Айтбоев, Р.Иномхўжаев, Ҳ.Р.Рахмонқулов, А.С.Сайдов, А.Воҳидов, А. Абдуазизов, А.Абдулаева, А.Азизова, Ғ.Аҳмедов, Ҳ.Бектемиров, Ғ.Бакиров, Ҳ.Болтабоев, Ё.Тожиев, Р.Толипова, Ю.Мацкевичларнинг<sup>36</sup> ишлари хорижий тиллар, адабиёт, тарих, ташқи сиёsat, дипломатия ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларнинг этимологик, лексик – семантик таҳлилига ва терминологик лугатларга бағишлиган. Д.С. Қулмаматовнинг ишида рус ва ўзбек тилларидаги дипломатик ҳужжатларнинг матнлари диахроник аспектда ўрганилган.

Хитой олимларидан Гао Лянфу, Ван Липин, Чжоу Цзумо, Чжан Цзин, Цзинь Шаочжи, Чжу Дэси, Чжан Шилу, Ли Цзиньси, Лю Шижу, Ен Жэнъчао, Ли Жун, Янь Цзинсюань, Чжан Чжигун, Сунь Чансюй, Ван Пин, Гэ Синьи, Лу Чживей, Гао Минкай. Чжан Шоукан, Ли Цзиньси, Лю Шижу, Хуан Юэчжоу, Ду Исин, Чжоу Суньюан, Чжэн Сюфу, Чжан Дэгуан, Ван Епин ва бошқаларнинг ишлари мавзу доирасида катта ўрин тутади. 2006 йилда нарш этилган дипломатик матнлар, ҳужжатлар ва терминосистемалар таҳлилига доир Хуан Дингчининг “A Bilingual Study of diplomatic documents” иши алоҳида эътиборга молик. Ушбу ишда дипломатик ҳужжатларнинг семантик ва структурал таҳлили, ҳужжатларда кенг қўлланиувчи терминлар, протокол формулаларнинг хусусиятилари илк марта системали равишда тадқиқ этилган<sup>37</sup>.

С.А.Носирова ва А.Каримовларнинг 2004 йилда Хитойда нашрдан чиққан “汉乌俄外交词典” китобида терминография асосида 1600 дан зиёд терминлар ва уларнинг ўзбек ва рус тилларидаги

<sup>36</sup> Дадабаев Х. Общественно – политическая и социально – экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV вв. – Т.: Ёзувчи, 1991.

Мухитдинова Х.С., Абдулаева А.А. Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. - Т. 1997. Содиков Қ.П. Эски уйғур ёзуви (элчилардан юборилган ёрликлар).

Аҳмедов Ғ., Бектемиров Ғ. Русча – ўзбекча юридик атамалар лугати. – Т.: ”Адолат”, 2002. - 3286., Мацкевич Ю., Пан А. и др. Язык бизнеса. Термины.-Т.:ИПК «Шарқ»,1995.

- 734

<sup>37</sup> Huang Jinqi . A Bilingual Study of Diplomatic Documents // Series of Huang Jinqi's Monographs on Diplomacy // Book I, Book II. Beijing, World Affairs Press, 2004.

таржималари жамланган<sup>38</sup>. “汉乌俄外交词典” 2005-2007 йилларда Пекин ва Шанхайда ўтган халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинган. Хитой ва Гонконг илмий журналларида тақризлар чоп этилган.

Мазкур ўқув қўлланма хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг лексик - семантик ва структур тадқиқига бағишлиланган. Унинг биринчи қисмида эса дипломатик терминлар тадқиқ этилади. Масаланинг таҳлилига ўтишдан аввал хитой тили дипломатик терминларининг асосини белгиловчи хитой дипломатияси тарихига, шунингдек Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари динамикасига назар ташлаш мақсадга мувофиқ.

### **1 бўлим бўйича саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида маънавият, маърифат, тил ва адабиёт ҳақида қандай ғоялар олға сурилган?
- 2.“Термин” дефиницияларни изоҳлаб беринг.
- 3.Хитой олимларининг “термин” ҳақидаги фикрларига изоҳ беринг.
- 4.Терминларнинг асосий хусусиятларини ёзинг.
- 5.“Термин” ва “сўз” тушунчаларининг солиштирма таҳлилини амалга оширинг.
- 6.“Детерминизация” тушунчасига тасниф беринг ва ўз фикрингизни изоҳланг.
- 7.“Детерминизация” ва “идеома” ларга мисоллар келтиринг.
- 8.“Профессионализмлар” деб қандай сўзлар ва терминларга айтилади?
- 9.“Терминология” фанининг предмети нима?

### **Амалий машғулот учун саволлар**

1. “Терминология” фанининг обьекти нима?
- 2.“Терминология” фани қачон пайдо бўлган?
3. Ўзбекистон ва Хитой дипломатия соҳасини терминлар билан таъминланиш даражасини изоҳланг.

<sup>38</sup> 哈希莫娃“汉乌俄外交词典” – 中国，黑龙江, 2004. – 328 页。

Носирова С.А. Из опыта составления дипломатического словаря// ТашГИВ «Востоковедение» .- Т.,2006.

4. Терминология стандартлари ҳақида нималар биласиз?
5. ИНКОТЕРМС ва ИНФОТЕРМ нима?
6. Терминшунослик соҳасида ўзбекистонлик ва хорижий олимлар қандай ишлар олиб борганлар?

**Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар**

1. Ўзбек хитойшуносларнинг терминология соҳасининг ривожига қўшган хиссаси.
  2. Хитой тилшуносларининг термин тушунчаси доирасидаги қарашлари.
  3. Терминларни тадқиқ этишда қўлланиладиган асосий методлар.
  4. Профессионализмларга мисоллар келтиринг.
  5. Ҳозирги терминшунослик назариясининг асосий муаммолари.
-

“Тарихий хотирасиз келажак йўқ”  
Ислом Каримов

## **II МАВЗУ. ХИТОЙ ДИПЛОМАТИЯСИ: КЕЧА ВА БУГУН**

---

**Дарснинг ўқув мақсади:** Хитой дипломатиясининг тарихи билан танишиш, Хитой дипломатиясининг ғоявий ва назарий асослари нинг шаклланишини ўрганиш, Хитой Халқ Республикаси дипломатиясининг асосий босқичлари, Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш. Ижтимоий -сиёсий ва дипломатик терминлар генезисини таҳлил қилиш, ушуб соҳа манбалари асосида терминларнинг семантик жиҳатларини ўрганиш.

---

**Таянч тушунчалар:** дипломатия, концепция, формализация, дипломатия санъати, дипломатик каналлар, “коутоу”, темурийлар, бо бурийлар, “бир мамлакат – икки система”, дипломатик алоқалар, дипломатик миссия, тактика, стратегия, “Учинчи дунё”, беш принцип, маънавият, диаспора, миграция, империя, тарих, сулола, стратегия, сиёсат, мафкура, миллат, механизм, традиция, халқ демократияси, халқаро нуфуз, хитойшунослик, доктрина, “цю-тун, цун-и”, морфема, семантика, фаол терминлар, компонент, типология, телеграмма, табрикнома, таъзия, сулола, сўз бирикмаси, иероглиф, протокол, аҳдлашувчи томонлар, генезис, ибора, трансформация, шартнома, келишув, мандат, ишонч ёрлиғи, шартнома, аккредитация, хуацяо, элчи, дипломатия, консул.

---

**2.1. Хитой дипломатияси тарихига бир назар.** Хитойча ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминология генезисини ўрганар эканмиз, албатта, Хитой дипломатияси тарихига бир назар ташлашимиз лозим бўлади. Бундай қарор қўйидаги холатларда асосланади. Биринчидан, ҳар қандай тушунчалар, шу жумладан дипломатик тушунчалар системаси муайян терминларни тартибга келтиради, умумлаштиради ва бошқа илмий жиҳатларини ўрганади. Иккинчидан, хитой дипломатик терминологияси ташқи сиёсат, савдо - сотик, инвестиция, молия, фан ва техника, маданият, маориф, спорт ва бошқа соҳалардаги алоқалар, халқаро муносабатлар, ижтимоий ва иқтисодий таракқиёт билан узвий равишда ривожланиб боради. Учинчидан дипломатик терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда давлат, ҳукумат ва жамиятнинг доимий назорати остида бўлади.

Хитой тилида ҳам бошқа тиллардагидек дипломатик терминлар ўз ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Аксинча, улар заруриятга қараб ижод қилинади, аста - секин қўлланишга киритилади, яъни муайян термин олдин мамлакат ичида, турли даражадаги давлат ва партия раҳбарлари нутқлари, чиқишлари, сўнгра халқаро доирада синов ва тажрибадан ўтказилади.

Хитойда дипломатия санъати Европа мамлакатларига нисбатан барвақт шаклланган (Юноистон, Рим, Миср дипломатияси бундан мустасно) бўлиб, бир неча минг йиллик анъаналарга эга. Хитойда дипломатлар миллий қаҳрамонлар, саркардалар, илм - фан, маданият ва санъат намоёндалари каби машхур бўлганлар ва тарихда алоҳида ўрин эгаллаганлар. Тарихий манбаларга таянган ҳолда бир неча машхур дипломатларни айтиб ўтиш, дипломатия соҳасига оид тактика, стратегия, маҳорат, мақсадлар, тамойиллар, каналлар ҳамда шаклларни умумлаштириш мумкин. Масалан, “Муросасиз давлатлар” (мил.ав. 475 – 221 й.й.) даврида Хитой бир қанча феодал хонликларга бўлинган, улар ўртасида ҳокимият учун тўқнашувлар бўлиб турган. Ўзаро низоларга барҳам бериб, ягона кучли давлат яратиш мақсадида стратег Су Чин 燕, 赵, 韩, 威, 齐 ва 楚 хонликларни йиғиб, уларни 合纵, яъни “Вертикал альянс” деб номланган бирлашма тузишга ишонтирган ва ўзини “бош вазир” деб эълон қилган.

Чжан И исмли бошқа бир стратег эса ушбу олти давлатни Су Чин иттифоқидан ажралиб, мустақил сиёсат олиб бориш учун янги альянс тузишга кўндиради. Ушбу янги альянс **连横** “Горизонтал иттифоқ” номи билан машҳур бўлиб, “Вертикал альянс”ни таназзулга учратган. “Вертикал альянс” сиёсати “кучсиз давлатларни бирлаштириб, кучли давлатга биргаликда ҳужум қилиш”дан иборат бўлган бўлса, “Горизонтал иттифоқ” сиёсати “кучсиз ва кучли давлатларни бирлаштириб, кучсиз давлатга ҳужум қилиш ”дан иборат эди.

Су Чин ва Чжан И ҳурматга сазовор бўлган ташқи сиёсатни қуришга ҳаракат қилишган. Улар ва уларнинг издошлиари кейинчалик 游说家 youshuojia “нотиқшунослар” ёки 纵横家 zonghenhjia “вертикал ва горизонтал стратеглар” сифатида шуҳрат топиб, қадимги Хитойнинг тарихий дипломатлари бўлишган.

“Уч қироллик” (мил. 220 – 265 й.) даврида Хитой Вей, Ву ва Шу Хан давлатларига бўлиниб кетган. Шу Ханлик 诸葛亮 Жугэ Лянг давлат арбоби ва таниқли дипломат бўлган ва Шу Хан давлати асосчиси 刘备 Лъё Бэй томонидан “teshi” 特使- “максус вазифа билан

элчи” сифатида Ву давлатига жүннатилган. Унинг вазифаси Вуни Цао Цаога (Вей давлати асосчиси) қарши курашишга күндириш эди.

Жугэ Лянг “teshi” 特使 сифатида 曹操 Цао Цаога таслим бўлиш тарафдорлари, Вунинг мансабдор шахслари билан музокаралар ўтказади. Кейин 孙权 Сун Чуэн (Ву давлатининг асосчиси) ва 周瑜 Жоу Ю (Ву давлатининг ҳарбий қўмондони) билан бирга бўлган 个别会谈 gebie huitan “юзма-юз” музокараларни ўтказган ва Сун Чуэн билан Жоу Юлаларни Цаога қарши курашишга кўндириган. Цао кучлари миқдор жиҳатидан қанчалик кўп бўлмасин, Чанг Дзянг дарёсининг шимолий қирғоғида жойлашган 赤壁 Чиби қалъасида 刘 Лъё ва 孙 Сунларнинг бирлашган қўшинлари томонидан тор - мор этилган. Кейинчалик Жоу Ю (Ву давлатининг ҳарбий қўмондони) Динг Жоу ҳудудининг (ҳозирги Ухан провинцияси яқинидаги ҳудуд) Лъё Бей тасарруфига ўтганлигидан ғазабланиб, жон таслим қиласди.

Жугэ Лянг Ву давлатига яна бориб, Жоу Ю вафоти муносабати билан Ву давлатининг амалдорларига ҳамдардлигини билдиради ҳамда улардан Лъё Бейдан қасос олмаслик, бу билан Цао Цаога ҳужум қилиш имконини бермасликларини илтимос қиласди. Жугэ Лянгнинг Ву давлатига бўлган биринчи миссияси “нефрит тош ва ипакни қилич ва найзага айлантириш”, яъни “таслим бўлишни қарши курашга алмаштириш” бўлса, унинг иккинчи миссияси “қилич ва найзаларни нефрит тош ва ипакка айлантириш” бўлган<sup>39</sup>. Усталик билан олиб борилган дипломатик ушбу тактика аниқ стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган эди.

Хан сулоласи даврида император Юэн Ди қасридаги Ванг Жаодзюн исмли гўзал жориянинг Хун сулосаси ҳокимига турмушга чиқиши ҳақидаги ҳикоя деярли ҳар бир хитойликка маълум. Ушбу ҳикояда айтилишича, император Юэн Ди Хан билан Хун сулолари ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш мақсадида Жаодзюнни Хун сулосаси ҳокимига турмушга беради. Хан императори оиласидан чиқсан қизларни чегара ҳудудлардаги кичик хонликлар ҳукмдорларига турмушга бериш орқали улар билан алоқаларни мустаҳкамлашга эришган. Бундай усуллар 和亲, яъни “альянс никоҳ” номи билан машҳур бўлиб, тинчликни сақлашга қаратилган дипломатик усул сифатида кенг тарқалган. Жао Дюн ўз замонининг 努外交家 “аёл дипломати” ёки 和平使者 “тинчлик элчиси” шарафга эга бўлади.

<sup>39</sup> “化干戈为玉帛”. Huang Jinqi. Shenme shi waijiao. – Beijing , 2004. – 2 б.

“Уч қироллик” асарида келтирилишича, Ву давлатининг ҳукмдори Сун Чуэн ҳам шу йўлни тутиб, ўғли учун Динг Жоу гарнizonига бошлиқ бўлган генерал Гуан Юнинг қизини сўрайди. Ушбу йўл аслида дипломатик тадқиқ усуллардан бири эди. Гуан Ю Сун Чуэннинг таклифига қўйидагича жавоб қайтаради: “Йўлбарснинг қизи қандай қилиб итнинг ўғлига турмушга чиқиши мумкин?”,<sup>40</sup> Натижада у ва Сун Чуэн ўртасида адоват юзага келади. Гуан Ю бундай йўл тутиш орқали Динг Жоу гарнizonи мудофааси учун Жугэ Лянг “Шарқ тарафдан Сун Чуэн билан иттифоқдош бўлиш айни пайтда Цао Цао билан шимол тарафдан курашиш демакдир” деган стратегик сиёсатини рад этади. Шимол ва шарқдан қилишган хужум натижасида Динг Жоу гарнizonи Сун Чуэн қўлига ўтади.

Фарбий Хан сулоласидан бўлган Жанг Чиен (эрдан ав. 114 й.) Хан империясининг ғарбдаги қўшни давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиши, 明 Мин сулоласидан (1368-1644 й.) машхур денгиз сайёхи 鄭和 Жанг Хэнинг (Чжэнхэ) (1371-1435 й) Жанубий ва Шарқий Осиё ҳамда Шарқий Африка давлатларига қилган 7 экспедицияси – Хитой дипломатиясининг ёркин намунаси, деса бўлади. Ходжаев А. олиб борган тадқиқотлардан маълумки, Чжэнхэ Хитой сиёсатида маълум аҳамият касб этган ватандошимиз Умар Камолиддин Саъид Шамсуддиннинг авлоди бўлиб, унинг исми Маҳмуд экан.

2005 йили Пекин, Шанхай ва бошқа марказларда Хитой тарихидаги биринчи денгиз экспедицияларининг 600 йиллигига бағишиланган илмий ва амалий анжуманлар уюштирилди. Хитой олимлари Чжэнхэнинг 1405 –1433 йилларда Индонезия, Ҳинд ороллари, Форс кўрфази мамлакатлари, Африка қитъасининг шарқий қирғоқлари, Саудия Арабистонига уюштирган денгиз сафарларини Хитой тарихига олтин ҳарфлар билан битилган жасорат, деб эътироф этдилар.

Сиёсий ва ижтимоий фикр жараёнida хитой дипломатияси жамият маданиятининг ажралмас бир қисми, давлат манфаатларини ҳимоя этувчи муҳим бир механизм сифатида эътироф этилган. Шу сабабли бу дипломатия “қадимийликни ҳозирги даврга татбиқ этиш” мафкурасига асосланган ва мустаҳкам илдизларга эга<sup>41</sup>. Г.Киреев ва В. Корсуннинг фикрича, “Хитой “миллийлиги” анъана асослари қўлланилишининг универсаллигига, деб қаралган. Умуман, қадимги Хитой

<sup>40</sup> Кўрсатилган асар. – З б.

<sup>41</sup> Носирова С.А. Хитой тилида “дипломатия ” сўзининг диахроник таҳлили.// Хитой-шунослар илмий анжумани тўплами. - Т.,2006. – Б. 8

империялари ташқи сиёсати негизини хан миллатининг бошқа миллатлардан мавқеан юқорилиги хитой маданиятининг бошқа маданиятлардан илғорлиги ҳақидаги дөгматлар ташкил этган”<sup>42</sup>.

Хитой дипломатиясининг ғоявий ва назарий асосларининг шакланиши милоддан аввалги VII-III асрларга түғри келади. Хитойнинг илк дипломатик фаолияти Ғарбий Чжоу (мил.ав.XI аср-771 й.) сулоласи давридан бошланган. Қадимий Хитой элчилари ва миссияларининг биринчи дипломатик ташрифлари Бирма ва Ҳиндистон давлатларига амалга оширилган<sup>43</sup>.

2500 йил муқаддам яхлит Хитой империяси ташкил топғач, “марказлашув фалсафаси” ҳар қандай сиёсий доктриналар учун мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган. Хитой императори - “Осмон фарзанди” - Ер юзида ягона тартиб-интизом белгиловчи ҳоким сифатида кўрсатила бошланган. Хитой императори “олий ваколатга” эга бўлганлиги сабабли, у хитойликлар томонидан Хитой ва “Само остидаги” барча юртларнинг ҳақиқий ҳукмдори сифатида эътироф этилган. Эрамиздан аввалги V-III асрларда Хитойнинг ташқи сиёсат доктриналари, давлатлараро алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш, жумладан, “олис подшоҳликлар билан яқин подшоҳликларга қарши иттифоқлар тузиш”, макр ва ҳийла каби методлар ривожланган<sup>44</sup>.

Хан сулоласи даврида ғарбий мамлакатларга элчи сифатида юборилган Чжан Сян ҳозирги Сиандан Буюк Ипак йўли орқали Марказий Осиёга икки марта ташриф буюрган. Суй ва Тан сулолалари (VI-X аср) даври Хитой цивилизациясининг гуллаб яшнаган “олтин даври” деб тан олинган. Бу даврда хитой дипломатиясига “Марказий империянинг” бошқа мамлакатлардан “устунлик назарияси” таъсир кўрсатган.

Мин сулоласи даврига келиб (1368–1644) дунёning қўплаб давлатларидан элчилар, дипломатик вакиллар, савдогарлар Хитойга ташриф буюрган. Ушбу даврда Мин сулоласининг вакили илк бор Самарқандга дипломатик миссия билан ташриф буюрган<sup>45</sup>.

Цин сулоласи (1644–1911) даврида Хитой билан дипломатик алоқалар ўрнатган хорижий мамлакатлар teng ҳамкор сифатида тан

<sup>42</sup> Дипломатия иностранных государств.-М.МГИМО: «РОССПЭН», 2004. –С.183.

<sup>43</sup> 番新明。 外事使用文书大全。 - 北京：世界知识出版社，1994。 - 9 6.

<sup>44</sup> Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая.М., 1981. – С.135.

<sup>45</sup> Кўрсатилган манба.- 13 б.

олинмаган, балки тобе мамлакат тарзида эътироф этилган<sup>46</sup>. Масалан, император қабулига келган элчиларидан тобелик сифатида “коутоу”, яньи “уч марта тиззага чўкиш ва тўқиз марта ерга пешона теккизиб, таъзим бажо келтириш” талаб этилган. Ушбу таъзимни ижро этиш фақат императорга бўлиб қолмасдан, балки унинг номи ёзилган тахтларга ҳам буюрилган. Бундай таъзимни ижро этишдан бош тортган элчилар қабул қилинмаган ва ўз мамлакатларига қайтариб юборилган.

1656 йилда Ф.И.Байков раҳбарлигига Хитойга юборилган биринчи дипломатик миссияси Рус подшоси Алексей Михайлович имзолаган ёрлиқни императордан ўзга кимсага топширишдан ва “коутоу” талабларини бажаришдан бош тортганлиги боис император томонидан қабул қилинмаган. Ф.Байковдан кейин Хитойга юборилган Россия элчилари ушбу талабларни бажара бошлаганлар<sup>47</sup>.

#### Хитой тарихига оид хронологик жадвал ®

<b>Сулола номи</b>	<b>Хукмронлик йиллари</b>
Ся	милод.авв. XXI-XVI асрлар
Шан	милод.авв. XVI-XI асрлар
Фарбий Чжоу	милод.авв. XI-770
Шарқий Чжоу (Чунцю ва Чжанго даврлари)	милод.авв. 770-221
Цинь сулоласи	милод.авв. 221-207
Фарбий Хан	мил.авв. 206 - милодий 24
Шарқий Хан	25-220
Уч подшоҳлиги (Вэй, Шу ва У)	220-265
Фарбий Цзин	265-316
Шарқий Цзин	317-420
Жанубий ва Шимолий сулолалар	420-589
Суй	581-618
Тан	618-907
Беш сулола даври	907-960
Шимолий Сун	960-1127
Жанубий Сун	1127-1279
Юан	1271-1368
Мин	1368-1644
Цин	1644-1911

® “Китай”. КНР.- Пекин.: «Синьсин», 1997. - 249 с. асосида тузилган.

<sup>46</sup> Дипломатия иностранных государств.-М.МГИМО: «РОССПЭН», 2004. – С.184.

<sup>47</sup> Мясников В.С. Договорными статьями утвердили.Хабаровск – М., 1997. – С.84.

## 2.2 Хитой Халқ Республикаси дипломатиясининг асосий босқичлари

Хозирги давр Хитой дипломатияси 1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси эълон қилинишидан анча аввал, яъни Хитой Коммунистик партияси раҳбарларининг Гоминдан, Америка Қўшма Штатлари ва собиқ Совет Иттифоқи билан олиб борган алоқалар ва музокаралари асосида ривожланган.

Хитой Халқ Республикаси ташкил топгандан сўнг Ташқи ишлар вазирлигига хизмат қилиш учун давлат ва жамиятнинг энг илғор намоёндалари, фуқоролар уруши даврида Ватан ва миллат учун жон олиб, жон берган шахслари, хусусан Хан Нянлун, Ван Юпин, Цяо Гуанъхуа, Хуан Хуа ва бошқалар юборилган. Ташқи сиёсат асослари Хитой Коммунистик партияси Марказий Кўмитаси раиси Мао Цзэдун ва Давлат Кенгаши Бош вазири Чжоу Энлай томонидан ишлаб чиқилган.

Мао Цзэдун хитой ташқи сиёсатида реал ва ишчи руҳни ўрнатибгина қолмай, “Омма йўналиши” ва “Уч дунё”, яъни, капиталистик, социалистик ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ривожланаётган давлатлари назариясини олға сурган.

Хитой дипломатиясининг “отаси” Чжоу Энлай Хитой Халқ Республикасининг биринчи қадамларидан бошлаб Давлат Кенгаши премьери ва ташқи ишлар вазири вазифаларини бажариб борган. Хитой ҳукумати раҳбари сифатида у кўп мамлакатларда расмий ташрифларда бўлган. Мао Цзэдун, масалан, давлат раҳбари сифатида фақат икки марта хорижга сафарга чиққан. Унинг икки ташрифи ҳам Москвага бўлган.

Чжоу Энлай Хитой ташқи ишлар вазирлигини “хунвэйбинлар” ҳужумларидан ва “маданий инқилоб” хуружларидан сақлаб қолган. Чжоу Энлай “халқ дипломатияси”, яъни жамоат ташкилотлари иштирокида халқаро алоқаларни ривожлантириш назариясини яратган ва амалга татбиқ этган. Бу сиёсий усул ҳозирги давргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, Хитой Халқ Республикасида ҳозирги даврда 10 зиёд турли тизимдаги марказлашган халқ дипломатияси ташкилотлари мавжуд. Ушбу ташкилотлар Хитой Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва муассасаларни истеъфога чиққан раҳбарлари томонидан бошқарилади.

Чжоу Энлай дипломатияси асосларини “цио-тун цун-и” “қарама қаршиликлар мавжудлигига қарамасдан умумийликни топиш” прин-

ципи ташкил этган. Ҳиндистон Бош вазири Ж.Неру ва Бирма Бош вазири У Ну билан ҳамкорликда Чжоу Энлай 1955 йили Бангдунг халқаро конференциясини чақирган ва тинчлик ва ҳамкорликни янги беш принципини олға сурган. Чжоу Энлай ташқи сиёсат тамойилларидан бири сифатида халқаро муносабатларда сиёсий, ғоявий ва мафкура-вий зиддиятларни топиш эмас, балки Хитой манфаатларини ҳимоя этиш мақсадларининг устуворлигини таъминлаш, деб қабул қилиш мумкин.

Хитой ташқи сиёсатини ривожланишига 1980 йилларга келиб Дэн Сяэпин катта ҳисса қўшган. У томонидан тарихидан қолган жиддий муаммоларни, яъни Гонконг, Макао ва Тайванга тегишли масалаларни ижобий ҳал қилишнинг умумий йўли сифатида “бир мамлакат - икки система” сиёсати ишлаб чиқилди. Дэн Сяопин “мамлакат ичида реформа, ташқи дунё билан янги алоқалар (очиқлик)” сиёсатини олға сурди. Бу сиёсат мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини яхлитлигини, ташқи сиёсатни ички сиёсатни амалга ошириш учун хизмат қилиши мажбурлигини таъминлади. Бу масалаларни оддий маъноси сифатида Дэн Сяпиннинг “Мушукнинг оқ ёки қора рангини аҳамияти йўқ, у сичқон овласа кифоя”, деган сўзларини келтириш мумкин.

Хитой Халқ Республикасининг ҳозириги замон ташқи сиёсати қўйидаги тамойилларга асосланган:

➤ Хитой барча халқаро масалалар буйича ўзининг позициясини ва сиёсий курсини мустақил равишда белгилайди, ҳеч қандай иттифоқларга қўшилмайди ва йирик мамлакатлар ёки блоклар билан стратегик алоқалар ўрнатмайди, гегемонизм ва куч ишлатиш сиёсатига қарши туради;

➤ Хитойни ташқи сиёсатининг мақсади жаҳонда тинчликни ҳимоя этиш и мамлакатни модернизация қилиш учун тинч ва қулай халқаро шароитлар яратишдан иборатdir;

➤ Хитой барча мамлакатлар билан тинчлик шароитида яшашнинг беш тамойиллари, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, давлат худудларини яхлитлиги ва бўлинмаслиги, ўзаро ҳужм қилмаслик, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч яшаш асосида алоқаларни тараққий эттириш тарафдоридир;

➤ Ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва қўшничлик алоқаларини қўллаб-қувватлаш;

➤ Хитой мазкур тамойиллар асосида янги халқаро алоқалар системасини ва янги халқаро сиёсий ва иқтисодий тартибни тузиш тарафдоридир.

Дипломатик вазифаларни амалга ошириш Хитой ташқи ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган. Кундалик тезкор ишлар ва ахборот таҳлили билан боғлиқ вазифалар вазирликнинг 8 ҳудудий ва 6 функционал бошқармалари томонидан бажарилади.

### **2.3. Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари**

Ўзбекистонда хитойшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга. Юртимиз қадимдан Шарқни Ғарб билан боғловчи муҳим иқтисодий, транспорт, коммуникация, логистика маркази бўлиб келган, савдо, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда Хитой ва бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатдор алоқаларга асос солган, минтақалараро ва қитъалараро савдо-сотиқ ва гуманитар муносабатлар тараққиётини таъминлаган.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг кўп қирралари тарихшунослик, тилшунослик, адабиётшунослик, манбашунослик, археология, исломшунослик ва бошқа соҳаларда тадқиқот олиб борувчи ўзбек, хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассислари томонидан системали равишда ўрганиб келинмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой алоқаларининг чуқур тарихини комплекс тадқиқ қилиш учун янада кўпроқ меҳнат қилиш, хорижий манбаларни қидириб топиш ва уларни таҳлил этиш долзарб вазифалардан биридир. Ушбу илмий изланишларнинг салоҳияти халқаро талабларга мос келиши, эришилган натижаларни ривожланган мамлакатлар илмий жамоаларининг эътиборига тақдим қилиш учун кўп ишлар қилиниши лозим. Лекин, мазкур халқаро муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигига шубҳа йўқ. Бу тезисни изоҳлаш учун қуйидаги жиҳатларга мурожаат қилишимиз мумкин.

Биринчидан, Марказий Осиёнинг туб аҳоли вакиллари қадим замонларданоқ шарқий мамлакатларга, шу жумладан, Хитойга сафар қилиб, у ерда савдо, илм, фан, хусусан, астрономия, тиббиёт, география, хуқуқ ва давлат бошқаруви соҳаларида муҳим ўрин эгаллаганликлари ҳақида ёзма маълумотлар мавжуд. Албатта, бу ёзма манбаларнинг кўп қисми Хитойда. Масалан, 1984-2000 йиллар мобайнида Хитойда оз сонли халқларнинг тарихи, тил ва адабиёти, урф-одатлари, фольклори, тиббиёти ва динига оид 120 мингдан зиёд қўлёзмалар

топилган. Улардан 110000таси тартибга келтирилган ва 5000таси нашр этилган<sup>48</sup>. Бу тарихий фактлар Марказий Осиё туб халқлари вакиллари курраи заминнинг бир қатор хорижий юртлари қатори, Хитой билан ҳам чамбарчас алоқада бўлганлигидан хабар беради.

Иккинчидан, милоддан аввалги I-II асрлардаёк юртимиздан Хитойга ва бошқа мамлакатларига савдогарлар, илм - фан намояндлари муттасил равишда бориб турганлар. Бу эса юртдошларимизнинг қадим замонларданоқ хитой тили билан таниш бўлганликларидан далолат беради. Бундай алоқалар Буюк Ипак йўлининг очилгунига қадар, баъзи бир мутахассиларнинг фикрига кўра, милоддан 2 минг йил аввал ҳам мавжуд бўлган.

Учинчидан, юртимиз худудида топилган бир неча минг йиллик тарихга эга одам суяги (Амир Темир музейида сақланмоқда), Тақламакон чўлида топилган, тахминан 5 минг йил тарихга эга одам жасади, Ўзбекистон вилоятлари қоя тошларига чизилган рангли нақшлар, ов, ўйин, жисмоний меҳнат ва саёҳат жараёнлари тасвирланган расмлар ва бошқа археологик топилмалар Ўзбекистон ва Хитой ҳудудларида инсон тараққиёти даражаси бир-бирига яқин кечганлигини ва бир географик ҳудуд аҳолиси бошқа бир ҳудуд аҳолиси билан алоқада бўлганлиги, миграция жараёнлари натижасида бошқа юртларга бориб яшаганликлари ҳақида тасаввур беради.

Тўртинчидан, I-III асрларда Буюк Ипак йўли мазкур халқаро муносабатларнинг тараққий этишига, шу жумладан, жаҳоннинг тўрт буюк, яъни Европада - Рим, Ўрта ва Яқин Шарқда - Парфия, Марказий Осиё ва Афғонистонда - Кўшон ва Узоқ Шарқда - Хан империяларини узвий равиша боғлаб, халқаро савдо ва бошқа алоқаларнинг ривожланишида асосий омил бўлган.

Буюк Ипак йўлининг очилиш тарихини мутахассислар милоддан олдинги 164-114 йилларда Фарғона, Қанли, Уйсун ва бошқа давлатларга Ғарбий Хан сулоласи хоқонининг элчиси Чжан Цяннинг икки сафари билан боғлайдилар<sup>49</sup>.

630 йилда хитойлик Сюань Цзан Марказий Осиё бўйлаб сафари ҳақида ёзган маълумотларида бу минтақанинг бир қатор ривожланган шаҳарларини кўрсатиб ўтган<sup>50</sup>. Тан сулоласи (618-907) даврида ҳам

<sup>48</sup> Ван Цань. Национальности Китая. “Межконтинентальное издательство Китая”, Пекин. 2004. – С.86.

<sup>49</sup> Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Вост. Лит., 2002. - 439с.

<sup>50</sup> О согдийских колониях в Семиречье. Бернштам, Согдийская колонизация, Распопов.

Марказий ва Шарқий Осиё давлатлари ўртасида кенг савдо ва маданий алоқалар мавжуд бўлган<sup>51</sup>. Шуни таъкидлаш жоизки, XI аср охири - XII аср бошларида марказий осиёлик савдогарлар Чингизхон давлати билан муентазам савдо алоқалар олиб борганликлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, 1215 йилда Чингизхон Пекинда Хоразмдан келган Беха ад-дин Рази раҳбарлигидаги элчиларини қабул қилган.

1218 йилда Мовароуннахрга Чингизхоннинг элчилари ташриф буюрган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бу элчиларнинг бири хоразмлик, иккинчиси бухоролик ва учинчиси ўтрорлик бўлган<sup>52</sup>. В.Бартольднинг фикрича, бу элчилардан бири хоразмлик Маҳмуд бўлиб, у ва кейинчалик Пекин ҳокими (губернатори) этиб тайинланган<sup>53</sup>. Маҳмуд Ялавач 1254 йили Пекин ҳукмдори лавозимини эгаллаб турган пайтда вафот этган. Маҳмуд Ялавач ҳақида ислом тарихшунослари Жувайни, Вассаф, Рашид ад-дин томонидан ва мўғулча «Сокровенное сказание»да (Кафаров тарж.) муҳим маълумотлар келтирилган. Маҳмуд Ялавачнинг Чифатой билан бўлган зиддиятлари ҳақида Рашид ад-дин “Чифатойннинг вазирлари” номли бобда маълумотлар берган. Маҳмуд Ялавачнинг ўғли Масъудбек Марказий Осиёнинг тараққий этган Зарафшон воҳасини бошқарган. Масъудбек Бухорода унинг топшириғи билан қурилган Масъудийе мадрасасининг ичига дафн этилган. Унинг ўғли, яъни Маҳмуд Ялавачнинг невараси эса XIV асрда Қашқарда ҳумронлик қилган ва бу ерда худди шундай Ма-съудийе мадрасасини қурдирган<sup>54</sup>.

Бешинчидан, Марказий Осиёдан Хитойга бориб у ерда доимий яшаб қолган ватандошларимиз ҳақида ҳам бир қатор ёзма маълумотлар топилган. Масалан, Лю Йингшэнг 1263 йилда Пекинда 3000 яқин туркистонлик ойилалар доимий истиқомат қилганлигини кўрсатиб

Гончарные изделия согдийцев.

<sup>51</sup> Barthold. Issik-Kul, S.593

Бартольд В.В. Сочинения М.: - 2002., т.3 с.437.

<sup>52</sup> Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Вост. Лит.,2002.-623с. Ўтрор (Отрап) ҳозирги Туркистон шаҳридан 75 км жануби - гарбда жойлашган шаҳар.

<sup>53</sup> Бартольд. В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Вост. Лит.,2002.-119с. ва 129 с.

“Маворауннахр” термини илк бор Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) ҳақидаги ҳадисларда тилга олинган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Тошкент:.”ЎМЭ”, 2003., т.6. 35 б.).

<sup>54</sup> Кўрсатилган манба. - 119 ва 147 б.б.

үтган<sup>55</sup>. Бу ойилаларни Пекинда жойлашиб, томир отиб, маҳаллий иқлим, урф ва шароитларга кўникиб доимий яшаб қолиши учун маълум тарихий давр керак бўлган. Туркистонлик диаспора, яъни тахминан 16 минг нафар аҳоли ички ишларини идора этиш мақсадида маҳсус қози тайинланган. Лю Йингшэнг юқорида кўрсатиб ўтилган Махмуд Ялавачни Пекинда юқори мавқега эга амалдор бўлганлиги кўрсатиб ўтган. Туркистонлик аҳолидан ташкил бўлган диаспоралар Хитойнинг бошқа вилоятларида ҳам доимий яшаган. Масалан, Юан сулоласи даврида (1280-1367 й.) Марказий Осиёдан Хитойнинг Цинхай ўлкасига туркий миллатга мансуб салорлар келган. Ҳозирги замонгача улар шу ерда истиқомат қиласидилар ва ўзларининг миллий-урф одатларини, рўзғор юритиш, умумий турмуш тарзини ва қисман тил бойлигини сақлаб қолганлар. 1997 йилги маълумотларга қараганда Хитойда 105 минг салор миллатига мансуб кишилар яшайди<sup>56</sup>. Умуман олганда, 2000 йилда ўтказилган аҳолини руйҳатга олиш ҳақидаги маълумотларда келтирилишига қараганда, Хитойда 1 млрд. 265,83 млн. - аҳоли яшайди (Гонконг, Тайван ва Макао аҳолиси бундан истисно). Хитой аҳолисини 91,59% яъни 1 млрд. 159,4 млн кишини ханлар ташкил қиласиди. Қолган 8,41% яъни 106,43 млн. кишини 55 кам сонли миллатлар ташкил этадилар.

Кам сонли миллатларга тегишли аҳолининг умумий сонини кўплиги жиҳатидан олганда қуидагилар киради: чжуан, манчжур, хуэй, мяочан, уйғур, туцзян, иян, монгол, тибет, буитян, дунц, яотян, корейс, бац, ханий, қозоқ, лиян, дай, шэян, лисуан, гэлаотян, дунсян, лахут, шуй, вай, насий, цян, туй, мулаотян, сиботян, қирғиз, даур, цзинпотян, маонан, салар, булан, тожик, аchan, пумий, эвенқ, нусуан, цзин, цзинотян, дэан, баоан, рус, юйгур, ўзбек, мэнбай, орочон, дулун, татар, хэчэйар, гаошан ва лобайлар<sup>57</sup>. Бу рўйҳатга бинон энг кўп миллат чжуанлар бўлиб энг кам миллат эса лобайлардир.

Хитойда 17 млн. зиёд мусулмон халқлар яшайди, шу жумладан хуэй (дунган, тунгон), уйғур, қозоқ, қирғиз, тожик, татар, салор, ўзбек, дунсян, баонлар ва бошқалар<sup>58</sup>. Ушбу халқларнинг сон жиҳатидан энг кўпини хуэйлар ташкил этади. 2000 йили Хитойда ўтказилган аҳоли ёзуви ҳақидаги маълумотларга биноан, улар 9.8 млн. кишини

<sup>55</sup> Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа тасоюан жюан. Чжэжянг. 1996.- 276 б.

<sup>56</sup> Ван Цань. Национальности Китая. “Межконтинентальное издательство Китая”, Пекин. 2004. - 158 б.

<sup>57</sup> Ўша манба. 9-10 б.

<sup>58</sup> Китай. “Синьсин”, Пекин. 1997. 47 б.

ташкил этган. “Илк хуэйлар, деб ёзади Ван Цань, VII асрда Хитой билан савдо-сотик алоқаларини олиб борган араб ва форс савдогарларининг авлодларири. Хуэйларнинг асосий қисмини эса XIII асрда Марказий Осиёдан кўчиб келган мусулмон халқлар ташкил этади. Уларнинг Хитойда ханлар, уйғурлар ва монголлар билан қўшилиши натижасида янги миллат хуэйлар ташкил топган”<sup>59</sup>.

Юртимизни Хитой билан дипломатик, савдо, маданият ва бошқа соҳалардаги алоқалари, айниқса Амир Темур салтанати даврида барқ уриб ривожланган. Соҳибқирон фармойишига биноан Хитой билан дипломатик ва савдо алоқаларини тараққий эттириш мақсадида, 1387-1396 йилларда Хитойга 8 элчилик карvonлари юборилган, шу жумладан:

- 1387 ва 1389 й.й. Мавлоно Ҳофизий раҳбарлигида;
- 1388 й. Таж ад-Дин бошлиқ карвон;
- 1391 й. Шоҳалил раҳбарлигида;
- 1392 й. Ниғмат ад-Дин раҳбарлигида;
- 1393-1395 й.й. икки марта Дарвиш йўлбошчилигида;
- 1396 й. Аломат ат-Дин раҳбарлигида Хитой пойтахтига ташриф буюрганлар.

Мин сулоласи (1368-1644 й.) тарихи солномасида Хитой императори ҳузурига Самарқанддан ташриф буюрган элчилик ва савдо миссиялари наслли отлар, туялар, шерлар, қоплонлар, ипак, тери, газлама, кумуш, олтин ва бошқа қимматбоҳо тошларидан ясалган буюмлар, шу жумладан идишлар, пичоқлар ва бошқа турдаги маҳаллий буюмлар билан келганларни қайд қилиб ўтилган.

1395 йилда Амир Темур саройида Хитой императори Хун Лунинг Марказий Осиёдаги биринчи элчиси Бо Ан (Ан Чжитао) қабул қилинган ва Самарқандда Хитой элчихонасини ташкил этишга ижозат берилган. Ушбу элчи билан Хитойдан 1500 савдогарлар ҳам ташриф буюрган. Хитой элчиси Соҳибқирон салтанатини кезиб чиқиш учун 10 йилдан кўп вақт сарфлагани маълум. 1397 йилда Самарқандга Хитойдан Чэн Дэвэн бошчилигида катта карвон келган.

XIV асрда Амир Темурни Хитой императорлари билан расмий дипломатик алоқалари ҳақидаги ёзма маълумотлар бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Буларни бир қанчаси 1996 йилда Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонаси ходимлари томонидан Хитой давлат

<sup>59</sup> Ван Цань. Национальности Китая. “Межконтинентальное издательство Китая”, Пекин. 2004. 114-115 б.

архивларидан қидириб топилган. Ушбу маълумотлар қадимги хитой тилидан профессор Ясин Ашурий иштирокида таржима қилинган. Қадимги ёзмаларнинг бир қатори Амир Темур музейида сақланмоқда<sup>60</sup>. Темурийлар сулоласининг кейинги авлод вакиллари ҳам Хитой билан алоқаларни узвий равишда давом эттирганлар. Амир Темурнинг тўртингчи ўғли Абу Наср Шоҳруҳ Баҳодир Султон (1377-1447 й.й.) ҳукмронлиги даврида Темурийлар салтанатининг халқаро нуфузи ортган. Шоҳруҳ давлатлар ўртасидаги муносабатларни, шу жумладан элчилик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратган. Шоҳруҳ мирзо хузурига Хитой, Ҳиндистон, Миср, Шом, Рум, Европа ҳукмдорларидан элчилар келган. Мирзо Шоҳруҳ ҳам ўз элчиларини ушбу мамлакатларга юборган. Манбалардан маълумки, Амир Темур ва темурийлар даврида (XIV -XVII асрлар) Хитойга Туркистондан, Хурсондан, Шероздан, Хиротдан, Исфахондан, Тошкентдан ва бошқа марказлардан 107 зиёд элчи ва савдо карvonлари юборилган<sup>61</sup>. Темурийлар даври тарихий манбаларида 1419 - 1422 й. Хитойга бориб келган Гиёсиддин Наққошнинг сафар хотиралари ва кундаликлари сақлашиб қолган<sup>62</sup>. Албатта, бу маълумотлар уммондан томчи, чунки бу соҳада, айниқса манбашуносликда бажарилиши лозим бўлган вазифалар улкан. Масалан, 2009 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар салтанатининг тарихини ўрганиш учун Ҳиндистонга ташриф буюрган З.Машрабов, В.Раҳмонов, Ф.Сайдмаматов, Ш.Соткиновалар Сринагарни эски қисмида жойлашган қабристонда “Тарихи Рашидий” номли қомусий асар, «Жаҳоннома» ва “Маҳмуднома” достонлар муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзо қабрини топганлар ва 1822 йилда инглиз сайёхи, капитан Вильям Моркрафт ҳиммати билан баропо этилган қабр тошида қуидаги ёзувларни ўқиганлар:

“Мирзо Ҳайдар Кўрагон ибн Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон ибн Юнусхон. Бобур подшоҳнинг холаваччаси, Аҳмадхоннинг ўғли Ёрканд ва Мўғалистоннинг подшоҳи Абу Сайдхоннинг вазири. Хонлар - Туғлуқ Темирхон авлодидан, Чигатой ибн Чингизхон наслидан. Мирзо таваллудининг қутлуғ йили ҳижрий 805 йилда Ўратепада бўлган. Кўп замонлар ўтишидан сўнг Абу Сайдхон ҳукми билан Ёрканд-

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги архив материаллари. (1996-2000 й.)

<sup>61</sup> Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари. “Шарқшунослик”. Т.: “Минхож”, 1996, №7, 50 - 59 б.

<sup>62</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005., 112 - 115 б.

га қайтди, Тибетни эгаллагандан сўнг 4000 отлик билан Шаъбон ойининг 4 кунида Кашмирни фатҳ этди. Кашмир подшоҳи - Муҳаммад шоҳга тахтни қайтариб, Тибетга Султон Сайдхон ҳузурига қайтиб кетди. Султон Сайдхон Мирзони Лхасага ҳоким этиб тайинлади ва ўзи Ёркандга қайтаётганда вафот этди”<sup>63</sup>.

Амир Темур ва Темурийлар даврида юртимиз ва Хитой ўртасидаги алоқалар ҳақида Россия императорининг 1654 йилда Хитойга ташриф буюрган биринчи элчиси Федор Исаевич Байков, Цин императорининг сарой ходимлари билан бўлган мулоқотларда бундай деган экан, “Айтадиларки, бизнинг ота-боболаримиз Хитойга Темур билан кирган эмишлар. Лекин бу ҳақда аниқ ёдномалар йўқ, факат баъзи бир хатлар орқали бу нарсалар тўғрисида фикр қиласиз”<sup>64</sup>. Хитой билан тарихдан қўшни, яъни бир неча минг километр умумий чегарага эга бўлган Россиянинг биринчи расмий элчисини Хитойга 1654 йилдагина юборилиши қандай фикр - мулоҳаза уйғотиши мумкин<sup>65</sup>. Бу факт Амир Темур томонидан ўрнатилган халқаро муносабатларни ривожлантириш сиёсати, бошқа давлатлар сиёсатидан қарийб уч аср илгарилаб кетганлигини ёрқин далилидир. Биргина шу фактни ўзи улуғ ватандошларимизни нақадар узоқни кўзлаб мустаҳкам ташқи сиёсат олиб борганликларидан далолат бермайдими? Аммо Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганлариdek, “Темурийлар ҳукмронлигидан сўнг – яъни XVII асрдан XX асрнинг бошлигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалиқ, жаҳолат ва қолоқликка юз тутди.

Уч хонликка бўлинниб кетган минтақа узоқ муддат ўзаро зиддият ва қарама-қаршиликлар, уруш-жанжаллар гирдобида қолиб кетгани нафақат иқтисодий, молиявий ва ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан,

<sup>63</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010. 19.02. №8 (4043). Муҳаммад Ҳайдар мирзо 1449 - 1500 й. Тошкентда Муҳаммад Ҳусайн ва Хуб Нигор хоним оиласида туғулган. Уч йил Захириддин Муҳаммад Бобур мирзо тарбисида бўлгае. 1540 - 1551 йилларда Кашмир ўлкасида ҳукмронлик қилган. Тибет ва Кашмирни ишғол қилган ҳарбий қўмондон (1445-1448.).

<sup>64</sup> Скачков П.Е. Очерки истории русского китаеведения.. “Наука”.М.: 1977, 14 б.  
Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, элчи Ф.И.Байковни Пекинга қилган сафаридаги иштирокчи ва таржимонлардан бири сифатида бухоролик Ирки мулла (Эркин бўлса керак) кўрсатилган.

Уша манба. 20 б.

<sup>65</sup> Хитой Россия билан шимолий-шарқда 3605 км ва шимолий-ғарбда 40 км (ҳаммаси бўлиб 3645 км) умумий чегарага эга.

Страны мира. Энциклопедический справочник. “Русич”. Смоленск,2003 й. 259 б.

балки ижтимоий-маънавий фикр ривожида ҳам кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаргани барчамизга яхши маълум”<sup>66</sup>.

XIX асрдан XX аср охиригача “Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг қора қунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир мاشаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз” (И.А. Каримов. “Юксак маънавият - енгилмас куч”.)<sup>67</sup>.

Бу ҳақда Муҳаммад Юсуф бундай деган:

“Гарчи бошин этганий йўқ эдик бизлар,  
Экканидан текканий йўқ эдик бизлар.  
Ватанида ватаний йўқ эдик бизлар...  
Ўша зулмат ўтмиш, сенинг уйинг куйсин”<sup>68</sup>.

Ушбу даврда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги асрлар оша давом этиб келаётган алоқалар узилган эди. Бу ўтган асрни 90-йиллари ни бошигача, яъни Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунича давом этган. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 2 январда Тошкент шаҳрида ўрнатилган. Ўтган давр тарих учун - сониядир. Аммо икки давлат алоқаларини ривожланиш суръатлари ва уларни ижобий натижаларини инобатга олсақ, бу минг йилга teng келадиган ишлар амалга оширилди, десак муболаға бўлмас. Масалан, 2009 йили икки мамлакат савдо ҳажми 1994 йилга нисбатан 20 марта ошди. Қўшни Хитой билан teng ва ўзаро манфаатдорликка асосланган муносабатларни тараққий эттириш заминида, хитой тилини, адабиётини, тарихини, иқтисодини ўрганиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бунга асосий сабаблар сифатида кўйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Биринчидан, Хитой кенг имкониятларга эга, тинчликсевар ва яхши қўшничилик сиёсатини изчиллик билан олиб бораётган давлатdir. Иккинчидан, эгаллаб турган ҳудудига кўра, Хитой дунёда Россия Федерацияси ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради. Хитой шимолда Россия Федерацияси, Мўғулистан, шимолда ва ғарбда Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, шарқда Корея Халқ Демократик Республикаси, жанубда ва жанубий - ғарбда Ҳиндистон,

<sup>66</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. “Маънавият”, 2008. 50 - 51 б.

<sup>67</sup> Кўрсатилган манба.25 б.

<sup>68</sup> Муҳаммад Юсуф. Сайланма. -Т.: “Шарқ”, 2007. - 271б.

Мянма, Вьетнам, Непал, Бутан, Лаос, Покистон билан чегарадош. Хитой давлат чегараларининг қуруқлиқдаги умумий узунлиги 22117 км ташкил этади. Хитой Корея Республикаси, Япония, Филиппин, Бруней, Малайзия ва Индонезия билан денгиз чегараларига эга. Учинчидан, олтин ва хорижий валюта заҳиралари ва йиллик экспорт ҳажми бўйича Хитой дунёда биринчи ва ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича иккинчи ўринда туради. Тўртинчидан, Хитой БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси, Осиё ва Тинч океани мамлакатлари ҳамкорлик ташкилоти, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари ташкилотини 10+1 ва 10+3 форматидаги иштирокчиси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотини асосчиларидан бири. Хитойни жаҳондаги нуфузини юксалиб боришини асосий омиллари орасида, унинг оҳирги чорак аср мобайнида жадал суратлар билан ривожланишини, иқтисод, ташқи савдо, коинот ва илм-фанни бошқа соҳаларидағи ютуқларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг истиқболлари мамлакатимиз ёш истеъдодли аспирантлари зиммасига ушбу соҳаларда янги илмий чўққиларни забт этиш каби маъсулиятли вазифаларини юклайди.

#### **2.4. Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминлар генезисига кириш**

Сун Ятсен Цин империясининг дипломатия протоколи, расмиятчилиги ва дипломатия тилини изоҳлаб, бундай деган: “Империянинг сарой ва дипломатия этикети шу даражада нозик жозибага эгаки, сўздаги бир бўғинни ўзгартириш билан хорижий давлат вакилига қаратилган мурожаатни мақтовдан масҳарага айлантириш мумкин. Бундай усул билан империя амалдори атрофидагиларга ўзининг устунлиги ва “ян гуйцзы – чет эл шайтонлари”, қай даражада заиф эканлигини намойиш этмоқчи бўлади”<sup>69</sup>.

Хитой тилида ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган дипломатик терминларнинг келиб чиқиши қандай? Уларнинг қадимги даврларида қўлланилган эквивалентлари мавжуд бўлганми? Ушбу терминларнинг лексик ва семантик доирасидаги трансформацияси қай даражада бўлган? Бу саволларга жавоб бериш мақсадида бир қатор дипломатик терминларга мурожаат этамиз:

<sup>69</sup> Сунь Ятсен. Избранные произведения.2– е изд. М., 1985. - С.76.

2.4.1 “外交” маъноси ҳозирги кундаги дипломатия терминининг маъносидан анча йироқ. Хитой манбаларига кўра “хизматкор ўз ҳокимининг ишончини суистеъмол қилмаслиги учун 外交 дан сақланиши лозим”<sup>70</sup>. Демак, “waijiao” хизматкорнинг бошқа бир ҳоким билан бўлган махфий алоқасини назарда тутмоқда. “外交” бошқа бир маъноси “шахсий ижтимоий муносабат”ни ифода этишидир.

“Денг Тонгнинг таржимаи ҳоли” асарида ёзилишича: “Денг Тонг “外交”ни ёқтирмас эди”<sup>71</sup>. Бу ерда “外交” “хуфёна алоқалар” ёки “бошқа шахслар билан ижтимоий муносабатларда бўлиш” маъносини билдирган бўлиши мумкин.

“外交”- дипломатия терминининг эквиваленти сифатида яқин вақтлардан бери қўллана бошланган. Том маънода “外交” - “ташқи алоқалар” ёки “хорижий мамлакатлар билан алоқада бўлиш”, демакдир. “Ци Юэн” луғатида берилган таърифга кўра “外交” давлатлараро амалга ошириладиган муносабатлар ва давлатлараро имзоланувчи аҳдномаларни билдиради<sup>72</sup>. Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, дипломатия сўзининг маъносини шундай тушуниш мумкин: “Бир давлатнинг бошқа бир давлат билан муносабатлари ёки давлатлараро алоқалар”.

2.4.2 Қадимги Хитойда “дипломатия” “外事”, яъни “ташқи ишлар” сўзи билан юритилган. Ушбу далил дастлаб Дзую Жуан солномасида учрайди<sup>73</sup>. Солномада Жонгханг Хуанзи шундай дейди: “请复贾季，能外事”， яъни “贾季 Дзядзига лавозим берилишини тавсия этаман, чунки у, “外事”га уста”<sup>74</sup>. Яна “Уч қироллик” романига қайтадиган бўлсак, Сун Чуеннинг акаси Сун Цэ ўлими олдидан укасига қўйидагича васият қиласди: «内事不决问张昭，外事不决问周瑜», яъни “Агар “内事”дан иккилансанг 张昭 Жанг Жао билан маслаҳатлашгин, агар “外事”ни ўзинг ҳал қила олмасанг 周瑜 Жоу Юдан маслаҳат ол”. “内事” ва “外事” қадимги Хитойда ички ва ташқи ишларни билдирган. Яъни қадимги Хитойда “дипломатия” маъноси “外事” сўзи билан юритилган. Ушбу сўз ўз асл маъносини сақлаган ҳолда қўлланилиб келмоқда.

2.4.3 “Дипломатия” баъзида “外务” сўзи билан ҳам аталган. Масалан, Цин сулоласи (1644 -1911) даври охирида ташқи ишлар бўлими

<sup>70</sup> Huang Jinqi. Shenme shi waijiao. – Beijing , 2004. – 1 б.

<sup>71</sup> 史记。 - 邓通传。 - 134 б.

<sup>72</sup> 辞源 1-4 - 北京 , 1986。 - 3009 б.

<sup>73</sup> Huang Jinqi. Shenme shi waijiao. – Beijing , 2004. – 4 б.

<sup>74</sup> Кўрсатилган асар. – 4 б.

ташкыл этилган ва уни “**外务部**”, деб аташган. Бу ҳозирги “**外交部**” (Ташқи ишлар вазирлиги)нинг эквиваленти бўлган.

2.4.4 Дипломатия соҳасида “**外援** wai yuan” (хорижий ёрдам) ва “**外宾** waibin” (хорижий меҳмон) каби терминлар қўлланилади. “**左传**” Дзую Жуан солномасида келтирилишича : “Сулҳ тузинг, ярашинг ва “**外援**” қидиринг”<sup>75</sup>.

Тан сулоласи (618 – 907) даврида ижод этган Юэн Женнинг “**何满子歌** Хеман қўшиғи”да келтирилишича: “Қадим замонда хукмдор “**外宾**”лар хорижий меҳмонлар шарафига базм уюштирган вақтларида **论鸣** Лунминг мусиқаси 3 марта ижро этилган ва нефрит тошидан ясалган буюмлар намойиш қилинган”<sup>76</sup>. Лунминг “**Қўшиқлар китоби**” даги мусиқани номи бўлиб, у олий даражадаги меҳмонларни кутиб олиш учун ижро этилган.

2.4.5 “**使节** shijie” “дипломатик вакил” термини қадимги Хитойда кенг ишлатилган. “**使**” иероглифи от сўз туркуми (элчи ёки дипломатик агент) ёки феъл туркумидаги сўз (чет элда элчи бўлмоқ) сифатида ўзининг асл маъносини сақлаб қолган. Хитой мақолида айтилишича: “Давлатлар ҳатто қуролли зиддиятлар вақтида ҳам ҳар қайси лари “**使**” билан ўртоқлашишлари керак”. Ушбу далил қадимги Хитойда нафақат дипломатик агентлар, балки уларга нисбатан амалий кўрсатмалар ва аньаналар бўлганлигидан далолат беради.

2.4.6 “**节**” иероглифи қадимги Хитойда ҳозирги кунда дипломатия соҳасида қўлланиувчи “**ишонч ёрлиғи**” терминининг эквиваленти сифатида қўлланилган. “**节**” давлат раҳбари томонидан элчиларга топширилган. “**节**” турли шаклларда учраган. Масалан, Су Ву томонидан Хан сулоласидаги Съонгнуга жўнатилган “**节**” чўп шаклида бўлиб, у якнинг думи билан безатилган. Съонгну томонидан Су Ву шимолдаги катта ҳудудда 19 йил чўпон бўлиб хизмат қилишга мажбур этилади. «**汉书。苏武传**» “Су Вунинг таржимаи ҳоли” асарида ёзилишича: “**苏武** Су Ву ҳеч қачон унга топширилган “**节**” ни қўлидан қўймаган, натижада “**节**”га уланган як думидан бир мўй ҳам қолмаган.” Ушбу ҳолат **苏武** Су Вунинг унга юклатилган вазифасига содиклигидан далолат беради. Шу сабабли, ҳозирги кунда “**气节** qijie” “ахлокий поклик” маъносини ифодалайди.

Юқорида айтиб ўтилган “**使节**” термини shi 使 ва jie 节 қисмларидан иборат. Ушбу терминни қўллагандага умуман дипломатик агент-

<sup>75</sup> Кўрсатилган асар. – 4 б.

<sup>76</sup> Кўрсатилган асар. – 6 б.

ларни назарда тутмай, 节 ёки “ишонч ёрлиғи билан келгандар” маъносини тушуниш лозим. Улар миссия раҳбарлари, элчилар, вазирлар, вакиллар ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин. Бошқа бир манбада “使” “юборомоқ” маъносини билдиради, дейилган<sup>77</sup>.

2.4.7 Қадимги Хитойда ташқи ишларни амалга ошириш учун юборилган шахслар нефрит тоши, мис, бамбук ёки ёғочдан ясалган тамғаларни ўзлари билан олиб юришган. Ушбу тамғалар 符节 fujié (мандат) деб аталиб, дастлаб “使节” термини шахсга нисбатан эмас, балки ўша тамғага нисбатан ишлатилган. “使节” уни ўзи билан олиб юраётган шаҳс қайси сулолага мансублиги, тамғанинг қандай материалдан ясалганлиги эса у нечоғли давлатманд эканлигига бир ишора бўлиб хизмат қилган.

“使节” қўлланилиши дастлаб “Shi Ji” асарида учрайди<sup>78</sup>. “节” термини “ишочнома, ишонч ёрлиғи” маъносида дастлаб Цин (милоддан аввалги 221-207) ва Фарбий Хан (милоддан аввалги 206-24) сулолалари даврида қўлланила бошланган. “使节” терминининг қадимги сўзма – сўз таржимаси: “Ишончнома билан юборилган” демакдир.

2.4.8 XIV асрга келиб дипломатик вакиллар нафақат сиёсий, балки иқтисодий масалалар билан ҳам шуғуллана бошлашади. Шу муносабат билан чет элда хизмат сафарида бўлган дипломатик вакилларга 使节 shijie “аккредитация қилинган доимий вакил” лавозими бериладиган бўлди. Ушбу лавозим фақат 2 йил муддатга берилар эди. Кейинчалик ушбу муддат 3 йил этиб белгиланган<sup>79</sup>. XVI аср охирига келиб “чет элда аккредитация қилинган элчи” лавозими Европада ҳам кенг тарқалди<sup>80</sup>. Бошқа манбалардаги маълумотларга кўра, қадимги Юноистонда ташқи алоқалар ривожлана бориб, илк дипломатик вакиллар 使节 пайдо бўлган. Ушбу вакиллар эл орасида машхур, обрўйли, эъзовли, зиёли инсонлар орасидан танлаб олинар эди<sup>81</sup>. Ҳозирги кунда “使节”: “Ташқи давлатда аккредитацияланган дипломатик вакил” маъносида ва ташқи давлатга муваққат ишлар вакили сифатида юборилган дипломатик вакил маъносида ҳам қўлланилади.

2.4.9 大使 бирон – бир давлатнинг бошқа бир давлатга юбориладиган ва тўлиқ шакли 特命全权大使 teming quanquan dashi “Фав-

<sup>77</sup>王玉林。名称由来 1001。北京，1996。 - 67 б.

<sup>78</sup>Кўрсатилган асар. – 67 б.

<sup>79</sup>Хитой Халқ Республикаси элчиларини хорижий мамлакатлардаги аккредитация муддати 3 йил этиб белгиланган. Ушбу муддат бир йилга узайтирилиши мумкин.

<sup>80</sup>Кўрсатилган асар. – 66 б.

<sup>81</sup>王玉林。名称由来 1001。北京，1996。 - 67 б.

қулодда ва Мухтор Элчи” термини билан юритиладиган дипломатик вакили ифодаланган. Ушбу терминнинг келиб чиқиши бир неча минг йиллик тарихга эга<sup>82</sup>. 4000 йил олдин Миср фиравни Осиё давлатлари билан ташқи алоқаларни ўрнатади ва ўз қироллигига Осиё масалалири билан шуғулланувчи, Осиё давлатларига юборилувчи маҳсус шахсни тайинлайди. Манбаларга кўра, айнан шу шахс тарихда илк дипломатик вакил сифатида фаолият олиб борган. Лекин ушбу тайинланган вакил вазифаси фақат фиравнга хатларни олиб келиш, фиравн номидан ёзиладиган хатларни Осиё давлатлари ҳукмдорларига топширишдан иборат эди. Бу вакил ҳозирги замон дипломатия тили билан айтганда илк дипломатик куръер вазифасини бажарган деса бўлади. Бошқа бир манбада келтирилишича, 大使 аввал дипломатияга оид ишларда қўлланилмаган. Илгари ҳар бир давлатнинг иккинчи бир давлатда доимий фаолият юритадиган элчиси мавжуд бўлган. Давлат бошлиғи зарурат юзасидан ташқи ишлар фаолиятига оид, аммо фавқулодда мавкега эга бўлмаган шахсларни баъзи бир вазифалар билан ўзининг элчиси мавжуд бўлган мамлакатга юборган. Бундай шароитда, айникса, саройда бўлиб ўтадиган қабул маросимларида мазкур давлатнинг элчиси ва фавқулодда юборилган мансабдор шахс ўртасида келишмовчиликлар кузатилган. Шу сабабли XVII аср охирига келиб, элчининг ёрлиқномасида “фавқулодда” деган сўзни қўшишга зарурат пайдо бўлган<sup>83</sup>.

2.4.10 Бир гурух терминларнинг трансформациясини кўриб чиқайлик.

➤ “Хукумат” маъносида қўлланилувчи 政府 терминининг қадимги маъноси ҳозирги маъносидан тубдан фарқ қиласди. Қадимда 政府 “канцлернинг ишхонаси” маъносини билдирган<sup>84</sup>.

Тан суоласи (618-907) даврида феодал жамиятнинг турли системасининг аста-секин такомиллашиши билан “уч губерния олти бўлим ташкил этиш” сиёсати амалга оширила бошланди. Жонг Шу губернияси – қарор қабул қилувчи; Мэн Ся губернияси-қарорларни тасдиқловчи; Танг Шу губернияси-қабул қилинган ва тасдиқланган қарорларни амалга татбиқ этиш билан шуғулланган<sup>85</sup>. Юқорида кайд этилган уч губерниянинг раҳбарлари биргаликда давлат ишларини

<sup>82</sup> 王玉林。名称由来 1001。北京，1996。 - 66 б.

<sup>83</sup> Кўрсатилган асар. – 205 б.

<sup>84</sup> Кўрсатилган асар. – 361 б.

<sup>85</sup> Тан суоласи даврида жорий этилган бу система ҳозирги кунда турли давлатларнинг икки палатали парламент фаолиятига ўхшаш бўлган.

юритар эдилар. Улар биргаликда йиғиладиган жой номи “正事堂” zhengshi tang, яъни “хукумат ишлари саройи” деб номланган. Ҳозирги кунда 政府 давлат тузилмасининг бир бўлаги маъносида ишлатилади.

➤ “Давлат бошлиғи” 元首 yuanshou маъносини билдирувчи термин илк бора 滔书 Танг Шуда учрайди. 元首 терминининг аслида ҳар бир бўғини “бош” маъносини англатади. У қадимдан “давлат бошлиғи” маъносини билдириб, ҳозирги кунгача ўз маъносини сакланган ҳолда ташқи алоқалар жараёнида кенг қўлланилиб келмоқда.

➤ “Консул” маъносини ифодаловчи 领事 термин “бир давлат томонидан халқаро амалиёт ва шартномага амал қилган ҳолда консул вазифасини бажариш учун бошқа - бир давлатга юборилувчи хукумат вакили” деган маънени ўз ичига олган. Бу терминининг келиб чиқиши дипломатия соҳасидан анча йироқ бўлган. 领事 лавозими кўпроқ савдо-сотик, иқтисод соҳаларига яқин бўлган. Дастрраб ушбу лавозимдаги вакиллар зиммасига ўз давлатининг савдо – сотик соҳасини ривожлантириш каби масъулият юклатилган<sup>86</sup>. Ўрта аср даврларида кўплаб иш юритувчиларни чет давлатлар билан савдо – сотикни амалга ошириш мақсадлари бўлган. Савдогарлар ўртасида қўпинча зиддиятлар келиб чиқар эди. Шу зиддиятларни бартараф этиш учун улар ўзаро ҳакамни танлаб олишган. Дастрраб ушбу лавозим доимий бўлган, кейинчалик ушбу лавозимга бир ёки бир нечта одам танланиб, улар “савдогарлар ҳакам консули” деб аталган. Бу лавозимни билдирувчи 领事 ушбу терминининг илк кўринишидир. XII аср охирига келиб Венеция ва Қудусда илк маротаба ҳарбий масалалар соҳасида иш олиб борувчи консуллар тайинланган.

XIX асрда халқаро тижорат ривожланиб, давлатлар одатда “консул” лавозимига катта эътибор билан қараб, ташқи консуллар учун қўлланилувчи қонун-қоидалар, имтиёзлар ишлаб чиқилган. 1825 йили Буюк Британияда дастррабки консуллик концепцияси ишлаб чиқилди. Шундан бошлаб консуллик лавозими қонуний равишда дипломатик моҳиятга эга бўлди.

**2.4.11 华侨** “хитойлик муҳожир” 华 hua ва 侨 qiao иероглифларининг бирикиши натижасида ҳосил бўлиб, чет давлатга юборилган ёки хорижда доимий истиқомат қилаётган хитой миллатига мансуб инсонни номлаш учун қўлланилади. Ушбу термин Цин сулоласи (1644 -1911) давридан бошлаб истеъмолда бўлган.

<sup>86</sup> Кўрсатилган асар. – 67 б.

1878 йили Хитойни Америкадаги элчиси Дзю Донг ЛанЛин томонидан берилган ахборотда Хитайдан келган ва Америкада ўрнашиб қолган инсонларга нисбатан илк бор 侨民 qiaomin, яъни “муҳожир” термини қўлланилган. 1883 йилда Жэнг Гуан томонидан Бош Вазир ўринбосарига берилган ахборотномада 华侨 термини илк марта қўлланилган. 1904 йилда Ташқи ишлар вазирлигининг (у пайтда 外务部, яъни “ташқи ишлар бўлими”деб аталар эди, (хозирда 外交部, яъни “ташқи алоқалар бўлими”) номига келган хужжатда “Чет давлатда консулхона очиш учун кўп ҳаражатлар лозим бўлмайди, хитойлик муҳожирлардан эса катта фойда олинади”, деб таъкидланган. Ушбу нотадан кейин 华侨 “хитойлик муҳожир” маъносida кенг қўлланила бошланган<sup>87</sup>.

2.4.12 Ишонч ёрлиги давлатлар ўртасида дипломатик алоқаларни ўрнатиш воситасидир.

“魏书” “ишонч ёрлиги” термини илк бор Вэйноманинг “Гаою” биографиясида учрайди. У ерда “Сизлардан илтимос, ёрлиқномани ёзиш олий тоифадаги қобилият эгаларига топширилсин” каби сатрлар битилган<sup>88</sup>. Давлатлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан кейин вакил ёки элчилар чет давлатларга давлат ёрлиги билан юборилган. Ўзга давлатларга элчиларни юбориш, ўзга мамлакатдан келган элчининг давлат ёрлигини қабул қилиш давлат бошлиги томонидан бажариладиган хукуқларидан бири бўлган.

2.4.13 礼宾 “libin” протокол ёки 议定书 yidingshu “протокол (хужжат маъносида)” сўзи қадимги лотин тилида protokollum ва грек тилидаги Прw То’соллу сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, у хужжатнинг биринчи бетига бириктирилиб қўйилган. Аслида протоколни расмийлаштирувчи идоралари ундан муқоваланган расмий хужжат сифатида фойдаланиб келишган. Ўтмишда Францияда бундай хужжатлар учун Протокол департаменти, Англияда Протокол департаменти ҳамда Фуқоролик департаментлари масъул бўлган. Дипломатик хужжатлар ривожланиб икки давлат вакиллари мажлисининг ёзиб олиниш шакли (Протокол) ва мажлис натижасини таърифловчи хужжат шаклига айланди. Протокол расмий хужжатнинг биринчи бетида кўрсатилган бўлиб, икки давлат вакиллари томонидан хужжат имзоланаётган барча нормаларга амал қилишлари кўзда тутилган. Ҳозирги

<sup>87</sup>Кўрсатилган асар. – 96 – 97 б.

<sup>88</sup>番新明。外事使用文书大全。- 北京：世界知识出版社，1994. – 50 б.

кун одати бўйича ҳам муҳим халқаро келишувларни имзолашда протокол шаклларидан фойдаланиб келинади<sup>89</sup>.

2.4.14 盟约 mengyue “иттифоқ шартномаси” нинг тўлиқ шаклдаги термини 同盟条约 tongmeng tiaoyue, шунингдек, “аҳдлашув” 盟誓 mengshi, деб ҳам айтилади. Иттифоқ шартномаси халқаро майдонда икки ёки ундан ортиқ давлат умумий ҳаракатга бирлашиш пайтида тузиладиган аҳдлашув ёки келишувдир (шартнома). Унинг асосий мөхияти, давлатлар ҳар томонлама мослашув ёки музокара ўтказиб, умумий ҳаракатланиш нормаларини қабул қилиб, мажбуриятлар оладиган келишувдан иборат. Хитойнинг қадимги аҳдлашувларида қурбонликка сўйилган жониворларнинг қони ичилиб, қасамёд қилинган. Аҳдлашув қатнашувчилари 同盟 tongmeng деб аталган. “左传·僖九年” Дзучуан Сидзъёниен тарихий манбада келтирилишича: “Император Күэйдзянгда бир нечта ҳукмдорлар билан аҳдлашиб, шундай дейди: “Биз билан аҳдлашганлар, модомики, аҳдлашар экансиз, яхши муносабатларни тиклаймиз”<sup>90</sup>. Хитой тарихида давлатлар орасида учинчи давлат хужуми олдини олиш учун бирикиб иттифоқ шартномасини қабул қилиш ҳам учраб турган.

2.4.15 协议 xieyu “келишув шартномаси” давлат, партия, ташкилот, фирма, компания ва корхоналар ўртасида бирор иш ёки масала юзасидан маслаҳат ўтказиб, муҳокама ва мунозаралардан сўнг умумий бир фикрга келадиган шартнома характеристидаги хужжатдир. Масалан: Икки томонлама келишув, Савдо келишуви, Ҳамкорликда корхонани бошқариш келишуви, Юк ташиш келишуви, Олди-берди (савдо-сотиқ) келишуви ва ҳ.к.

Давлат ички қонунлари бўйича у икки тараф муносабатларидағи муҳим шартнома тури сифатида қабул қилинади. Келишувнинг шартлари, жавобгарлиги ва ҳарактери жиҳатидан 合同 hetong “шартнома”га нисбатан анча муҳимроқ мавқега эга бўлган хужжатнинг бир туридир. Корхоналар ўртасида тузиладиган келишувнинг кўлами нисбатан кенг бўлади. Давлатлараро бирор-бир муаммо устида маслаҳатлашиш, музокара олиб бориш ва фикр алмашиш мобайнида умумий бир фикр, қарорга келиш ҳам мазкур шартнома формасида ифода этилиши мумкин. Иероглиф шаклларида намоён бўлган ҳар хил келишув турлари мавжуд - 条约 tiaoyue , 公约 gongyue , 协定 xieding , 议定书

<sup>89</sup>Кўрсатилган манба. – 205 б.

<sup>90</sup>Кўрсатилган манба. – 240 б.

yidingshu ва х.к. Буларнинг барчаси 协议 xieyi “ келишув хужжатларидир”<sup>91</sup>.

2.4.16 贺电 hedian “табрик телеграммаси” давлат, партия, ташкилотлар, ҳамда инсонлар бир-бирларини байрам, шодиёна ёки тантана муносабати билан табриклашда фойдаланадиган хабарномадир. “Табрик телеграммаси” 贺信 hexin “табрик хати”, деб ҳам аталади. Бу иккала сўз бир хил маъно касб этади. Қадимда бирор байрам билан табриклаш телеграммаси бўлмаганлиги боис, табрик изҳор этишда фақат 贺信 hexin “табрик хати”дан фойдаланилган. Бу бизга қадимги даврдан босқичма-босқич (эволюцион) тарзда ўтиб келган. Хитойда Жоу сулоласининг (мил.ав. XI аср) “周礼” Жоули китобининг: “大祝作六辞以通上下亲疏远近 da zhu zuo liu ci yi tong shang xia qin shu yuan jin”. (“Бой, камбағал, қариндош, нотаниш, узоқдагилар, яқиндагилар табрик етказишлари учун 6 баллада”) деб номланган қисмида “Олти хил “辞 ci”<sup>92</sup>, яъни 六辞 liu ci термини “олти баллада” деган маънони англатиб, ўз ичига: 辞 ci, 命 ming, 诰 gao, 会 hui, 祷 dao, 谤 lei балладаларни олган. Булар ичida “祷 dao” байрам билан муборакбод этиш балладаси”дир. Кейинчалик император маросимларида, жангдаги ғалабаларда, катта тадбирларда табрик хатининг тепасида мақтолар бўлиши талаб этилган<sup>93</sup>. 祝贺 zhuhe, яъни “табрикнома” баъзи пайтларда 贺表 hebiao деб аталган. 诗经 Shijing “Шеърлар китоби” нинг, 大雅下武 “Dayaxiawu” жилдида шундай дейилади: “受天之佑, 四方来贺 shoutianzhiyuo, sifanglaihe”, яъни “Худонинг қурдати билан бутун дунёдан табрикнома келди”.<sup>94</sup> 国语 Гуюда айтилишича: “Хотирани ҳурматлашда ғам - қайғу, табрикда эса ҳурсандчилик ва шодлик бор”<sup>95</sup>.

Шу тарзда табрик телеграммаси расмий алоқалар жараёнида шаклланган бўлиб, у кундалик ҳаётда ишлатиладиган ёзув жанрига айланган.

2.4.17 贺片 hepian “табрикнома” инсонлар бир-бирларини шодиёна, байрам ва ҳурсандчиликлар муносабати билан табриклашда фойдаланадиган, маълум бир шаклга эга кичик ёзма услубдаги карточка

<sup>91</sup> Кўрсатилган манба. - 247 – 248 б.

<sup>92</sup> 辞 ci – қадимги Хитой мумтоз адабиёт жанри номи

<sup>93</sup> Кўрсатилган манба. -378 б.

<sup>94</sup> Кўрсатилган манба. - 378 б.

<sup>95</sup> Гую юй милоддан аввалги 7-6 асрларда ёзилган бўлиб, у асосан шу даврдаги подшо ва йирик амалдорларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ва фикрларининг тўпламидир.

туридир. Ҳозирги кунда одатда бундай карточкалар ёрдамида қуйидаги мавзуларда табриклар юборилади: янги йил табриги, туғилган кун табриги, түй табриги, мансабга кўтарилиш табриги ва ҳ.к.

2.4.18 **名片** mingpian “ташриф қофози” қадимги давларда (ҳозирги кунда ишлатиладиган “визитка” кўриниши) мавжуд бўлиб, у **名刺** mingcі термини билан ҳам аталган. Шарқий Хан сулоласи (мил. 25 – 220) “**论衡** lunheng” ва “**骨相篇** guxiangpian” китобидаги ёзувларда “**通刺** tongci” ибораси “ташриф карточкасини совға қилиш” маъносини англатади<sup>96</sup>.

Шимолий ва Жанубий Сун сулолалари (мил. 960 – 1279) даврига келиб, ташриф карточкасини қўллаш ривожланиб, янги йил табрикномаларини тақдим қилиш ҳам юзага келган. Баъзи табрикномаларининг тепа қисмига табрик шеърлари битиб қўйиш ҳам одат тусига кириб, бу шеърлар ҳурмат, қувонч, завқ маъносини ифодалаган.

Цин (1644–1911) сулоласи даврига келиб, янги йил табрикномалари пухта ишланган қутичаларга солинган ёки қофозлар билан ўралган шаклда совға қилинган<sup>97</sup>.

Хитойда давлат бошлиқларига юбориладиган табрикномаларнинг ҳажми оддий табрикномалардан фарқли равишда каттароқ кўринишга эга ва муқоваси оқ рангда бўлиб, муқованинг юқори қисмида рангли давлат герби расми туширилган бўлади. Табрикноманинг биринчи бетида “**恭贺新年**” gonghexinnian, яъни “Янги йил қутлови” мазмунидаги тўрт иероглифли табрик битилади.

2.4.19 **慰问函电** weiwen handian “таъзиянома, қўнгил сўраш” телеграмманинг бир тури. Кўнгил сўраш телеграммаси хат билан бир хил маъно касб этади. **诗经** “Шеърлар тўпламида”: “**有子七人，莫尉母心** youzi qiren, mowei muxin”, яъни “етти ўғил бўлса ҳам она юрагига таскин, ҳамдард бўла олмайди” деб ёзилган иборада **尉** wei иероглифи ишлатилиб, “ҳамдардлик” маъносида қўлланилган<sup>98</sup>.

Таъзиянома **讣告** fugaō сўзи расмий равишда икки бўғиндан, яъни “**讣** fu” ва “**告** gao” морфемалардан ташкил топган. “Таъзиянома” сўзи “**讣文** fuwen” ва “**讣闻** fuwen” тарзида ҳам баён этилган бўлиб, қадимги ва ҳозирги маъносида тафовут йўқ. Ҳар икки сўз бирикманинг биринчи бўғинида келган “**讣**” иероглифи “бирор бир кишининг вафоти ҳақидаги хабарнома” деган маъносини англатади.

<sup>96</sup> Кўрсатилган манба. – 387 б.

<sup>97</sup> Кўрсатилган манба. – 388 б.

<sup>98</sup> Кўрсатилган манба. – 389 б.

“**讣文** fuwen” сўз бирикмасидаги “**文** wen” иероглифининг иккинчи маъноси “мақола” ёки “иншо”, “**讣闻** fuwen” сўз бирикмасидаги “**闻** wen” иероглифининг биринчи маъноси “эшитмоқ”дир. Мисол тариқасида Лиди “**礼记** lǐjī”, яъни “Урф-одатлар” китобининг **檀弓** Тангонг бўлимида жумлаларга мурожаат этамиз. “**伯高死于卫，赴于孔子** Bogao siyu Wei, fuyu Kongzī”, яъни “Бо Гао Вэйда ўлди, Конфуцийга юборилди”<sup>99</sup>. Бу гапнинг маъноси қуйидагича: Бо Гао Вэй давлатида вафот этди, унинг ўлими ҳақидаги хабар Конфуцийга маълум қилинди. Ўлим бу инсон ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган воқеа бўлиб, мархумнинг вафоти ҳақидаги хабар зудлик билан унинг яқинларига маълум қилиниши зарур. Шу боисдан қадимда хитойликлар “**赴** fu” иероглифидан шошилинч маъносини ифодалашда фойдаланишган. Тарихий ўзгаришлар жараёни сабабли кейинчалик кишилар мархумнинг ўлими ҳақида хабарни оммага ёки яқинларига зудлик билан етказиша “**赴** fu” иероглифи ўрнида “**讣**” иероглифидан фойдалана бошлаганлар. Бирор бир кишининг вафоти ҳақидаги ҳабарни тарқатиш Хитойда ҳукмронлик қилган барча сулолаларнинг тарихида мавжуд бўлган. Бироқ уларнинг номланиш усуллари фақатгина ёзувда турлича шакл касб этган. Масалан, яна бир номланиш тури мавжудки, у ёзувда “**讣帖** futie” иероглифлари орқали ифодаланилди. Бу сўз бирикма “**讣告** fugao” сўз бирикмаси билан тўлиқ маънодош. Бу икки сўз бирикмани шакл ва тузилиш жиҳатдан солишиурсак фарқ деярли сезилмайди.

Мин сулоласи (1368-1644) давридан сақланиб ҳозирги кунга етиб келган “**宛署杂记** Wan shu zaji” “Ваншунинг кундалик дафтари”да қуйидаги сатрлар бор: “**出丧三日，出丧牌挂钱门外，记死者之寿，岁一张，曰桃钱。** Chusang sanri, chu sangpai gua Qian menwai, ji sizhezhishou, suiyizhang, yue Taoqian” “Таъзиянинг биринчи уч кунлигига, мархумнинг умри ҳақида маълумот берувчи таъзия хабарномаси(мемориал тахтаси) Чиен оиласининг эшик ташқарисига осиб қўйилсин, деб айтди Тао Чиен”<sup>100</sup>. Ушбу иборада келтирилган **丧牌** sangrai термини юқорида таърифланган **讣告** fugao, таъзиянома термини ўрнида ишлатилган. Ҳозирги кунда ҳам Хитойнинг айрим жойларида, одатда олис провинцияларда, одам вафотидан кейин у яшаган оила эшигининг ташқари томонида мархумнинг исми, ёши битилган оқ рангдаги қофоз илиб қўйилади.

<sup>99</sup> Кўрсатилган манба. - 396 – 397 б.

<sup>100</sup> Кўрсатилган манба. – 397 б.

2.4.20 吊唁函电 diaoyanhandian “марҳумни хотирлаш телеграммаси” таъзияноманинг бир тури бўлиб, баҳтсиз ҳодиса ҳақида ташкилот ва оила аъзоларига жўнатиладиган электрон хабардир. “唁函 yanhan вафот телеграммаси” яна “唁信 yanxin вафот хати” ҳам деб номланади, ҳар иккаласи сўз ҳам бир хил маъно касб этувчи таъзияномадир. 吊唁函电 diaoyanhandian “Марҳумни хотирлаш телеграммаси” иборасида қўлланилган “хотирлаш, таъзия” маъносидаги 哀 yan иероглифи Конфуций тузган 诗经 shijing “Шеърлар” китобининг “鄜风 tang feng • 载驰 zai chi” бўлимидаги иборада учрайди: “载驰载驱，归唁卫侯 zaichizaiqu, gui yan Wei hou”, яъни “шамол каби учиб, кутиб турган Вейга таъзиямизни етказинг”<sup>101</sup>. Юқорида таҳлил этилган терминлар ҳозирги кунда ҳам фаол қўлланаётгани билан характерлидир.

### **Бўлим бўйича саволлар:**

1. Хитой дипломатияси тарихи ва дипломатик терминлар тараққиёти қандай принциплар асососида боғланган?
2. Ханъ сулоласи дипломатияси қандай асосий мақсадларни олга сурган?
3. “Уч қироллик” даврининг таниқли дипломатлари ким бўлган?
4. Танъ сулоласи дипломатиясининг асосий режалари нимадан иборат бўлган?
5. Жэнг Хэ ким бўлган?
6. Мин сулоласи даврида ташқи алоқалар қандай ривожланган?
7. Соҳибқирон Амир Темурнинг Хитой билан олиб борган алоқалари ҳақида нималарни биласиз?
8. Амир Темур ва темурийлар даврида Хитойга неча элчилик ва савдо сотиқ миссиялари юборилган?
9. Бобурийлар сулоласидан ким Тибетнинг хокими этиб тайинланган?
10. “外交”, “外事”, “外务” терминларини мисоллар билан изохлаб беринг “使节” семантикаси ва тарихи ҳақида нималар биласиз?
11. “气节” қандай маъноларни ифода этади?
12. “华侨” “魏书” илк бора қачон ва қайси маънода қўлланган?
13. “礼宾”, “议定书” қандай маънони англатади ва бу ҳужжатга бўлган асосий талаблар нималардан иборат?

<sup>101</sup> Кўрсатилган манба. – 401 б.

14. Хитой тилида қисқа “礼宾”, “议定书” хужжат тузинг ва изоҳлаб беринг.

15. “盟约同”, “盟条约”, “盟誓” семантикаси оид нималарни биласиз?

**Амалий машғулот учун саволлар:**

1. Хитой Халқ Республикаси дипломатияси тараққиётини асосий этапларини сўзлаб беринг?

2. Хитой ташқи сиёсатининг асосий тамоилларинини изоҳлаб беринг?

3. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида расмий дипломатик муносабатлар қачон ва қайси шаҳарда ўрнатилган?

4. Ўзбекистон-Хитой сиёсий, савдо, маданий ва спорт алоқалари ҳақида нималарни биласиз?

5.“条约”, “公约”, ”协定”, ”议定书”, “协议” номли хужжатларни фарқини ва қўлланиш соҳаларини айтиб беринг.

6.“名片”“名刺”“论衡”“骨相篇”“通刺” қайси даврдан эътиборан ва қандай мақсадларда қўлланилган?

7. Ўзингиз ва курсдошингиз учун “名片” тайёрланг ва унинг асосий элементларини изоҳлаб беринг.

8.“有子七人，莫尉母心” изоҳланг, ўзбек, рус ва инглиз тилларида унга мос келадиган иборани ёки фразеологик бирикмани келтиринг.

9.“出丧三日，出丧牌挂钱门外，记死者之寿，岁一张，曰桃钱” ўзбек, рус ва инглиз тилларига таржима қилинг ва маъносини изоҳланг.

10. “汉乌俄外交词典” воситасида мавзу сўнггида келтирилган хуносаларга мисоллар келтиринг.

**Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:**

1. Қандай дипломатик тактика, стратегиялар билан танишсиз?

2. Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасидаги дипломатик муносабатлари борасида қандай қарашлар мавжуд?

3. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан қандай ишлар амалга оширилиб келинмоқда?

4. Хитой тилидаги дипломтаик терминларнинг лексик-семантик классификациясини тузинг.

5. Ўзбек тилидаги дипломатик терминологиясининг лексик-семантик классификациясини тузинг.

«Тил - бу кўп миқдорлик ҳодиса бўлиб, у гапдан иборатдир. Ҳар бир гап ўзининг аниқ чегарасига эга ва ўз навбатида чегараланган элементлардан ташкил топган»

**Н. Хомский**

### **ІІІ МАВЗУ. ХИТОЙ ТИЛИ ДИПЛОМАТИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИННИГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ, ЯСАЛИШ УСУЛЛАРИ**

**Дарснинг ўқув мақсади:** Хитой тилида шаклланган дипломатик терминларнинг семантикасини таҳлил қилиш орқали терминларнинг лексик-семантик классификациясини амалга ошириш. Хитой тили дипломатик терминларнинг структураси, ясалиш усулларини ўрганиш, таҳлил қилиш, дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида композиция усулининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш. Аффиксация усулининг префиксация, суффиксация ва яримсуффиксация турлари ҳақида, аффиксация усулининг хитой тили дипломатик терминларининг ясалишида тутган ўрни ва аҳмияти ҳақида билим ва кўникмаларни ҳосил қилдириш.

**Таянч тушунчалар:** семантика, денотат, лексик - семантик грухлар, иерархия, семантик алоқалар, референт, дуайен, консул, дипломатик корпус, делегация, имтиёз, ваколат, депортация, пакт, конвенция, дипломатик эътироф, дипломатик бошпана, дискриминация, битим, синоним, ассимиляция, гаплология, гиперкоррекция, ички реконструкция, структурализм, аналогия, билингвизм, диглоссия, пиджинизация, креолизация, ўзгарувчанлик, индекс, занжирили реакция, тўлқинли назария.

Аббревиация, когниция, аффиксация, атрибутив, копулятив, фель-объектли модел, қолипли бирикма, редупликация, негиз, аниқловчи, префикс, суффикс, композиция, модел, морфема, компонент, аниқловчи, корреляция, туркум, бир бўғинли, кўп бўғинли, деформация, предикат, функционал - семантик, тенг боғловчи модель, аффиксация, аффикс, лексик грух, этимология, ёрдамчи сўзлар, суффиксация, яrimаффикс, префикс, морфема, эквивалент, суффикс, яримсуффикс.

#### **3.1. Дипломатик терминлар: лексик-семантик таҳлил**

Дипломатик терминларни лексик - семантик хусусиятларига қараб қуйидаги грухлар ажратилиши мумкин:

### 3.1.1 外交人员，机构 waijiaorenuyan, jigou “Дипломатлар, дипломатик тузилма”.

Ушбу гурух қуйидаги терминларни ўз ичига олган:

- 外交人员 дипломатик ходим;
- 大使 элчи;
- 特派大使 фавқулодда элчи;
- 特任大使 маҳсус топшириқлар бўйича элчи;
- 特命权全大使 фавқулодда ва муҳтор элчи;
- 全权公使 муҳтор вазир;
- 领事代办 ишончли вакил;
- 参赞 маслаҳатчи;
- 专员 атташе;
- 信使 куръер;
- 顾问 референт;
- 一等秘书 биринчи котиб;
- 领事 консул.

Ушбу гуруҳдаги денотатлар ўртасида иерархик муносабатлар мавжудлиги кузатилади<sup>102</sup>.

Элчи – ишончли вакил – маслаҳатчи – биринчи котиб, иккинчи котиб, учинчи котиб, атташе ва ҳ.к.

Терминлар ўртасидаги семантик алоқаларда, доминант сифатида 外交人 термини ҳисобланади.


Дипломатик миссия ва дипломатик ходимлар гурухи ўз ичига тузилма деб ном олган бўлимни ҳам киритган. Ушбу бўлим терминларига маъмурий ва хукумат органларининг номлари кирган:

- 大使馆 элчихона;
- 大使馆经济商务处 элчихонанинг иқтисодий алоқалар бўлими;
- 大使馆武官处 ҳарбий атташе идораси;
- 领事馆 консулхона;
- 外交部 ташқи ишлар вазирлиги;
- 代表団 “делегация” бўлимига қўйидаги терминлар киради:
- 代表团团长 делегация бошлиғи;
- 代表团成员 делегация аъзолари ва ҳ.к.

外交部 “ташқи ишлар вазирлиги” қўйидаги терминларни ўз ичига олган:

<sup>102</sup>Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов.- М.: Наука, 1977.- 167 с.

## Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазирлиги структураси



### Худудий бошқармалар

- Осиё бошқармаси;
- Фарбий Осиё ва Шарқий Африка бошқармаси;
- Африка бошқармаси;
- Шарқий Европа ва Марказий Осиё бошқармаси;
- Фарбий Европа бошқармаси;
- Шимолий Америка ва Океания бошқармаси;

- Лотин Америкаси бошқармаси;
- Гонконг, Макао ва Тайван ишлари бошқармаси.

Функционал бошқармалар

- Протокол бошқармаси;
- Ахборотлар бошқармаси;
- Халқаро ташкилотлар ва конференциялар бошқармаси;
- Шартнома - хукуқ бошқармаси;
- Куролланиш устидан назорат бошқармаси;
- Консуллик бошқармаси.

Техник -административ бошқармалар

- Административ бошқарма;
- Валюта ва молия бошқармаси;
- Назорат ва тафтиш бошқармаси;
- Кадрлар бошқармаси;
- Таълим, маориф ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси;
- Таржималар бюроси;
- Редакция ва босмахоналар бошқармаси;
- Фахрийлар билан ишлаш бошқармаси;
- Хориждаги Хитой миссиялари бошқармаси.

处“идора, ваколатхона” қўйидаги терминлардан ташкил топган:

- 商务办事处 савдо ваколатхонаси;
- 文化参赞处 маданият ишлари маслаҳатчисининг идораси ва

Х.К.

**3.1.2** Дипломатик имтиёз ва даҳлсизлик. 外交特权与豁免 waijiao tequan yu huomian гуруҳига куйидаги терминлар киритилган:

➤ 外交人员免除关税核查验 waijiaoren yuan mianchu guanshui he chayuan дипломатик ходимларнинг бож солиқларини тўлашдан ва текширувдан озод этилиши;

➤ 外交人员免纳捐税 waijiaoren yuan mianna juanshui дипломатик ходимларни солиқ тўлашдан озод этиш;

➤ 外交档案和文件不可侵犯 waijiao dangan he wenjian bu ke qinfan дипломатик архив ва хужжатларнинг даҳлсизлиги ва ҳ.к.

**3.1.3** 外交代表机关管理 waijiao daibiao jiguan guanli дипломатик вакилликларнинг иш юритиши устидан назорат:

➤ 使馆机动车保险 shiguan jidongche baoxian элчихона автомобилларини суғурта қилиш;

➤ 使馆机动车辆牌照 shiguan jidongcheliang paizhao элчихона автомобилларини маҳсус рақамлар билан таъминлаш;

➤ 外交人员服务局 waijiaorenuyan fuwuju чет эл ваколатхоналари ва чет эллик дипломатларга хизмат күрсатиш идораси ва х.к.

**3.1.4 外交事务；外交活动** wàijiào shìwù; wàijiào huǒdong “дипломатик фаолият”.

事实上承认 shìshíshàng chéngrèn де - факто эътирофи; 正常化 zhè ngchánghuà нормаллашув; 建立外交关系 jiànli wàijiào guān xī дипломатик алоқаларни ўрнатиш; 递交国书 dìjiāo guóshū ишонч ёрлигини топширилиши; 受欢迎的人 shòuhuān yíngde rén персона грата; 不受欢迎的人 bùshòu huān yíngde rén персона нон - грата; 驱逐出境 qūz hú chūjìng депортация ва х.к.

**3.1.5 代表团** dàibiāotuán “делегация” билан боғлиқ терминлар:

- 国事访问 guóshìfǎngwèn давлат ташрифи ;
- 非正式访问 fēi zhèngshì fǎngwèn норасмий ташриф ;
- 私人访问 sīrénn fǎngwèn шахсий ташриф ;
- 友好访问 yǒuhǎo fǎngwèn дўстона ташриф ва х.к.

Ушбу гурухга лотин, француз тилларидан калька усули ёрдамида ўзлаштирилган терминлар ҳам қабул қилингандан:

- 事实上承认 shìshíshàng chéngrèn де - факто эътирофи;
- 受欢迎的人 shòuhuān yíngde rén персона грата;
- 不受欢迎的人 bùshòu huān yíngde rén персона нон - грата;
- 驱逐出境 qūzhúchūjìng депортация ва х.к.

**3.1.6 外交文书** wàijiāo wénshū “дипломатик хужжатлар”:

- 公约 gōng yuē конвенция, пакт;
- 中立公约 zhōng lìgōng yuē қўшилмаслик (нейтралитет) пакти ;

- 协定 xiédìng битим;
- 函 hán хат;
- 协议 xiéyì битим, аҳдлашув;
- 宣言 xuānyán декларация, баёнот;
- 国书 guóshū ишонч ёрлиги;
- 议定书 yìdìngshū протокол ва х.к.

协定 xiédìng: 行政协定 xíngzhèng xiédìng маъмурий битим; 多边协定 duōbiān xiédìng кўптомонлама битим; 防御协定 fángyù xiédìng мудофаа битими ва х.

协议 xiéyì: 君子协议 jūnzi xiéyì аҳдлашув; 区域协议 qūyùxiéyì территориал битим; 口头协议 kǒu tóu xiéyì оғзаки аҳдлашув ва х.к.

公约 gōng yuē “конвенция” сўзи “маҳсус масалага доир ҳалқаро шартнома” маъносини билдиради. 公约 шунингдек “пакт” маъносида

ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида “пакт” термини “умумий масалага доир ҳалқаро шартнома” маъносида қўлланилади. Ушбу термин хитой тилига ўзлаштиришнинг калька усулидан фойдаланган ҳолда кириб келган<sup>103</sup>.

**协定** xiédìng ва **协议** xiéyì синоним сўзлар бўлиб “битим, аҳдлашув” маъносини ифодалайди. Бу сўзлар ҳам семантик ўзлашмалар ҳисобланади. Ушбу мисоллар орқали биз дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида синонимия ҳодисасининг аҳамиятига назар солишимиз керак.

**协定** ва **协议** “битим, аҳдлашув” синонимлар ҳисобланади, **协定** xiédìng термини “музокаралардан сўнг қабул қилинган битим”; **协议** xiéyì “музокаралардан сўнг умумий бир ҳил фикрга келишиш, аҳдлашув” маъносида қўлланилади<sup>104</sup>.

**记录** jìlù ва **议定书** yìdìngshū терминлари ҳам синонимлар бўлиб, “протокол” маъносида ишлатилган, биргина фарқи **记录** jìlù термини “баённома” маъносида ҳам қўлланилади. Ушбу терминлар ҳам семантик ўзлаштирмалардир. Шунга аҳамият бериш лозимки, “протокол” сўзи дипломатия соҳасида “турли ҳил дипломатик актларни амалга ошириш бўйича қонун - қоидалар мажмуаси”ни ифодаласа, расмий соҳада “Мажлис давомида муҳокама қилинган масаларнинг таърифи” маъносида қўлланилади.

**3.1.7. 国际会议** guójí huìyì “халқаро конференциялар” куйидаги терминларни қамраб олади:

- **大会** dahui конгресс, ассамблея ;
- **会议** huiyì конференция, мажлис, кенгаш ;
- **秘密会议** mǐmìhuiyì “ёпиқ эшиклар” кенгаши ;
- **正式会议** zhèngshì huiyì расмий кенгаш ;
- **主席台** zhuxitai раёсат ;
- **主席** zhuxi раис ва ҳ.к.

Бу бўлимда конференцияда ишлатиладиган ҳужжатларнинг номлари ҳам келтирилган: **工作文件** gongzuowenjian иш ҳужжати **秘密文件** mǐmìwenjian маҳфий ҳужжат ; **决议草案** jueyicãoan резолюция лойиҳаси ; **机密文件** límìwenjian маҳфий ҳужжат.

Бу ерда ҳам терминлар синонимияси кўзга ташланади.

<sup>103</sup> Носирова С.А. Новые слова и устойчивые сочетания в языке дипломатии КНР.// ТашГИВ«Востоковедение».- Т., 2006.

<sup>104</sup> 现代汉语词典. - 北京, 2000. - 1275 б.

**秘密文件** mimiwenjian “махфий хужжат” ; **机密文件** jimiwenjian “махфий хужжат” терминлари мисолида битта маънони ифодалаш учун икки терминнинг қўлланилиши кузатилади. **秘** ті иероглифи ўрнида **机** jі иероглифининг қўлланилиши бир хил маънони ифода этувчи икки терминнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

### 3.1.8 联合国及主要国际组织 lianheguo ji zhuyaoguojizuzhi “БМТ ва асосий халқаро ташкилотлар”.

Бу бўлимга дастлаб БМТ ва унинг структурасини ифодаловчи терминлар киритилган:

- 成员国 chengyuanguo БМТ аъзоси ;
- 秘书处 mishuchu котибият ;
- 秘书长 mishuzhang Бош котиб ;
- 大会 БМТ Бош Ассамблеяси ;
- 总务委员会 zongwuweiyuanhui БМТ Бош Ассамблеясининг Бош қўмитаси ва ҳ.к.

БМТ хузуридаги маҳсус ташкилотлар номи:

- 联合国粮食及农业组织 lianheguo liangshi ji nongye zuzhi БМТнинг озиқ - овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти;
- 联合国救灾协调专员办事处 lianheguo jijiuxietiao zhuanyuan-banshichu БМТнинг ёрдам кўрсатиш ва урушдан кейин тиклаш масалалари бўйича маъмурияти;
- 联合国 儿童 基金 lianheguo ertong jijin БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ва ҳ.к.

Халқаро ташкилотлар номларини ифодаловчи терминлар:

- 伊斯兰开发银行 yisilan kaifa yinhang Ислом тараққиёт банки;
- 北大西洋公约组织 beida xiyang gongyue zuzhi (北约组织) beiyue zuzhi Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (НАТО);
- 红十字会协议 hongshizihui xieyi Қизил Хож иттифоқи;
- 上海合作组织 (上海组织 shanghai zuzhi) shanghaihezuozuzhi Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва ҳ.к.

Юқорида қайд этилган асосий лексик гурухлардан ташқари яна **外交术语** waijiaoshuyu умумий характердаги дипломатик иборалар гурухи ҳам ажратилди.

Ушбу терминлар қаторига сиёsat, иқтисодиёт, ташқи савдо каби соҳаларига алоқадор терминлар, қолипли бирималар киритилган. Масалан:

- 不干涉 buganshe аралашмаслик ;
- 不愿遣返 buyuan qianfan репатриация қилмаслик ;

- 中立 zhongli бетарафлик;
- 中立化 zhonglihua бетарафлаштириш ;
- 外交抗议 waijiao kangyi дипломатик норозилик ;
- 正式提议 zhengshi tiyi расмий таклиф ;
- 和平象征 heping xiangzheng зайдун новдаси (тинчлик тимсоли сифатида) ;
- 外交上承认 waijiaoshang chengren дипломатик эътироф ва х.к. Мазкур гурухга умумий характердаги ҳужжатларни ифодаловчи терминларни ҳам киритиш мумкин. Масалан: 签证 qianzheng виза ва 护照 huzhao паспорт сўзлари билан боғлиқ терминлар.

Ушбу масалалар ҳақида қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

**A.** “外交 waijiao” термини қадимда “шахсий ижтимоий муносабат” маъносида қўлланилиб, кўпинча “хуфиёна алоқалар” маъносида ишлатилган. У “дипломатия” терминининг (ташқи алоқалар маъносида) эквиваленти сифатида яқин вақтлардан бери қўллана бошлаган. Қадимги Хитойда “дипломатия” сўзининг маъносини ифодаловчи 外事 “ташқи ишлар” термини қўлланилган. Ушбу терминнинг антоними сифатида 内事 “ички ишлар” термини ишлатилган.

Цин сулоласига (1644-1911) келиб “дипломатия” маъносида 外务 қўллана бошланган. Ушбу мисоллар “дипломатия” маъносини акс этирувчи терминлар синонимиясини келтириб чиқаради<sup>105</sup>.

“外交” эквивалентлари турли Европа ва Америка давлатларида қўлланилган. Масалан, инглизча “diplomacy”, французча “diplomatie” ва русча “дипломатия” терминлари грекча “diploma” дан олинган бўлиб, унинг асл маъноси “икки букилган қофоз”dir. Қадимги Юнонистон ва Римда ёғочли муқова ичига солинган хат элчиларга уларнинг ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиғи ёки ҳужжат сифатида тақдим этилган<sup>106</sup>. Қадимги Хитойда “элчи” маъносида 使节 shijie, яъни “Ишонч ёрлиғи билан жўнатилган вакил”, кейинчалик 大使 dashi термини қўлланилганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

**B. 府 zhengfu, 领事 lingshi** функционал алмашинув натижасида маҳсус терминларга айланган. Хитой тили ва дипломатик терминларнинг ўзгариши натижасида бу терминлар янги маъно касб этган. Шу сабабдан ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг ўзгарув-

<sup>105</sup> Носирова С.А. Хитой дипломатик терминларини лексик - семантик ва структур тахлили.: филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти.2008. – 24 б.

<sup>106</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент, 2002. – 312 б.

чанлик сабаблари, индексини аниқлаш ва бошқа мухим омилларни сабаб ўтишда ассимиляция, гаплология, гиперкоррекция, фонетик ўтиш, занжирли реакция, ички реконструкция, структурализм, яқинлик түлкінли назарияси ва яқинлик дарахти назарияси, аналогия, билингвизм, диглоссия, пиджинизация, креолизация каби лингвистик ходисаларга диккат қаратиш лозим.

**C.** Дипломатик хужжатларнинг кўп турлари қадимги Хитойда вужудга келган, масалан, **盟约** mengyue ахдлашув маъносидаги **盟誓** mengshi термини билан параллел қўлланган. **名片** mingpian “визит карточки” **名片** mingpian “ташриф қоғози” кўринишида қўлланилган. Унинг синоними сифатида **名刺** mingci термини ҳам кенг ишлатилган. Юқорида келтирилган терминлар қаторига қадимги Хитойда кенг қўлланилган **讣告** fugaо “таъзиянома”, **贺片** hepian “табрикнома” ва ҳ.к. қўшиш мумкин.

**D.** Хитой тили дипломатик терминларини 7 лексик-семантик грухга ажратиш мумкин.

1. Дипломатлар , дипломатик тузилма.
2. Дипломатик имтиёз ва дипломатик даҳлсизлик.
3. Дипломатик ваколатхоналар устидан назорат ишлари.
4. Дипломатик фаолият.
5. Дипломатик хужжатлар.
6. Халқаро конференциялар.
7. БМТ ва асосий халқаро ташкилотлар.

Ушбу грух таркибидаги терминларнинг жойлашувига, кетматлигига иерархик муносабатлар таъсир кўрсатиши аниқланди. Масалан: “Дипломатлар , дипломатик тузилма” грухига кирувчи терминларда: элчи – ишончли вакил – маслаҳатчи – биринчи котиб – иккинчи котиб – учинчи котиб - атташе.

**E.** Дипломатик терминлар таҳлили синонимия ҳодисасини эътироф этишни кўрсатади. Бу ҳодисани юқорида таҳлил этилган **外交**, **外事**, **外务** шунингдек, **使节**, **大使**; **盟约**, **盟誓**; **名片**, **名刺**; **协议**, **协定**, **条约**, **公**, **议定书** мисолларда кўриш мумкин.

Дипломатия соҳасида синонимия ҳодисаси ҳамма вақт ҳам ижобий томондан таҳлил этилмайди, айниқса гап хитой тили ҳақида кетганда. Хитой тили синонимларга бой тил ҳисобланади. Дипломатия соҳасида синонимларнинг қўлланилиши баъзан дипломатик терминларни асл маъно – моҳиятини тубдан ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, “битим, ахдлашув” маъносида тор доирадаги **协议** xiéyì

термини, кейинчалик маълум масалалар соҳасида жавобгарликни нисбатан енгишлаштириш имкониятига эга бўлиши мумкин, чунки **协议** термини **协定 xiédìng** терминидан фарқли ўлароқ, мажбуриятлар эмас, балки фикрларни билдиради. Хитой дипломатик терминологиясида қўлланиувчи маълум бир терминнинг негизида нисбатан катта ёки кичикроқ маъно ётиши мумкин. Дипломатия тарихида битим имзоланган ва ратификация қилинганидан сўнг битимдаги баъзи бир терминларни умуман бошқа маънода таҳлил қилиш мисоллари учраб туради. Баъзан битим матнларига биринчи кўринишда тор маънодаги, “хавфсиз” терминлар киритилган ҳолатлар кузатилади. Битим имзолангандан сўнг биринчи қарашда тор маънодаги, “хавфсиз” терминлар “уйғонган аждар” кўринишига киради ва умуман зид бўлган маънода қўллана бошлайди. Бу эса расмий дипломатик ҳужжатлар матни, уларда қўлланилган терминлар устида чуқур лингвистик тадқиқлар олиб боришни тақозо этади.

**F. Ижтимоий-сиёсий** ва дипломатик терминлар замон талаблари, глобаллашув жараёнлари, сиёсий, илмий, назарий қарашлар натижасида ўзгариб боради. Хитой дипломатик терминларини тўлиқ ва мустаҳкам ўзлаштириш, тўғри қабул қилиш ва қўллаш учун фақат терминология фанини ўрганиш етарли эмас. Бу мақсадларда Хитой давлат, партия, ҳукумат раҳбарлари китоб, мақола, нутқ ва чиқишлигини изчилиллик билан кузатиб бориш, ўрганиш, сиёсатшунослик соҳасидаги нуфузли олимлар ва мутахассислар асарларини таҳлил қилиш зарур. Бундан ташқари Хитой Коммунистик партияси, “Хунци”, “Жэнмин жибао”, “Синхуа” ва бошқа оммавий аҳборот воситаларида қўллашишга киритилган янги терминларни системага солиб, уларнинг маъносини ўзбек, инглиз ва рус тилларида компаратив таҳлил этиб, қўллашиш ҳолатлари, улардан фойдаланиш мақсадларини чуқурроқ тушуниш керак бўлади.

Кўрсатиб ўтилган илмий ва амалий масалаларни тадқиқ этишда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримовнинг Хитойда нашр этилган “Ўзбекистон: иқтисод ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” (1997), “Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1998) ва “Ўзбек халқи ҳеч қачон ва ҳеч кимга қарам бўлмайди” (2006) асарларни яна-да чуқурроқ ўрганиш алоҳида аҳамият қасб этади.

### 3.2 Хитой тили дипломатик терминларнинг структур жиҳатлари, ясалиш усуллари

Хитой тили дипломатик терминлари асосан мураккаб терминлардан иборат. Мураккаб терминларга икки бўғинли ва кўп бўғинли терминлар, жумладан, қолипли бирикмалар, аббревиатуралар, ўзлашмаларни киритиш мумкин. Дипломатик терминларнинг аксарият қисми композиция усули ёрдамида ясалган. Сўз ясалиш усули мустақил сўз туркумларига хос бўлиб, сўз ясашнинг бирор усули билан янги сўз ҳосил қилиш сўз туркумларининг барчаси учун бирдек эмас. Масалан, ўзбек тилида аффиксация ва композиция усуллари билан сўз ясаш от, сифат, феъл ва равиш туркумлари учун характерлидир<sup>107</sup>. Ушбу усуллар асосида турли сўз туркумларига оид терминлар ҳосил бўлиши кузатилади. Масалан: 大使馆 dà shǐ guǎn “элчихона” – (элчи + қароргоҳ); 仇视 chóu shì “душманлик билан муомалада бўлмоқ” (душманлик + муомала); 姆斯林国家会议 mū sī lín guó jiā huì yì “мусулмон давлатларнинг учрашуви” (мусулмон + давлат + учрашув); 外交语言 waijiao yuyan “дипломатия тили” (дипломатия + тил) ва ҳ.к.

Ўзлаштириш ҳам дипломатик терминларни ҳосил бўлишида смарали усуллардан бири ҳисобланади ва семантик ва фонетик калька ёрдамида янги терминларнинг вужудга келиши кузатилмоқда. Масалан: 加勒比共同体 jialeibi gongtongti “Кариб хавзаси ҳамжамияти (КАРИКОМ)”; 安第斯条约组织 andisi tiaoyuezuzhi “Анд Пакти ташкилоти”; “国务卿”guowuqing “давлат котиби”; “专员”zhuanyuan “атташе” кабилар шулар жумласидандир. Маълумки, дипломатик музокараларда аббревиация усули ёрдамида ҳосил бўлган терминлардан ҳам кенг фойдаланилади. Бунга асосий сабаб вақт тежамкорлигига интилиш деб, кўрсатиш мумкин. Аббревиация усули ёрдамида ясалган дипломатик терминларнинг қўпи “БМТ ва халқаро ташкилотлар” лексик гурухига тегишлидир.

Айнан шу гурух дипломатик терминлар ясалишида когнитив усулнинг таъсири кузатилади. Ясама дипломатик терминлар ҳосил бўлишида аффиксация усулининг нисбатан кўп қўлланилиши эътиборлидир. “Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишиланган қўшма Баёнот” асосида(жами 1716 иероглиф = 100 %).

<sup>107</sup> Ш.Шоабдураҳмонов.Хозирги ўзбек адабий тили. - Т.: “Ўқитувчи”,1980.- 175 б.

Сўз қўшиш 449 та ( 93 %)		Ўзлаштириш 25 та (5 %)		Аббревиация 5 (0,8 %)		Аффиксация 6 (1,2 %)		
Моделлар тури								
Атри бутив	копуля тив	феъл – объект ли	Семан тик калька	Фоне тик кальк а	содда	Син тетик	Пре фикс	ярим суф фикс
231 (51%)	107 (20%)	111 (22%)	15 (3 %)	10 2%)	4 (0,7%)	1 (0,1% )	4 (0,8%)	2 (0,4%)

1. Дипломатик терминларнинг ясалишида сўз қўшиш усули бирламчи. Ушбу усулнинг атрибутив модели бўйича тузилган терминлар сони бошқа усуллар ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сонидан кўп.

2. Сўз қўшиш усулидан сўнг ўзлаштириш усули ёрдамида ҳосил бўлган дипломатик терминлар сонининг нисбатан кўплиги эътиборли. Бунинг сабаби, дипломатик ҳужжатларда давлатлар ва ташкилотларнинг номи кўп учрайди. Ушбу сўзларнинг ўзлаштирилиши фонетик калька усули ёрдамида амалга оширилади.

3. Келтирилган дипломатик ҳужжат мисолида аффиксация усули билан ясалган терминлар сонининг аббревиация усули ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сонига нисбатан ортиқлиги кузатилди. Бу ерда аффиксация усулининг самарадорлигини ҳам кўриш мумкин.

4. Аббревиация усули ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сони бошқа усуллар ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сонидан кам кўрсатгичга эга. Бунинг сабаби, дипломатик ҳужжатларда аббревиатура-ларнинг кенг қўлланилиши таржима жараёнини қийинлаштириши мумкинлигидадир. Таҳлил этилган терминлар ичida аббревиациянинг синтетик тури ёрдамида ҳосил бўлган мисол бир марта учради, қолган терминлар аббревиациянинг оддий турига мансуб. Юқорида санаб ўтилган сўз ясалиш усулларини кўриб чиқамиз.

### 3.2.1 Композиция усули

Композиция усули деганда умумий тилшуносликда бир сўздан бир неча (икки ва ундан ортиқ) сўз ёки негизларнинг бирлашуви натижасида янги сўзларнинг ҳосил бўлиши тушинилади. “Композиция

(лот.)-Сўз қўшиш. Кўшма сўзлар. Кўшма сўз таркибида бирдан ортиқ луғавий маъноли қисм бўлган сўз”<sup>108</sup>. Композиция янги сўзлар ҳосил қилишда қўлланиладиган асосий усуллардан бири ҳисобланади<sup>109</sup>. Хитой тилшунослари ушбу усулни синтактик усул, деб таърифлаб, энг унумдор усуллар қаторига киритишган<sup>110</sup>.

Маълумки хитой тилида мураккаб сўзлар сони бошқа сўзларга нисбатан кўпроқ учрайди, чунки бу тилидаги сўзларнинг аксарият қисми икки ва ундан ортиқ бўғиндан ташкил топади. Сўз ясалишида композиция усули кенг тарқалган бўлса, қадимги ва ўрта давр хитой тилида мураккаб сўзлар редупликация ҳодисаси эвазига ҳосил бўлган. Ҳозирги замон хитой тилида эса сўзлар такори усули янги сўзларни ҳосил қилишда у қадар унумдор эмас<sup>111</sup>. Ушбу масалалар филология фанлари номзоди С.Хашимованинг “Ҳозирги хитой тилида редупликация” номли монографияси ва бир қатор ишларида муфассал тадқиқ қилинган<sup>112</sup>.

Хитой тили дипломатик терминлари асосан мураккаб терминлардан иборат. Мураккаб терминларга икки бўғинли ва қўп бўғинли терминлар, жумладан, қолипли бирикмалар, абревиатуралар, ўзлашмаларни киритиш мумкин.

Қўйида дипломатик терминлар структур таҳлили жадвал кўринишида берилган.

<sup>108</sup> Ҳожиев А. Терминшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002. – 51, 143 б

<sup>109</sup> Ҳаматова А. А. Словообразование современного китайского языка. – М.: «Муравей», 2003. – С. 81.

<sup>110</sup> 黎锦熙 刘世儒. 汉语语法教材, II. - 北京, 1952.- 56 б.

<sup>111</sup> Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. Новосибирск: «Наука», 1981. - 49 б.

<sup>112</sup> Ҳашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация: фил. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация – Тошкент, 2009. - 161 б.

Hashimova S.A. Reduplication of Chinese adjectives // The Fourth International Forum of Translation and Interdisciplinary studies. - The People's Republic of China, Beijing, 2004. - P.38-39.

Ҳашимова С.А. Хитой тили феълларида айрим редупликатив моделларнинг хусусиятлари // Шарқшунослик. - Тошкент, 2006. - №1. - Б.18-20.

Hashimova S.A. Reduplicative models of adjectives in Chinese, Uzbek and Russian languages // The International Conference on Translation and Interdisciplinary studies. - The People's Republic of China, Shanghai, 2006. - P.247-248.

Hashimova S.A. Some methods of translation of reduplication in Uzbek and Chinese // The Fifth International Conference. - The People's Republic of China, Beijing, 2006. - P.24.

“Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишиланган қўшма Баёнот” асосида, жами 485 сўз (100 %)

Бир бўғинли сўзлар - терминлар (шу жумладан семантик компонентлар )	Икки бўғинли сўзлар (терминлар)	Икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзлар (терминлар ва қолипли бирикмалар)
28 (6 %)	373 (77 %)	84 (17 %)

Композиция усули ёрдамида ҳам мураккаб сўзлар ҳосил бўлади. Мураккаб сўзларнинг компонентлари турличадир. Мураккаб сўзлар таркибида икки турдаги компонентлар ҳам синтактик мустақиллигини йўқотади ва натижада улар морфемалар ҳисобланади.

Хитой тилида композиция усули ёрдамида икки ёки бир нечта сўзларнинг ўзаро қўшилиши натижасида янги сўзларнинг ҳосил бўлиши кузатилади. Композиция усули натижасида мураккаб сўзлар вужудга келади. В.Солнцевнинг таъкидлашича: “Словослияние происходит стихийно: часто употребляющиеся рядом слова сливаются в одно целое. Словосложение производится по уже готовой модели. Берутся два или три слова (точнее – две или три основы), которые никогда не образовывали словосочетания, и складываются вместе по правилам китайского словосложения»<sup>113</sup>. Бу усул ёрдамида ҳосил бўлган мураккаб сўзларнинг компонентлари ҳам мустақил сўзлар, ҳам ҳозирда ўз синтактик мустақиллигини йўқотган ёрдамчи морфемалар бўлиши мумкин. Мураккаб сўзлар таркибида иккала компонент ҳам синтактик мустақиллигини йўқотади, яъни морфемаларга айланади. В.Горелов таъкидлаганидек: “Для китайских слов, образованных путём словосложения, характерна выделимость компонентов, ясность внутренней формы или смысловой структуры. Значение сложного слова опирается на значение составляющих морфем. Таким образом,

<sup>113</sup> Солнцев В.М. Очерки по современному китайскому языку.- М.,1957.- 21 б.

в сложных словах существует смысловая зависимость целого от частей.”<sup>114</sup>. Буни формула орқали ёритиш мумкин:

$$AB = AaAb\dots An + BaBb\dots Bn.$$

Бу ерда А ва В мураккаб сўзни ташкил этувчи икки компонент, а, б, с – компонетлар таркибидаги морфемалар.

Хитой тилида композиция усулининг беш модели шакланган бўлиб, улар ёрдамида дипломатик терминларнинг ҳосил бўлиш жараёнини қўйида кўрсатилади.

### 3.2.2 Композиция усулининг атрибутив модели

Атрибутив моделининг б турини кўриб чиқамиз:

1.偏正式 piān zhèng shì, 主从式 zhǔ cóng shì – эргаштирув алоқали модел

2.附加式 fù jiā shì – битишув алоқадаги модел

3.修饰式 xiū shì shì, 规定式 guī dìng shì – аниқловчи модел

4.向心式 xiàng xīn shì – марказга интилма модел<sup>115</sup>

Хитой лингвистлари Чжоу Цзумо, Чжан Цзин, Цзинь Шаочжи, Чжу Дэси ва б.)<sup>116</sup> асосан 偏正式 piān zhèng shì номланишни қўллашади.

附加式 fù jiā shì терминини Чжан Шилу, Ли Цзиньси ва Лю Шижу қўллашган<sup>117</sup>. Ушбу моделни номлашда 主从式 zhǔ cóng shì терминидан Чжао Юанъжэнъ, Ли Жун ва Янь Цзинсюань фойдаланган<sup>118</sup>.

修饰式 xiū shì shì терминини Чжан Чжигун, Сунь Чансюя ва Гэ Синьи қўллаган.<sup>119</sup>

<sup>114</sup> Горелов В.И. Лексикология современного китайского языка.- М., 1984.- 20-21 б.

<sup>115</sup> Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Изд-во «Муравей», 2003. – 83 б..

<sup>116</sup> Чжоу Цзумо. Ханьюй цихуй цзянхуа. - Пекин, 1962. – 7 б.;

Чжан Цзин. Цы, цыцзу, цзюйцзы. - Харбин, 1984. – 32 б.;

Цзинь Шаочжи. Цихуй. - Пекин, 1963. – 8 б.;

Чжу Дэси. Юйфа цзяни. - Пекин, 1982. –32 б.

<sup>117</sup> Чжан Шилу. Сяосюэ цихуй цзяосюэ цзибенъ чжиши цзянхуа . - Ханчжоу, 1956. –58 б.

Ли Цзиньси, Лю Шижу. Ханьюй юйфа цзяоцай. - Пекин, 1959. –518 б.

<sup>118</sup> Yuen Ren Chao. A Grammar of Spoken Chinese. – Los Angeles, 1967.- P.189;

Ли Жун. Бэйцзин коуюй юйфа. - Пекин, 1952. –28 б.

Янь Цзинсюань. Ханьюй исюэци гоуцифа. // Юйянь цзяосюэ юй яньцзю. № 2. - Пекин, 1983. –89 б.

<sup>119</sup> Чжан Чжигун. Сяньдай ханьюй, 1 том. - Пекин, 1983. –38 б.;

Сунь Чансюй. Ханьюй цихуй. – Чанчунь, 1956. –101 б.;

Гэ Синьи. Ханьюй цзегоу де тэдиен хе фангфа // Юйянь цзяосюэ юй яньцзю. № 2. - Пекин, 1979. –35 б.

向心式 xiàng xīn shì термини Лу Чживейга, 规定式 guī dìng shì термини эса Гао Минкайга тегишили<sup>120</sup>. Шуни таъкидлаш лозимки, кейинчалик Лу Чживей 向心式 xiàng xīn shì терминидан воз кечиб, унинг ўрнига 偏正式 piān zhèng shì терминини қўллаган.<sup>121</sup> Рус илмий адабиётида бу модел – “атрибутивная” ёки “определенительная модель” деб қабул қилинган<sup>122</sup>. Бу моделнинг ўзига хослиги қўйидагиларда на-моён бўлади:

Масалан: 电信 diànt xìn “телеграмма”.

Бу сўз икки негиз бўйича атрибутив эргаштирувчи модел ёрдамида ҳосил бўлган: 信 xìn “хат” - аниқланмиш, 电 diàn “электр, электр қуввати” - аниқловчи компонент.

公报 gōng bào -“коммюнике” сўзида: 报 bào-“газета”-аниқланмиш негиз, 公 gōng –“умумий” - аниқловчи негиз. Бу модел бўйича тузилган сўзларда асосий – аниқланмиш ва иккиламчи – аниқловчи компонентлар орасидаги муносабатлар атрибутив, яъни эргаштирувчи муносабатлардир.

Атрибутив моделининг компонентлар маъноси хусусиятларини таҳлил этган У Чжанқун, Ван Цин, Жен Сюелян ва бошқа тилшунослар шуни таъкидлайдиларки, атрибутив модел ёрдамида ҳосил бўлган сўзларнинг асосий негизи кўп томонлама хусусиятлари билан ажралиб туриши мумкин. Тобе (қарам) негиз эса мустақил негизнинг турли жиҳатларини ифодалаш учун хизмат қиласди. Тобе негиз ёрдамида асосий негиз характеристикасини қўйидаги жиҳатларини кўриб чиқамиз:

вақт: 午宴 wǔ yàn “тушлик зиёфати”;

ишлатилиш доираси: 大使馆 dà shǐ guǎn “элчихона” – (элчи + қароргоҳ); 领事馆 lǐng shì guǎn “консулхона” (консул + хона); 新闻司 xīn wén sī “матбуот бошқармаси” (ахборот + бошқарма); 礼宾司 li bīn sī “протокол бошқармаси” (протокол + бошқарма);

хом – ашё : 石油输出国 shí yóu shū chū guó “нефт экспорт қилувчи мамлакат” (石油 shí yóu нефт + 输出国 shū chū + экспорт қилувчи +

<sup>120</sup> Лу Чживей. Ханъой де гоуцифа. - Пекин, 1957. – 19 – 75 б.

Гао Минкай. Путонг юйен сюэ.(Умумий тилшунослик) Т.2. - Шанхай, 1955. –206 б.

<sup>121</sup> Лу Чживей. Ханъой де гоуцифа. - Пекин, 1957.

<sup>122</sup> Иванов А.И., Поливанов Е.Д. Грамматика современного китайского языка. – М.,1930 Солнцев В.М. Очерки по современному китайскому языку. – М.,1957

Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск, 1981.

哈西莫娃 色达特“汉乌俄外交词典” – 中国 , 哈日 , 黑龙江, 2004. 328。

guó мамлакат) ;**石油禁止** shí yóu jìn zhi “нефт экспортини тұхтатиши” (石油 shí yóu нефт + 禁止 jiàn zhi тұхтатиши);

**ранг** : **黄皮书** huáng pí shū “Халқаро әмлаш сертификати”; “Сарық китоб” (сариқ + китоб мұқоваси); **黑皮书** hēi pí shū “Таъзия китоби”, “Қора китоб” (қора + китоб);

**шакл** : **圆桌会议** yuán zhuō huì yì “Давра мажлиси” (стол даврасидаги мажлис) (圆 yuán юмалок + 桌 zhuō стол + 会议 huì yì мажлис);

**үрни, жойлашуви**: **欧洲经济委员会** ōu zhōu jīng jì wěi yuàn huì (Европа + иқтисод + құмита) “Европа иқтисод құмитаси”; **南非国政府** nan fēi guó zhèng fù “Жанубий Африка хукумати” (Жануб + Африка + хукумат );

**характер, хусусияти**: **密约** mì yuē “махфий шартнома” (мі мағфий + уе шартнома); **秘密协定** mì mì xié dìng “махфий битим” (яширин + битим);

**курол – аслаха**: **口头翻译** kǒu tóu fān yì “оғзаки таржима”(оғиз + таржима); **笔头翻译** bì tóu fān yì “ёзма таржима” (қалам + таржима);

**кайфият, рух ҳолати**: **惊悉** jīng xī “хаяжонда, ҳайратда қолмоқ”; **欣逢** xīn féng “хұрсаңдлық изхор этмоқ”;

**сон, ҳажм**: **三边条约** sān biān tiáo yuē “учтомонлама шартнома” (уч, тараф + шартнома); **一等秘书** yī děng mì shū “биринчи котиб” (уч + даражада + котиб);

**хис – туйғу**: **仇视** chóu shì “душманлик билан муомалада бўлмоқ” (душманлик + муомала); **仇人** chóu rén “душман, ёв” (душманлик + одам);

**мамлакат, миллат**: **姆斯林国家会议** mǔ sī lín guó jiā huì yì “мусулмон давлатларнинг учрашуви” (мусулмон + давлат + учрашув); **伊斯兰会议** yī sī lán huì yì “Ислом конференцияси” (ислом + конференция);

**жинс** : **努大使** nudashi “элчи”(аёл) (аёл + элчи).

Юқорида атрибутив модел бўйича ҳосил бўлган сўзлардаги асос негизнинг таърифланиши мумкин бўлган бир неча томонлари кўрсатиб берилди ҳолос. Ҳақиқатда бундай таърифлар сони кўпроқ.

Атрибутив модел бўйича ҳосил бўлган сўзлар икки бўғинли, ҳам кўп бўғинли бўлиши мумкин. Компонентлар ўртасидаги алоқалар турли сифатлар ёрдамида ифодаланиши мумкин (атрибутив алоқалар доирасида). Агар морфемалар (компонентлар) A, B, C, D ҳарфлари

билан, тобеълик эса “→” белгиси билан ифодаланса, бундай алоқаларни қуидагича таърифлаш мумкин бўлади .

### I.Икки бўғинли сўзлар: A B $\rightarrow$

(А Вни аниқлайди, А Вга тобеъ ).

**悼词** dào cí “таъзия нутқи”; **贺电** hè diàn “табрик телеграммаси”; **唁电** yàn diàn “таъзия телеграммаси”; **午宴** wǔ yàn “тушлик зиёфати”; **宣言** xuān yán “баённома, баёнат”; **外侨** wài qiáo “муҳожир”; **公文** gōng wén “расмий ҳужжат”.

### II. Уч бўғинли сўзлар:1. A BC

**副代表** fù dài biǎo “вакил ўринбосари” ( ёрдамчи + вакил ); **副部长** fù bù zhǎng “вазир ўринбосари” (ёрдамчи + вазир); **总领事** zong ling shì “бош консул” (бош + консул); **核大国** hédàguó “атом қуролига эга давлат” (ядро + давлат).

### 2 A B → C

**大使 及** dà shi jí “элчи даражаси” (элчи + даража); **大使馆** dà shi guǎn

“элчихона” (элчи + хона); **领事馆** ling shì guǎn “консулхона” (консул + бино); **汉学家** hàn xué jiā “хитойшунос” (хитой тили + олим); **总领事** zǒng ling shì “бош консул” (бош + консул); **代表团** dài biǎo tuán “делегация, миссия” (делегат + группа).

### 3. ( A-B) C →

**外交家** wài jiāo jiā “дипломат” (ташқи + алоқа + “киши” суффикси)

**外交部** wài jiāo bù “Ташқи ишлар вазирлиги” (ташқи + алоқа + бўлим)

**外贸部** waimaobu “Ташқи савдо вазирлиги” (ташқи + савдо + бўлим)

**亚洲司** Yà zhōu sī “Осиё мамлакатлари бошқармаси” (Осиё + қитъя + бошқарма).

### III. Тўрт бўғинли сўзлар:

#### 1. A B → CD

A B ва CD бир бутунликни ҳосил қиласди. AB CD нинг аниқловчисидир.

**工作人员** gōng zuò rén yuán “иш юритувчи ходимлар” (иш юритиш +одам)

**外交人员** wài jiāo rén yuán “дипломатик ходим” (ташқи алоқа + одам)

**服务人员** fú wù rén yuán “хизматчи ходимлар” (хизмат ишлари + одам)

**临时代办** lín shí dài bàn “Charge d’ Affaires ad interim” ( мұваққат + ишончли вакил ).



CD бир бутунликни ифодалайди , А ва В алоҳида бўлиб CD ни аниқловчиси бўлиб келади. Масалан :

**外交代表** wài jiāo dài biǎo “дипломатик вакил” (дипломатия + вакил)

**特派记者** tè pài jì zhě “махсус мухбир” (махсус , юбормоқ + мухбир)

**空军武官** kōng jūn wǔ guān “ҳарбий ҳаво кучлари атташеси” (ҳаво , армия + атташе).




ABC – бир бутунликни ифодалаб, D нинг аниқловчиси бўлиб келади. Масалан :

**外交官衔** wài jiāo guān xián “дипломатик унвон” (дипломат + унвон)

**外交部长** wài jiāo bù zhǎng “Ташқи ишлар вазири” (ташқи ишлар+ вазир);

**欧亚俄市场** Ou Ya E shichang «Рынки стран Европы, Центральной Азии и России” (журнал номи) (Европа + Осиё + Россия + бозор).



BCD бир бутунлиги А учун аниқловчи бўлиб келади.

Масалан :

**总领事馆** zong lingshiguan “бош консуллик идораси” (总 zong бош + 领事馆 lingshiguan консуллик);

**总事务司** zong shiwusi “хўжалик бошқармаси” (总 zong бош, умумий +**事务司** shiwusi бошқарма).

Хитой тилида композициянинг атрибутив модели қўп қўлланиладиган моделлардан ҳисобланади. Айтиб ўтиш жоизки, бу модел бўйича турли гап бўлакларига алоқадор сўзлар ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Мисоллардан кўриниб турибдики, дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида атрибутив моделнинг ўрни катта.

### 3.2.3. Композиция усулининг копулятив модели

Ушбу модел асосида тузилган сўзлар компонентлари тенг боғловчи, ўзаро тенглик муносабатда бўлади. А.Семенас фикрига кўра, “под копулятивным сложением понимается сложение функционально-сintаксически и семантически равноправных морфем (лексем), дающих в сумме единое значение”<sup>123</sup>.

Хуан Юэчжоу ушбу моделни сермаҳсул моделлардан бири, деб ҳисоблайди<sup>124</sup>. Хитой тилшунослигида копулятив моделни қуйидаги турлари мавжуд:

**并立式** bing li shi жуфт модель;

**并列式** bing lie shi тенг боғловчи модель;

**连合式**lian he shi бирлаштирувчи модель.

**并立式** bing li shi ( жуфт модель ) Лу Чживей томонидан таҳлил этилган. Кейинги ишларида Лу Чживей ушбу терминни **并列式** bing lie shi терминига алмаштириди<sup>125</sup>. Айнан шу термин юқоридаги моделни номлаш учун бошқа олимлар томонидан ҳам қўлланилиб келган. Жумладан Гао Минкай, Чжан Шилу, Жень Сюэлян, Сунь Чансюя ва бошқаларнинг илмий ишларида буни кўриш мумкин<sup>126</sup>. Чжан Шоукан, Чжоу Цзумо, Чжан Чжигун, Ли Цзиньси ва бошқа бир қатор тилшуносларнинг ишларида ушбу модель **连合式**lian he shi “бирлаштирувчи модел” деб номланган.

И.Ошанин, В.Солнцев, Н.Коротков, А.Семенас ва бошқаларнинг илмий ишларида ушбу модель тенг боғловчи ёки копулятив модель номи остида юритилган<sup>127</sup>.

<sup>123</sup>.Семенас А.Л. О синтагматической семантике копулятивного сложения в китайском языке // Исследования по китайскому языку. - М., 1973.- 63 б.

<sup>124</sup> Хуан Юэчжоу. «语文知识» № 11. – Пекин,1957.- 216 .

<sup>125</sup> Лу Чживей. «汉语的构词法». - Пекин, 1956. – 110 б.

Лу Чживей. «汉语的构词法». - Пекин, 1964.- 97 б.

<sup>126</sup> Гао Минкай. “普通语言学” Том .2.- Шанхай,1955. – 200 б.

Чжан Шилу. “小学词汇教学基本知识讲话”. - Ханчжоу, 1956.- 58 б.

Жень Сюэлян. “汉语造词法”.- Пекин, 1981. – 165 б.

Сунь Чансюй “多义词 , 反义词 , 便一次” - Чанчунь, 1956.- 102 б.

<sup>127</sup> Ошанин И.М.Слово и части речи в китайском языке.- М.,1946- 112 б..

Солнцев В.М. “Очерки по современному китайскому языку”.- М.,1957.- 84 – 85 б.

Коротков Н.Н. “Основные особенности морфологического строя китайского языка”.- М.,1968. – 125 – 126 б.

Семенас А.Л. “Некоторые особенности семантики сложения в изолирующих языках” (К типологии семантических реляций)// Лингвистическая типология.- М., 1985.- 176 –177  
哈施舍夫色市卡日莫“汉乌俄外交词典 ” – 中国 , 哈日 , 黑龙江, 2004. 328。

Ушбу модельни таҳлил қилаётганда мурракаб сўзни ҳосил қилувчи негиз маъносига эътибор берилади. Жен Сюэлян тенг боғловчи модель бўйича ҳосил бўлган сўзларни қўшилаётган компонентлар маъноларининг турига қараб 5 гурухга ажратган:

1. Компонентлар маънолари яқин бўлган, яъни синонимик компонентларнинг бирлашуви.
2. Антонимик компонентларнинг бирлашуви.
3. Коррелятив компонентларнинг бирлашуви.
4. Узоқлашган маъноли компонентларнинг бирлашуви.
5. Икки компонентнинг бирлашуви (бу бирлашув натижасида компонентларнинг бири ўз маъносини йўқотади)<sup>128</sup>.

Қўйида тенг боғловчи модельнинг синонимик бирлашув гуруҳидаги сўзларни, аниқроқ қилиб айтганда, ушбу модельнинг дипломатик терминларнинг ясалишидаги ўрни ва аҳамиятини кўриб чиқамиз.

Чжан Шоукан, Ли Цзиньси, Лю Шижуларнинг таъкидлашича, тенг боғланиш модели асосида тузилган икки синонимик негизли сўзларни компонентларидан бири морфема вазифасини бажаради ва кўп ҳолларда сўз ясовчи вазифасида келади<sup>129</sup>. Қадимги хитой тилида ушбу компонентлар бир бўғинли мустақил сўзлар вазифасини бажарган. Чжан Шоукан таъкидлаганидек: “Тилнинг ривожланиб боргани сари бир бўғинли мустақил сўзларнинг кўпи ўз мустақиллигини йўқотиб сўз ясовчи морфемаларга айланган”<sup>130</sup>. Ушбу турдаги элемент қўйидағи терминлар таркибидаги морфемалар ҳам тегишли:

外交语言 waijiao yuuyan “дипломатия тили” терминидаги 语言 yu yan – “тил” сўзи (тил, нутқ + нутқ, тил)<sup>131</sup>. Ушбу термин таркибидаги 语言 yu yan – “тил” компонентлари ўзаро тенг муносабатда бўлиб, тенг боғловчи модельнинг синонимик бирлашуви натижасида ҳосил бўлган. Бу ерда иккала компонент ҳам от туркумидаги сўздир, яъни 语 yu “тил, нутқ” ва 言 yan “нутқ, тил”.

人员 ren yuan – “ходим (лар)” (одам + одам). Ушбу сўз ҳам тенг боғловчи модель бўйича компонентларнинг синонимик бирлашуви натижасида ҳосил бўлган, яъни бу ердаги 人 ren “одам” ва 员 yuan

<sup>128</sup> Жень Сюэлян. “汉语造词法” - Пекин, 1981. – 165 – 186 б.

<sup>129</sup> Чжан Шоукан. “关于汉语构词法” - Пекин, 1956.- 31 б.;

Ли Цзиньси, Лю Шижу “汉语语法教材”- Пекин, 1957.- 523–525 б.

Хуан Юэчжоу “语文知识” № 11.- Пекин, 1957.- 22 б.

<sup>130</sup> Чжан Шоукан. “关于汉语构词法” .- Пекин, 1956.- 28 б.

<sup>131</sup> 哈西莫娃 色达特“汉乌俄外交词典” – 中国 , 黑龙江, 2004. 328。

“одам” маъносини билдирувчи боғловчи компонентларнинг ўзаро тенг бирлашуви натижасида 人员 ren yuan – “ходим (лар)” сўзи ҳосил бўлади.

**中华 zhong hua** (中华人民共和国) – “Хитой” (Хитой + Хитой). Ушбу сўз компонентлари бўлмиш 中 zhong ва 华 hua сўzlари от туркумига мансуб бўлиб, тенг боғловчи модельнинг синонимик бирлашуви натижасида 中华 zhong hua “Хитой” сўзини ҳосил қиласди. Аслида 中华 zhong hua сўзи 中华人民共和国 zhong hua renmin gongheguo сўзининг аббревиатураси ҳисобланади.

**外交事务 waijiao shiwu** “дипломатик ишлар” терминидаги 事务 shiwu – “иш” сўзи (иш + иш) тенг боғловчи модель бўйича 事 shi ва 务 wu от туркумидаги синонимик компонентларнинг ўзаро боғланиши натижасида ҳосил бўлган.

**外交途径 waijiao tujing** “дипломатик каналлар”даги 途径 tujing – “йўл” (йўл + йўлча) ҳам тенг боғловчи модель ёрдамида ҳосил бўлган. Бу ерда икки синонимик от туркумидаги компонентлар 途 tu ва 径 jing (йўл, йўлча)нинг бирлашуви кузатилади.

**协约 xieyue** “битим” (битим + келишув, битим) тенг боғланиш модел бўйича тузилган бўлиб, 协 xie ва 约 yue компонентлари маъно дошлиқ асосида боғланган.

**教育培养司 jiaoyu peiyang si** “таълим - тарбия бошқармаси (Ташки ишлар вазирлигида)” сўзидаги 教育 jiaoyu “таълим” сўзи (ўқитмоқ + тарбияламоқ, ўстирмоқ) ва 培养 peiyang “ўстирмоқ” сўзи (ўстирмоқ + тарбияламоқ, ўстирмоқ). Ушбу терминни ташкил этувчи 教育 jiaoyu “таълим”даги компонентлар тенг боғловчи модель бўйича феъл туркумига тегишли бўлган 教 jiao ва 育 yu синонимик компонентларнинг ўзаро тенг боғланиши натижасида воқеаланган. Терминни ташкил этувчи иккинчи 培养 peiyang “тарбияламоқ” ҳам феъл туркумидаги синонимик 培 rei ва 养 yang компонентларнинг тенг боғловчи модели асосида вужудга келган.

**外交人员人身不可侵犯 waijiao renyuan renshen buke qinfan** “дипломатик корпус вакилининг даҳлсизлиги”даги 侵犯 qinfan “хужум қилмоқ, тажовуз қилмоқ” (хужум қилмоқ + тажовуз қилмоқ) тенг боғловчи модель асосида тузилган. Буни ташкил қилувчи икки компонент ҳам феъл туркумига оид: 侵 qin “хужум қилмоқ” ва 犯 fan “тажовуз қилмоқ” ва улар синонимик боғланиш натижасида феъл туркумидаги с 侵犯 qinfan “хужум қилмоқ, тажовуз қилмоқ”ни ҳосил қиласди.

**外交人员免除查验** waijiao renyuan mianchu chayan “дипломатик ходимларнинг текширувдан озод этилиши”даги **查验** chayan “текширмоқ” сўзининг (текширмоқ+изланмоқ) компонентлари бўлмиш **查** cha “текширмоқ” ва **验** yan “изланмоқ” ўзаро синонимик равища тенг боғловчи модел бўйича бирлашиб феъл туркумидаги **查验** chayan “текширмоқ”ни ҳосил қиласди.

**外交庇护** waijiao bihu “дипломатик бошпана” терминидаги **庇护** bihu “яширмоқ” сўзи (яширмоқ + ҳимояламоқ, яширмоқ) ҳам тенг боғланиш модели бўйича тузилган. Унинг синонимик компонентлари **庇** bi “яширмоқ” ва **护** hu “ҳимояламоқ, яширмоқ” ўзаро тенг бирлашади ва натижада феъл туркумига оид **庇护** bihu “яширмоқ” ҳосил бўлади.

**外交承认** waijiao chengren “дипломатик эътироф” терминидаги **承认** chengren “эътироф этмоқ” сўзи (эътироф этмоқ + тан олмоқ) ҳам айнан юқорида кўрсатилган таъриф бўйича ҳосил бўлган.

Тенг боғланиш моделининг синонимик негизлардан ҳосил бўлган феъллар отларга мансуб бўлиш хусусиятига ҳам эга. Бу ҳодисага тилшунослар эътибор қаратган<sup>132</sup>. Дипломатик терминларга ҳам ушбу ҳодиса таалуклидир. Масалан:

**监查** jiancha “текшириш” – «текширув»

**赔偿** peichang “қайтариб бермоқ” – “контрибуция”

**承认** chengren “тан олмоқ” – «эътироф»

**保护** baohu “ҳимояламоқ” – “ҳимоя” ва ҳ.к.

**联合国** lianheguo “БМТ” сўзидаги **联合** lianhe “қўшма” сўзи (қўшма + уюшган) тенг боғловчи модель бўйича сифат туркумига тегишли **联** lian “қўшма” ва **合** he “уюшган” компонентларнинг тенг боғловчи модель бўйича бирлашуви натижасида ҳосил бўлган.

**秘密电信** mimi dianxin “махфий телеграмма”даги **秘密** mimi “махфий” сўзи (махфий + махфий) ҳам сифат туркумидаги **秘** mi “махфий” ва **密** mi “махфий” синонимик компонентларнинг ўзаро тенг бирлашуви натижасида вужудга келган.

Ушбу модель ёрдамида икки бўғинли ёрдамчи сўзлар ҳам ҳосил бўлади, жумладан олд кўмакчи ва боғловчилар. Масалан:

**自从** zicong - “...дан бери” (...дан, ...бошлаб + ...дан)

**按照** anzhao – “...га кўра” (...га кўра + ...га кўра)

**假设** jiashe – “агарда” (агар таҳмин қилинса + агарда)

<sup>132</sup> Солнцев В.М.Очерки по современному китайскому языку.- М.,1957. – 85 б.

中华人民共和国 Zhonghua renmin gongheguo XXP терминидаги 人民 renmin “халқ” сўзи таркибидаги 民 min “халқ, миллат” морфемаси.

**微笑外交** weixiao waijiao “таббасумли дипломатия” терминидаги 微笑 weixiao “кулгич” сўзи таркибидаги 微 wei “кичик” морфемаси ва ҳ.к. Хуллас, дипломатик терминларининг ҳосил бўлишида копулятив ёки teng боғловчи модель унумдор модельлардан биридир.

### 3.2.4 Композиция усулининг феъл - объектли модели

Феъл - объектли структураси бўйича тузилган конструкциялар одатда икки компонентдан (АБ) иборат бўлади Биринчи компонент (А) транзитив феъл бўлиб, иккинчи компонент (Б) от туркумидаги сўздир.<sup>133</sup> Иккинчи компонент биринчи компонент билан ифодаланган ҳаракат объектини билдиради, яъни Б→А. Мазкур конструкциянинг ўзига хос хусусиятларидан бири - ажралувчанликка мойиллиги, яъни турли матнда биринчи ва иккинчи компонентлар орасида натижа, ҳолни оғодаловчи қўшимча элементлар қўйилиши мумкин. Масалан, 念了三年的书。Nian le san nian de shu. Уч йил ўқиди. (ўқимоқ + ўтган замонни оғодаловчи элемент + уч+ йил+ қўшимча+ китоб ) 念书 Nian shu “ўқимоқ, таҳсил олмоқ” маъносига эга.

Терминларнинг ясалишида феъл - объектли модельнинг ўрни ва аҳамияти ҳам сезиларли. Ушбу модель 4 термин билан номланади. Уларга куйидагиларни киритиш мумкин:

**动宾式** dong bin shi “феъл - объектли модель”;

**谓宾式** wei bin shi ёки **述宾式** shu bin shi “предикат - объектли модель”;

**支配式** zhi pei shi “бошқарувли модель”;

**动宾式** dong bin shi “феъл - объектли модель” терминини таҳлил этган ва амалиётда қўллаган тилшунослар қаторига Лу Чживей, Чжан Цзин, Гао Венда, Цуй Фуюань ва бошқаларни киритса бўлади<sup>134</sup>.

**谓宾式** wei bin ёки **述宾式** shu bin “предикат - объектли модель” терминини Жень Сюэлян, Цзинь Шаочжи, Хуан Божун ва Ляо Сюйдун,

<sup>133</sup>. Антонян К.В. Морфология результативных конструкций в китайском языке.- М.: Муравей, 2003.- 184 б.

<sup>134</sup> Лу Чживей. Ханьюй де гоуцыфа..- Пекин, 1957.- 160. б.

Чжан Цзин. Сяньдай ханьюй. - Шанхай, 1984.- 306 б.

Гао Венда, Ван Литин. Сведения по лексике. - Цзинань, 1962. – 175 б.

Цуй Фуюань. Примеры и толкования словообразования современного китайского языка. - Цзинань. 1958. – 74 б.

Чжу Деси, Фан Юйцин кенг қўллашади. Чжан Чжигун, Гао Минкай, Ли Цзинси ва Лю Шижу, Чжан Шоукан, Ху Шуанбао, Ху Юйшу ва бошқалар ушбу модельни 支配式 zhi pei shi “бошқарув модели” деб номлашган.

Феъл - объектли модель бўйича сўз ясаш механизми қуйидагига асосланади: биринчи феъл негизи иккинчи от туркумидаги негиз билан феъл - объектли муносабатга киради. Бу ерда феълли негиз от туркумидаги негиз устидан назорат қиласади<sup>135</sup>. Лекин баъзи тилшунослар ушбу модель бўйича тузилган сўзнинг биринчи негизи сифат туркумидаги сўзлардан тузилган бўлиши мумкинлигини эътироф этган ҳолда, ушбу модельни “предикатив объектли модель”, деб атасади. Рус олимлари ушбу модельни “объектли” модель, деб номланганлар<sup>136</sup>. Объектли модель бўйича тузилган сўзлар турли сўз туркумларига тегишли бўлиши мумкин, лекин асосан ушбу модель ёрдамида феъл туркумидаги сўзлар ҳосил бўлади<sup>137</sup>.

Қуйида мазкур модель ёрдамида терминлар ясалишини кўриб чиқамиз. 道歉 daoqian –“кечирим сўрамоқ” (сўзламоқ + кечирим) термини феъл- объектли модель бўйича ҳосил бўлган. Уни ташкил қи́лувчи 道 dao “сўзламоқ” феъл туркумига оид бўлиб, у от туркумидаги 教 qian “кечирим” билан бирлашган.

进口 jinkou – “импорт қилмоқ”(олиб кирмоқ + озиқ - овқат) хам феъл-объектли модель бўйича тузилган. Унинг таркибидаги 进 jin “олиб кирмоқ” феъл туркумига оид бўлиб, у от туркумидаги 口 kou “озиқ - овқат” билан бирлашиб феъл туркумидаги 进口 jinkou “импорт қилмоқ” терминини ҳосил қилган.

Терминларда юқорида тавсифланаётган модель бўйича кўплаб от туркумидаги сўзларнинг ҳосил бўлиши кўзга ташланади. Масалан:

<sup>135</sup> Цзинь Шаочжи. Лексика. - Пекин, 1963.- Б. 316

Жен Сюэлян. Словообразование китайского языка. - Пекин, 1981.- 270 б.

<sup>136</sup> Земская Е.А. Современный русский язык: Словообразование. - М., 1973.- 304 б.; Исаенко Б.С. К проблеме границ китайского слова. Опыт китайско – русского фонетического словаря. - М., 1957.- 241-318 б.;

Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка.- М., 1968.-400 б.;

Солнцев В.М. Очерки по современному китайскому языку.- М., 1957. – 204 б.;

Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка.- Новосибирск, 1981.- 132 б.

<sup>137</sup> Ли Цзинси, Лю Шижу. Учебные материалы по грамматике китайского языка.- Пекин, 1959.- 595 б..

**屈辱外交** quruwaijiao “дискриминация (камситиш) дипломатияси” таркибидаги **屈辱** quru “камситиш” феъл - объектли модель бўйича ҳосил бўлган. Унинг таркибидаги **屈** qu “эгмоқ, буқмоқ” феъл туркумига оид бўлиб, у от туркумидаги **辱** ru “шармандалик” билан бирлашиб, феъл-объектли моделдаги **屈辱** quru “камситиш”ни ҳосил қилган.

**领事机关工作人员** lingshijiguangongzuorenuyan “консулхона ходимлари” бирикмасидаги **领事** lingshi феъл - объектли модель бўйича тузилган бўлиб, “консулхона” маъносида ишлатилган. Уни ҳосил қилувчи **领** ling компоненти “олиб бормоқ, бошқармоқ” маъносини билдириса, **事** shi компоненти “иш” маъносини билдиради, яъни “бошқармоқ + исх”.

**教育参赞** jiaoyucanzan “таълим-тарбия ишлари маслаҳатчиси” термини таркибидаги **教育** jiaoyu “таълим-тарбия” феъл-объектли модель асосида тузилган. Уни ҳосил қилувчи **教** jiao “ўқитмоқ” феъл туркумига оид бўлиб, у от туркумидаги **育** yu “тарбия” билан бирикиб **教育** jiaoyu “таълим-тарбия”ни ҳосил қилган.

**领袖** lingxiu “дуайен” таркибидаги **领** ling “бошқармоқ” феъл туркумидан бўлиб, у от туркумидаги **袖** xiu “енг” билан бирлашган.

**顾问** guwen “референт”ни ҳосил қилувчи феъл туркумидаги **顾** gu “ҳисоблашмоқ” от туркумидаги **问** wen “савол” билан бирлашиб, феъл - объектли моделга доир **顾问** guwen “референт” терминни ҳосил қилган.

**领事** lingshi “консул” таркибидаги **领** ling “бошқармоқ” феъл туркумидаги **事** shi “иш” от туркумидаги сўз билан ўзаро феъл - объектли муносабатдадир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, дипломатик терминларнинг яратилишида феъл - объектли моделнинг ўрни ва аҳамияти сезиларли. Ушбу модел бўйича дипломатия соҳасидаги феъл туркумига ва от туркумига оид терминлар ҳосил бўлиши кўзга ташланади.

### 3.2.5 Аффиксация

“Аффиксация – 1. Умуман, асосга аффикс қўшиш, аффикс ёрдамида сўз ёки шакл ясалиши: (сўроқ (сўра+қ) – сўз ясалиши, сўради (сўра + ди) шакл ясалиши”<sup>138</sup>.

Хитой тилида аффиксация усули сўз қўшиш усулидан сўнг иккинчи ўринда туради. Лекин терминларнинг ясалишидаги самарадор-

<sup>138</sup> Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 20 б.

лигига кўра сўз қўшиш ва ўзлаштириш усулларидан кейинги ўринни эгалайди.

Тилшуносликда аффиксация ва яримаффиксация усуллари икки хил мустақил усуллар сифатида ўрганилади. Ушбу икки усулнинг бир-биридан фарқи шундаки, биринчи усул ёрдамида сўзлар ва сўз негизлари асосида янги сўзлар ҳосил бўлади, иккинчи усулда эса яримаффикслар ёрдамида янги сўзлар ҳосил бўлиши кузатилади. Аффиксация усули сўз ясалишининг морфологик усулига, яримаффиксация усули эса сўз ясалишининг лексик морфологик усулига киради<sup>139</sup>.

Аффикслар грамматик маънога эга бўлган морфемалардир. Аффикслар ўз ичига префиксlar, суффикслар ва яримсуффиксларни олади<sup>140</sup>. Аффикслар ва яримаффикслар фарқланиш масаласи В.Цыкин, И.Жданкин, О.Фролова ва Жень Сюэлян томонидан ўрганилган<sup>141</sup>.

Хитой тилшунослари орасида қайси морфемаларни префиксlar (前缀 qianzhui) деб қабул қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳусусида турлича ёндошувлар мавжуд. Лу Чживей хитой тилида фақат учта 第 di , 老 lao ва 小 xiao префиксlar мавжуд, деб қўрсатади<sup>142</sup>. Дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида 第 di префикснинг ишлатилиши кузатилади. Масалан, 外交人员 , 机构 гурухига киравчи 第一秘书 , 第二秘 , 第三秘书, 第一(二。。。六)委员会 diyi (er...liu) weiyuanhui «биринчи (иккинчи...олтинчи) қўмита» кабиларда 第 di префикснинг ишлатилиши кузатилади. Ушбу префикснинг эквиваленти сифатида 等 deng префикси ҳам қўлланилади, лекин бу префикс “даражা” маъносига ҳам эга: 一等秘书 yidengmishu “биринчи (даражали) котиб” , 二等秘书 erdengmishu “иккинчи (даражали) котиб” , 三等秘书 sandengmishu “учинчи (даражали) котиб” ва х. к.

Дин Шеншу “Хитой тилида фақат 第 di , 老 lao ва 打 da префикслари мавжуд бўлиб, 自 zi “ўзим”, 相 xiang “ўзаро” ва 反 fan “анти” аффиксларга ўхшашдир”, деб таъкидлаган<sup>143</sup>. Ушбу фикр хитой

<sup>139</sup> Горелов В.И. Лексикология китайского языка. - М., 1984. – 50 б.;

Цыкин В.А. Именное словообразование в современном китайском языке. - М., 1980.

<sup>140</sup> Семенас А.Л. Лексика китайского языка.- М.: «Муравей», 2000.- 89 б.;

<sup>141</sup> Цыкин В.А. Полуаффиксация в системе китайского словообразования. - Вопросы языкознания, 1979, № 5. - 45 б.;

Жданкин И.В. Слова единицы речи в китайском языке. - М., 1986.-78 б.;

Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. - Новосибирск, 1981.- 56 б.

<sup>142</sup> Лу Чживей. Словообразование китайского языка. - Пекин, 1964. – 164 б.

<sup>143</sup> Дин Шеншу и др. Лекции по грамматике современного китайского языка . - Пекин,

тилида аффиксация йўли билан ҳосил бўлган терминларга мос келади ва 反 fan “анти” аффикси, 第 di префикси кўпроқ кузатилади. 反 “қарама-қаршилик, антагонизм” маъносига қўлланилиб, ўзбек тилидаги “акс(и)-, анти-” префикс маъносига яқин.

Жен Сюэлян фикрига қараганда, сўз ясовчи 反 fan “анти” морфемаси – префикс – калька бўлиб, инглиз тилидан ўзлаштирилган<sup>144</sup>. Масалан, 反对票 fanduipiao “қаршилик овози”, 反击 fanji “қарши зарба”<sup>145</sup>, 反民主 fanminzhu “антидемократик”, 反冲击 fanchongji “қарши ҳужум” ва ҳ.к. Шу билан бирга, Жен Сюэлян 反击 аффиксал сўз эмас, балки мураккаб сўз деб хисоблайди. Кўриб турганимиздек “反” турли хитой тилшунослари томонидан ёки аффикс ёки префикс-лар қаторига таалукли деб, хисобланмоқда. Масалан, Дин Шеншу ва Чжао Юанъжэнъ “反” - аффикс, Жен Сюэлян эса “反” – префикс, деган фикрларни билдиришган. Терминларнинг ясалишида “反” кўпроқ префикс эканлиги кўзга ташланади, чунки келтирилган мисолларнинг барчасига у терминларнинг бош қисмида келмоқда.

Чжао Юанъжэнъ “янги аффикслар” тушунчасини ўртага ташлаб, улар қаторига 不 bu “-эмас”, 非 fei “-эмас”, 无 wu “-эмас”, 反 fan “-анти”, 单 dan “моно-”, 多 duo “-поли” каби аффиксларни киритган.<sup>146</sup> Уларни қўйидаги мисоллар орқали таҳлил қилиб чиқамиз:

➤ 多 duo кўпфункцияли равиш (сифат) бўлиб, хитой тилида 多 duo сўз ясовчи префикс вазифасига кўп қўлланилиб, мавхум маънода қўлланиши кузатилади. Дипломатик терминларда 多 “поли-” префикс ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сони анчагина. Ушбу аффикс “икки ва ундан ортиқ” маънода қўлланилиб, сўзлар негизи билан бирниб келади. Масалан, 多边公约 duobian gongyue “кўптомонлама конвенция”, 多边国际公约 duobian guoji gongyue “кўп томонлама халқаро конвенция”, 多边条约 duobian tiaoyue “кўптомонлама шартнома”, 多种纤维协定 duozhong xianwei xieding “кўп тармоқли битим”. Келтирилган терминларда 多 префикснинг лексик маъноси сусайиб, “кўп, катта миқдор” маъноларда ишлатилиши кузатилади;

➤ 单 dan “моно -” префикс 多 duo “ поли -” префикс антоними сифатида факат бир дипломатик термин таркибида учради: 单边条约 danbian tiaoyue “бир томонлама шартнома”;

➤ 不 “bu” “-эмас” префикс ёрдамида қўйидаги

1979.-37 б.

<sup>144</sup> 任学良。汉语词语法。-北京，1981。-43 б.

<sup>145</sup> (任学良。汉语词语法。-北京，1981。-44 б.)

<sup>146</sup> Чжао Юанъжэнъ. 北京口语语法, 1974.- 37 б.

терминлар ҳосил бўлган: 不干涉 bu ganshe “аралашмаслик”, 不友好行动 bu youhao xingdong “дўстона бўлмаган харакат”, 不平等条约 bu pingdeng tiaoyue “хуқуқий тенгсизликка асосланган шартнома”, 不妥协 bu tuoxie “йўл қўймаслик” ва х. к. Ўз табиати бўйича 不 “bu” “инкор этиш” маъносини ифодалайди. Ушбу маънони юқоридаги мисолларда ҳам кўриш мумкин;

➤ 无 wu “-эмас, - но” префикси ёрдамида ясалган терминлар сони ҳам кам эмас. Ушбу префикс ёрдамида ҳосил бўлган терминларда “бирор нарсага эга бўлмаслик” маъноси мажассамлашган. Масалан: 无国籍 wuguoji “фуқароликга эга бўлмаслик”, 无国籍者 wuguojizhe “фуқаролиги бўлмаган шахс”, 无限期休会 wuxianqi xiuhui “номаълум муддатли танаффус”, 无记名投票 wujiming toupiao “яширин тарзда овоз бериш”;

➤ 非 fei “но-” префикси ҳам 无 wu “-эмас” префикси маъносига яқин. Унинг ёрдамида қўйидаги дипломатик терминлар ҳосил бўлган: 非正式访问 feizhengshi fangwen “норасмий ташриф”, 非正式会议 feizhengshihuiyi “норасмий кенгаш”, 非正式译文 feizhengshi yiwen “норасмий таржима”, 非正式谈判 feizhengshi tanpan “норасмий музокаралар” ва х.к.

Хитой тилида суффикслар ва яримсуффикслар микдори префиксгар ва яримпрефиксгар сонидан анча кўп ва ўсиб бормоқда. Суффикс ва яримсуффиксларнинг аксарият қисми ёрдамчи сўзлардан ҳосил бўлган<sup>147</sup>.

Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида 员 yuan; 者 zhe; 家 jia; 官 guan ва 化 hua; 性 xing яримсуффикслари кенг қўлланилади. Уларнинг ичидаги 员 yuan; 者 zhe; 家 jia; 官 guan тилшунослар томонидан суффикслар ёки яримсуффикслар, деб қабул қилинган<sup>148</sup>. Аммо, айрим олимлар уларни сўз ясовчи морфемалар қаторида таҳлил қилишган<sup>149</sup>. 员 yuan этимологик келиб чиқишига кўра 员 yuan “ишлайдиган ёки таълим олаётган одам” маъносидаги негиз морфемаси билан боғлиқ<sup>150</sup>. Дипломатик лексикада 员 yuan; 者 zhe; 家 jia;

<sup>147</sup> Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка.- М.: Муравей, 2003.- 186 б.

<sup>148</sup> Чжао Юанъжэнь. 北京口语语法, 1974.- 98 б.;

Лу Чживей. Словообразование китайского языка. - Пекин, 1964. – 179 б.;  
Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М., 1984. – 54 б.

<sup>149</sup> Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка.- М.: Муравей, 2003.- 193-194 б.

<sup>150</sup>新华字典。-北京 , 1975。 - 524 б.

官 guan яримсуффикслари касб эгаси маъносини билдириб, шахсларга нисбатан ишлатилади. Масалан, 外交员 waijiaoyuan “дипломат”, 外交官 waijiaoguan “дипломат”, 外交家 waijiaoja “дипломат”. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар уч таржимада ҳам 员; 家; 官 бир ҳил маънони акс эттироқда ва гапда бир – бирининг ўрнида қўлланилиш хусусиятига эга. Бу эса ўз навбатида, уларнинг грамматиклашганлигидан далолатдир. Айнан шу яримсуффикслар ёрдамида дипломатик терминология соҳасида синонимия ҳодисасини кузатишмиз мумкин. Бундан 员; 家; 官 яримсуффикслар эмас, балки сўз ясовчи морфемалардир, деган холосага келиб, юқорида номлари қайд этилган олимларнинг фикрларига қўшилиш мумкин<sup>151</sup>.

Бироқ баъзи терминлар таркибида ушбу морфеманинг яримсуффикс вазифасида қўлланилиши кузатилади. Масалан, 代表团成员 dai-biaotuan chengyuanyuan “делегация аъзоси” да 成员 chengyuanyuan “аъзо” маънодаги қисмда 成“аъзо”ни ифодаловчи, 员 яримсуффикс вазифасида қўлланилиб, аъзо шахс маъносини беради.

观察员 guanchayuan “кузатувчи” (кузатиш + шахс), 记录员 jiluyuan “котиб”, 逐字记录员 zhuzi jiluyuan “стенографист”, 抄写员 chaoxieyuan “нусха кўчирувчи”, 交涉员 jiaosheyuan “дипломатик вositachi” (дипломатик фаолият + шахс) каби мисолларда 员 сўз ясовчи морфема вазифасида қўлланилган.

➤ 会员国 huiyuanguo «БМТга аъзо мамлакат» мисолида 员 морфема сифатида сўз негизида кела олиши, яримсуффикс сифатида эса бу хусусиятга эга бўлмаслигини кўриш мумкин;

➤ 认证者 renzhenzhe «аутентификация қилувчи шахс» мисолида 者 яримсуффикси қўлланилган. У этимологик келиб чиқишига кўра “шахс” маъносига эга. Ушбу яримсуффикснинг қўлланилиш доираси тилнинг нормаларига кўра ихчамлаштирилган. Масалан: 译者 yizhe “таржимон” деса бўлади. Лекин 抄者 chaozhe “нусха кўчирувчи” деийиш мумкин эмас, бу ўринда 抄录员 chaoluyuan терминини қўллаш ўринли<sup>152</sup>; 性 xing яримсуффикси мавхум маъноли сўзларнинг ясалишида қўлланилади. 性 яримсуффикси этимологик келиб чиқишига кўра “характер, хусусият, табиат” маъносидаги негиз морфемасидан

<sup>151</sup> Носирова С.А. Хитой тили сўз қўшиш усулида атрибутив моделининг ўрни ва аҳамияти (дипломатик терминлар мисолида)// ТошДШИ Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари мавзусидаги илмий – амалий конференция материаллари тўплами.- Т.,2005.

<sup>152</sup>Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка.- М.: Муравей, 2003.- 192 б.

хосил бўлган<sup>153</sup>. Ушбу яримсуффикс кўплаб терминларнинг ясалишида иштирок этади. Масалан: 限制性会议 xianzhixinghuiyí “тор доира-даги кенгаш”, 解释性备忘录 jieshixing beiwanglu “англашув меморандуми”, 解释性说明 jieshixing shuoming “баёнот”, 条约的实用性 tiaoyu-edе shiyongxing “шартноманинг қўлланилиши” ва ҳ.к.

➤ 化 hua яримсуффикси ҳам кенг қўлланилиб, ҳаракат, нарса – буюмнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши каби маъноларни ифодалайди. Ушбу яримсуффикснинг корреляти «айланмоқ» маъносидаги 化 hua негиз морфемаси ҳисобланади. Униг иштирокида қуйидаги терминлар ҳосил бўлган: 正常化 zhengchanghua “нормаллашув”, 中立化 zhonglihua “бетарафлашув”, 尖锐化 jianruihua “кескинлашув”. Келтирилган мисоллардан 化 яримсуффиксининг ўзбек тилидаги “-ув” қўшимчасининг эквиваленти сифатида ишлатилишини англаш мумкин.

**3.2.5.1** Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида аффиксациянинг роли ҳам катта. Префикслар, суффикслар ва яримсуффикслар ёрдамида терминларни ҳосил бўлиш самарадорлигини “汉乌俄外交词典” – 中国，，黑龙江，2004. 328 бет (“Хитой-ча-ўзбекча-русча дипломатик терминлар луғати”) асосида тузилган жадвалда кузатишимиз мумкин.

Луғатга киритилган терминларнинг умумий сони 1600 (100 %)					
Префикслар			Суффикслар ва яримсуффикслар		
иероглиф	сони	%	иероглиф	сони	%
第	3	0,1	员	79	4,9
等	3	0,1	者	6	0,3
反	1	0,06	家	3	0,1
非	9	0,5	官	9	0,5
无	5	0,3	性	3	0,1
多	15	0,9	化	6	0,3
不	10	0,6			
单	1	0,06			
超	1	0,06			
Жаъми	48	2,68		106	6,3

<sup>153</sup>Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М., 1984. – 59 б.

Таҳлил қуидаги асосий холосаларга асос бўлиши мумкин.

1. Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг ясалишида префиксlar сони суффикслар ва яримсуффикс миқдоридан кўп, қўлланилиш самарадорлиги суффиксация усулида анча юқори.

2. Сўз ясалиши усуллари ичida композиция усули ёрдамида ҳосил бўлган терминлар миқдори кўп, уларнинг катта қисми атрибутив модель ёрдамида воқеаланади.

3. Композиция усулининг копулятив модели бўйича ясалган терминлар компонентлари тенг боғловчилик муносабатда бўлади. Тенг боғланиш моделининг синонимик негизлардан ҳосил бўлган феъл сўз туркумiga хас терминлар от сўз туркумидаги сўзларга ҳам оид бўла оладилар. Тенг боғланиш модели бўйича икки синонимик негизлар ёрдамида тузилган сўзларни ташкил этувчи компонентлардан бири морфема вазифасини бажаради ва кўп ҳолларда сўз ясовчи вазифасида келади<sup>154</sup>.

4. Композиция усулининг феъл - объектли модели бўйича ясалган терминлар феъл ва от сўз туркумiga оид бўлиб, уларга хос хусусиятларидан бири – бу ажралувчанликка мойиллик, яъни турли контекст шароитларда биринчи ва иккинчи компонентлар орасида натижা, ҳолни ифодаловчи қўшимча элементлар қўйилиши мумкин.

5. Ўзлаштириш усули терминларнинг ясалишида композиция усулидан сўнг иккинчи ўринда туради. Бу ерда асосан семантик ўзлаштириш турининг кенгроқ қўлланилиши кузатилади.

6. Ўзга тилдаги сўзнинг хитой тилига сўзма - сўз “таржима” қилиниши ҳолати қўплаб терминларда мавжуд. Ўзлаштиришнинг бу тури “дипломатик фаолият”, “дипломатик ходимлар” лексик гурӯх терминларининг ясалишида кўп қўлланилиши кузатилади.

7. Аббревиация усули ёрдамида ҳосил бўлган терминлар содда 简称 jiancheng ва синтетик 合称 hecheng қисқартмаларнинг турли моделлари бўйича таҳлили қуидаги ҳолатларни аниқлашга ёрдам беради. Биринчидан, содда қисқартиришнинг (简称) 5 турдаги моделлари асосида тузилган аббревиатуралар терминларнинг тўлиқ формалар структураси билан мос келади. Иккинчидан, содда қисқартмалар модели ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сони синтетик қисқарти-

<sup>154</sup> Чжан Шоукан. “关于汉语构词法”.- Пекин, 1956.- 31 б.

Ли Цзиньси, Лю Шижу “汉语语法教材” - Пекин, 1957.- 523 –525 б.

Хуан Юэчжоу “语文知识” № 11.- Пекин, 1957.- 22 б

ришнинг (合称) 2 турдаги моделлари ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сонидан кўпроқ.

Аббревиация дипломатик ҳужжатларда кам учрайди. Зоро, аббревиатураларнинг кўп ишлатилиши таржима жараёнини муракаблаштиради ва ноаниқликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

8. Суффиксация, яримсуффиксация ва префиксация усулларининг “Дипломатик персонал”, “Дипломатик фаолият” мавзуй гурухларида кўп қўлланилиши кузатилади.

**化** hua яримсуффикси асосан бир ҳолатдаги нарса – воқеанинг бошқа ҳолатга ўтиши, **性** xing яримсуффиксинг эса мавхум маънодаги терминларни ҳосил қилишда кўп қўлланилиши кузатилади. **化** hua яримсуффикси ўзбек тилидаги “-ув” қўшимчасига мос келса, **性** xing яримсуффикси “хусусият” маъносига яқин.

Префиксlar: **第** di, **反** fan, **无** wu, **多** duo, **非** fei иштирокида ясалган терминлар микдоридан суффиксация ва яримсуффиксация усули ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сонидан ортиқ. Ушбу префиксlar ичида **反** fan “- эмас” ва **无** wu “- эмас” префикс маъно жиҳатидан яқин префиксlar ҳисобланади.

### Бўлим бўйича саволлар

1.Хитой тили дипломатик терминларини 7 лексик-семантик гурӯхга ажратишнинг тамойилларини тушунтириб беринг.

2.外交人员，机构 қандай терминларни қамраб олади?

3.外交特权与豁免 гуруҳига оид терминларни ёзинг ва изоҳланг.

4.外交代表机关管理 гуруҳининг асосий иш мажбуриятларини ёзинг.

5.外交事务；外交活动 терминларига ўзбек, рус ва инглиз тилларида дефиниция беринг.

6.联合国及主要国际组织 нинг расмий иш тиллари сифатида қайси тиллар қабул қилинган ва унинг сабаби нималардан иборат?

7.联合国及主要国际组织 таркибиға қандай халқаро ташкилотлар киради ва улар ҳақида нималар биласиз?

8. Дипломатик терминларни ҳосил бўлишида композиция усулнинг ўрни ва аҳамияти нимадан иборат?

9. Композиция усулининг атрибутив модели асосида ҳосил бўлган терминларни мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

10. Мураккаб терминларга қайси термин, бирикма ва ўзлашмаларни киритиш мумкин?

11. Атрибутив моделининг хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
12. “Феъл - объектли модель”ни кенг таҳлил этган ва амалиётда қўллаган хитой тилшуносларидан кимларни биласиз?
13. Феъл - объектли модель бўйича сўз ясаш қандай механизmlарга асосланади?
14. Феъл - объектли модельни асосий номларини изоҳлаб беринг.
15. Копулятив модельнинг дипломатик терминларини ҳосил бўлишидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
16. Аффиксация ва яrimаффиксация усулларинг фарқи нималардан иборат?
17. Ушбу фарқларни мисоллар билан исботланг.
18. Аффиксация ва аффикс терминларига дефиниция келтириング.
19. Хитой тилида нечта ҳақиқий префиксlar бор?
20. Чжao Юанъжэнъ “янги аффикслар” тушунчасини таснифини изоҳлаб беринг.
21. 不, 非, 无, 反, 单, 多 каби аффиксларни қўлланилиши ҳақида мисоллар келтириング. 第 қандай эквиваленти мавжуд?

#### **Амалий машғулот учун саволлар:**

1. “Хунци”, “Жэнмин жибао”, “Синхуа” ҳақида қисқача ахборот беринг.
2. Хитой давлат, партия, ҳукумат раҳбарлари ким? Уларини китоб, мақола, нутқлари ҳақида ёзма маълумот тайёрланг.
3. 协议 ва 协定 терминларини изоҳланг.
4. 哈 施舍 夫 色市卡日莫“汉乌俄外交词典” воситасида мавзу сўнггида келтирилган хулосаларга мисоллар келтиринг.
5. Хитой тилида редупликация ҳақида қисқача изоҳли тезис ёзинг.
6. Атрибутив модель бўйича ҳосил бўлган терминлар таркибидаги компонентларни тобелик алоқаларини мисоллар ёрдамида таърифланг.
7. Композиция усулида атрибутив моделининг кўп қўлланиладиган моделлардан бири эканлигига асосланган сабаблар келтиринг.
8. “汉乌俄外交词典” воситасида мавзу сўнггида келтирилган хулосаларга мисоллар келтиринг.

9. Композиция усулиниң дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида нималар биласиз?

10. Қўйидаги тўрт модельни изоҳланг ва ёзма мисоллар келтиринг.

并立式

并列式

连合式

并立式

11. Жен Сюэлян тенг боғловчи модель бўйича ҳосил бўлган сўзларни қўшилаётган компонентлар маъноларининг турига қараб қандай гурухлар тузган?

12. Бу тузилган гурухларнинг асосий белгилари нималардан иборат ва қандай турдаги ҳужжатларда қўлланилади?

13. Хитой тилида суффикслар ва яримсуффиксларнинг миқдорий нисбати қандай?

14. Дин Шеншу қайси префиксгарни асосий префиксгар деб атаган ва буни қандай исботлаган?

15. Суффикс ва яримсуффиксларнинг асосий қисми қандай сўзлардан ҳосил бўлган?

16. Лу Чживэй кўрсатиб ўтган префиксгарни изоҳланг.

17. Дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида 员, 者, 家, 官, 化, 性 яримсуффиксларининг қўлланишига мисоллар келтиринг.

18. “汉乌俄外交词典” воситасида мавзу сўнггида келтирилган хулосаларга мисоллар келтиринг.

#### **Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар:**

1. Ижтимоий-сиёсий соҳа терминлари асосида лексик-семантик классификация жадвалини тузинг. Ўзбек ва хитой тилларида мавжуд дипломатик терминларнинг ўзаро қиёсий таҳлилини амалга оширинг.

2. Дипломатик терминлар мавзусида илмий иш олиб борган олимлар ҳақида, уларнинг илмий ишлари ҳақида маълумот беринг.

3. Композиция усулиниң атрибути в модели асосида ҳосил бўлган ижтимоий-сиёсий соҳа терминларини таҳлил қилинг.

4. Дипломатик ҳужжат мисолида атрибутив модел асосида ҳосил бўлган терминларнинг миқдорий таҳлилини амалга оширинг.

5. Матбуот тили терминологиясида композиция усулиниң аҳамиятини терминлар мисолида ёритиб беринг.

---

“Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузища  
узоқ андиша керак ”  
**А. Қодирий**

#### **IV МАВЗУ. ХИТОЙ ТИЛИ ДИПЛОМАТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИДА ЎЗЛАШТИРИШ УСУЛИ ҲАМДА АББРЕВИАЦИЯНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Дарснинг ўқув мақсади:** хитой тили дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида ўзлаштириш усулининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилиш. Ўзлаштириш усулининг фонетик калька, семантический калька, гибрид усули ҳақида маълумотга эга бўлиш. Ўзлаштириш усулининг салбий ва ижобий ҳусусиятлари борасида билим ва кўникмага эга бўлиш, дипломатик ҳужжатлар билан ишлашда ўзлашма сўзларни таржима қилиш кўникмасини ҳосил қилиш, абревиация усули, унинг оддий ва синтетик тури ҳақида билим ва қўникмаларни ҳосил қилдириш, дипломатик терминларнинг шаклланишида абревиация усулининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, дипломатик терминлар мисолида абревиацияга таъсир этувчи омиллар ҳақида маълумотга эга бўлиш.

**Таянч тушунчалар:** лексика, ўзлаштириш, фонема, ўзлашма сўз, донор, реципиент, фонетика, грамматика, демография, тенденция, экспансия, глобаллашув, терминология, модернизация, унификация, комбинация, интеграл, трансформация, калька, семантический калька, этиологик калька, структурал калька, фонетик калька, фононидеограмма, лингвистик система, фонетик ўзлаштирма, тасниф, абревиация, абревиатура, қисқартма, қисқартма сўзлар, лексик қатлам, интеграция, оддий қисқартма, трансформация, компетенция, синтетик қисқартма, компонент, эмигрант, концептуал, иммиграция, глобаллашув, географик тил, тежамкор усул, когнитив усул, психология.

##### **4.1 Ўзлаштириш усули**

Маълумки, хитой тили лексикаси янги сўзларни ясаш услуби орқали бойиб, кенгайиб келган. Шу билан бирга, XX асрдан бошлаб хитой тилининг луғат таркиби чет тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига ҳам кенгайиб бормоқда. Хитой тилида улар 外来词 wailaici, яъни четдан кириб келган сўзлар, деб аталади.

А.Хожиев “ўзлаштириш - ўзаро таъсир, алоқа натижаси сифатида бир тил унсурларининг бошқа тилга ўтиши тушунилади”, деб кўр-

сатган<sup>155</sup>. Бир тилнинг иккинчи тилга таъсир этиши асосан фонетика ёки грамматикада эмас, балки айнан лексикада яққол кўринади. Бир қатор олимлар, хитой тилига кўпдан-кўп чет тил элементларининг кириб келиши салбий ҳодиса эмас, деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, ўзлаштирма элементлар тилга ижобий таъсир этиб, уни ихчамлаштиради ва жозибали бўлишга ёрдам беради<sup>156</sup>. Хитой тили донор тилга нисбатан реципиент, яъни қабул қилувчи тил вазифасини бажаради. Бу ерда донор, масалан, инглиз, француз ёки немис тили бўлиши мумкин. Хитой тилига кирувчи чет лексик бирликлар хитой тили ривожланиш тарихи қонун – қоидаларига биноан қайта ишловга учраган. Мисол учун, агар хитой тили фонетикасидаги товушларга ўзлаштирилган сўзларнинг товушлари мос келмай қолса, у ҳолда ўзлаштирилган сўзларнинг товушлари ўзgartирилади. Факат ана шундай қайта ишловлар туфайли ушбу сўзлар хитой тилига ўрнашади.

Атроф-муҳитни ҳимоя килиш, демография, эпидемия, эпизоотия, эпифитотия, оммавий қириш қуроллари тарқалишини олдини олиш, халқаро алоқаларнинг ривожланиши каби жараёнлар тилнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Масалан, 2003 йилни баҳор ойларида Хитойда аввал учрамаган грипп эпидемия характеристики олди. Жарён бошланишида Хитой, Гонконг ва Тайван оммавий ахборот воситалари бу эпидемияга *fei yan dian xing* (типик бўлмаган пневмония), деб ном бердилар. Кейинроқ, Гонконг олимлари эпидемиянинг келиб чиқишига сабаб бўлган вирусни аниқладилар, унинг табиатини ўргандилар ва унга “*yan zhong ji xing hu xi dao zheng hou qin*” (оғир ўткир респиратор синдроми) деган ном бердилар. Аммо бу медицина соҳасига оид ном оммавий ахборот воситаларини талабига мос эмас эди. Шу сабабли, Тайван оммавий ахборот органлари инглизча SARS (Severe Acute Respiratory Syndrome) аббревиатурасини қабул қилдилар. Хитойда эса бу касаллик оддийроқ термин *sa si bing* ёрдамида ифодаланди. Умуман олганда, Хитой терминология систе-

<sup>155</sup> А.Хожиев.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 105 б.

<sup>156</sup> Чжоу Цзумо. Ханьюй цихуй цзянхуа. - Пекин, 1962. – 7 б., Чжан Цзин. Цы, цыцзу, цзюйцзы. - Харбин, 1984. – 32 б.; Цзинь Шаочжи. Цихуй. - Пекин, 1963. – 8 б., Чжу Дэси. Юйфа цзяни. - Пекин, 1982. – 32 б., Чжан Шилу. Сяосюэ цихуй цзяосюэ цибенъ чжиши цзянхуа . - Ханчжоу, 1956. – 58 б., Yuen Ren Chao. A Grammar of Spoken Chinese. – Los Angeles, 1967.- Р.189., Янь Цзинсюањ. Ханьюй исюэзи гоуцифа. // Юйянь цзяосюэ юй янъцю. № 2. - Пекин, 1983. –89 б., Чжан Чжигун. Сяньдай ханьюй, 1 том. - Пекин, 1983. –38 б.;

маси кўпроқ модернизацияга учрамоқда ва хорижий тиллар билан нисбатан кўпроқ интеграллашмоқда. Тайван ва Гонконгда эса хитой тилини алоҳида ғамхўрлик, хушёрлик ва эътибор билан сақлаш тенденциялари нисбатан кучлироқ, деган мулаҳазалар ҳам йўқ эмас. Бу ерда икки ҳолат бор. Биринчидан - тил ривожланиши, иккинчидан - тилнинг ифлосланиши ва ўз моҳияти, мустақиллиги, жозибасини қисман ёки бутунлай йўқотиш хавфи.

Хитой тилида мавжуд бўлган замонавий терминларнинг кўпи ҳақиқатдан асл хитойча ёки асл хитойча сўз ва морфемалар комбинацияси (йифиндиси) кўринишида бўлсада, улар ўзга юртлардан кириб келган турли таълимотлар туфайли вужудга келган<sup>157</sup>. Бу ерда маҳсус илмий изланиш обьекти мавжуд, деса бўлади. Хан миллати сон жихатидан кўп миллат бўлганлиги сабабли (жаҳон ахолисининг 22% ташкил этади) хитой тили чет тиллардан кириб келаётган ҳар бир терминни транформациялайди, уни хитойчага имконият қадар яқинлаштиради, чет тил терминининг ўзига хос бирламчи хусусиятлари камаяди ёки бутунлай йуқолади.

#### **4.2 Семантик калька**

«Калька (calque – копия, тақлид). Ўзга тил материалидан қисма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги»<sup>158</sup>. Лексик, семантик, фразеологик калькалар бўлиши мумкин. Бошқа бир тилда мавжуд бўлган сўзниңг таъсири натижасида янги сўзниңг пайдо бўлиш ҳодисаси калька усулига ўзлаштиришнинг муҳим усули сифатида қарашга имкон беради.

Л.Блумфильд калькаларни чет сўзлар таржимаси ёки ўзга сўзлар билан ифодаланган мазмунни ўз тилида ифодалаш учун қўлланилган сўзларнинг танланиши, деб ёзган<sup>159</sup>. А.Реформатский қуйидаги фикрни билдирган: “Калькалар чет тилдаги сўзниңг қисмма-қисм таржимаси ёки таржима қилинган элементларнинг механик равища ўзаро қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган ибора, сўз. Шу тарзда калька усулини қўллаганда элементларнинг комбинацияси ўзлаштирилади, элементларнинг ўзлари эса ўзга тилдаги эмас, балки ўз тил материали

Иванов И.И. Терминология и заимствования в современном китайском языке. – М.: Наука, 1978.- 118 б.

<sup>158</sup> Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 47 б.

<sup>159</sup> Блумфильд Л. Язык. М., 1968.- 499-502 б.

бўлиб хизмат қилади”<sup>160</sup>. Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларни ясалишида сўз ўзлаштириш, фонетик ҳам семантик усулидан кенг фойдаланилади. А.Хожиев, семантик калька терминига шундай изоҳ берган: “Семантик калька – ўзга тилга оид сўз билдирадиган маънони ўзлаштириш натижасида ўз тилидаги сўзга шу маънони берилиши”,<sup>161</sup>.

Хитой тили дипломатик терминлар таркибида ўзлаштирма сўзларнинг кўпайиши турли миллат вакилларининг ўзаро алоқаларининг ривожланиши натижасида оғзаки ёки ёзма манбалар орқали вужудга келади.

В. Иванов ўзлаштиришни 3 турга бўлиб ўрганади:

1. Калькалар
2. Этимологик калькалар
3. Семантические калькалар<sup>162</sup>.

И.Зограф ўзлаштиришнинг 3 асосий тури сифатида қуйидаги ларни кўрсатиб ўтади.

1. Тўғридан – тўғри лексик ўзлашмалар.
2. Калькалаш усули.
3. Семантические ўзлашмалар<sup>163</sup>.

В.Горелов ўзлаштиришнинг калька усулини семантические ўзлаштириш, деб номлаган ва бу усул ёрдамида янги сўзлар ҳосил бўлишини таъкидлаган. У калькаларни икки турга бўлиб ўрганади:

- 1) структурал калька
- 2) этимологик калькалар<sup>164</sup>.

Юқоридаги ўзлашмалар туридан ташқари яна бир тур мавжудки, у ўзида ўзлаштиришнинг ҳам фонетик, ҳам семантические усулини мужассамлаштирган. Ч.Хоккет бу каби ўзлаштирмани “аралаш ўзлаштирма” (loan blends) деб атаган<sup>165</sup>. З.Новотна эса уларни гибрид сўзлар (hybrid words) деб атаган<sup>166</sup>. Муаллиф гибрид сўзларни алоҳида ажратиб

<sup>160</sup> Реформатский А. Введение в языкознание. - М., 1955.- 116 б.

<sup>161</sup> Хожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 9 ва 142 б.б.

<sup>162</sup> Иванов И.И. Терминология и заимствования в современном китайском языке. – М.: Наука,1978.- 118 б.

<sup>163</sup> Зограф И. Монгольско – китайская интерференция (язык монгольской канцелярии в Китае). – М.: «Наука», 1984. – С. 38.

<sup>164</sup> Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М., 1978.- 114 б.

<sup>165</sup> Hockett C.F. A course in Modern Linguistics. - New York, 1963.- 46 б.

<sup>166</sup> Novotna Z. Contributions to the study of Loan words and hybrid words in Modern Chinese. - “ Archiv Orientalni” vol. 37. , 1969.- 17 б.

ўрганмай, балки уларни калька ёки фонетик ўзлашмаларнинг бир тури сифатида кўриб чиқишига ўз эътиборини қаратган. Дипломатик терминларининг асосий қисми ўзлашириш усулининг семантик калька тури ёрдамида ўзлашган сўзлардан иборат. Масалан, “элчи” “大使” dashi (“катта вакил”) термини билан ифодаланган. Ушбу сўз дипломатик вакилнинг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган киши: “Фавқулодда ва Мухтор Элчи”. Хитой тилидаги эквиваленти эса “бошқа бир давлатга юборилган юқори мартабали дипломатик вакил” деган маънога эга<sup>167</sup>. Қадимги хитой тилида “大使” dashi сўзи “эмиссар, фавқулодда вакил, бошқарувчи” маъносига қўлланган.

Профессор X.Дадабаев умумтуркий термин бўлмиш “элчи” сўзининг этимологик таҳлилини берадётганда “элчи” сўзи дастлаб бир неча маънода ишлатилганлигини таъкидлайди: “йалавач” “элчи, Пайғамбар” маъносига. Дастлаб ушбу сўз Олтин-Кўл, Урхун - Энасой археологик битикларда “йалавач” шаклида учраган<sup>168</sup>. “Элчи” сўзи асл маъносига, яъни а) элнинг ҳукмдори; в) хабар етказувчи маъносига дастлаб XII–XIV асрлар ёдгорликларида учрайди<sup>169</sup>. У XII-XIV асрларда уйғур тилида тузилган ҳукуқий хужжатларда қайд этилган. “Қутадғу билиг”да “элчи” сўзи “эл ҳукмдори” маъносига ишлатилган. Профессор X.Дадабаев келтиришича “элчи”, “илчу” “махсус масалалар бўйича юборилган расмий вакилдир”<sup>170</sup>.

Р.Будагов, А.Кононов, Э.Севортянларнинг таъкидлашича “элчи” сўзи дастлаб “хабар етказувчи” маъносига қўлланилиб, шахснинг дипломатик статусга эга бўлганлигидан далолат беради. “Атташе” сўзи ҳам хитой тилига семантик калька усули ёрдамида “专员” zhuanyuan «махсус вакил» шаклида ўзлаштирилган.

“Атташе” сўзи французча “бириктирилган” маъносига қўлланилган. Ушбу сўзининг ўзбек тилидаги асосий маъноси:

1) Дипломатик лавозим

2) Ҳарбий атташе – маълум бир давлат Мудофаа вазирлигининг мазкур давлатнинг элчихонасидаги шахс<sup>171</sup>. Ушбу термин хитой тилига таржима қилиниши жараёнида юқоридаги маънони ифодаловчи

<sup>167</sup> 现代汉语词典.- 高务印书馆 , 北京 , 1998.- 236.

<sup>168</sup> Дадабаев X. Общественно – политическая и социально экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV в.в. - Т., «Ёзувчи», 1991. – 103 –107.

<sup>169</sup> Кўрсатилган асар. – 103 –107 б.

<sup>170</sup> Кўрсатилган асар. – 103 –107 б.

<sup>171</sup> 现代汉语词典. - 高务印书馆 , 北京 , 1998. - 1336 б.

морфемаларнинг бирлашуви натижасида ҳосил бўлган. Хитой тилида ҳам “**专员**” zhuan yuan калька усули ёрдамида сақланиб қолган.

Хитой ва ўзбек тилларида “атташе”, “**专员**” турли сўзлар билан биргаликда бирикмаларни ҳосил қиласди. Масалан, ҳарбий атташе “**武官**” wuguan; қуруқликдаги қўшинлар ҳарбий атташеси **空军武官** kongjun wuguan; ҳарбий денгиз флоти атташеси **海军武官** haijun wuguan; савдо атташеси **商务武官** shangwu wuguan ва ҳ.к.

“**国务卿**” guowuqing “давлат котиби” маъносидаги термин Европа ва Американинг бир неча давлатларида “олий давлат амалдорларининг номи” маъносида қўлланилган ҳолда семантик калька усули ёрдамида ўзлаштирилган. Масалан: “АҚШ Давлат Департаменти раҳбари”. Айнан шу маъно хитой тилида ҳам “**国务卿**” guowuqing сўзида сақланиб қолган, яъни бу ерда ҳам терминнинг манба тилдаги маъноси ўзлаштираётган тилга кўчиб келган<sup>172</sup>. “**国务卿**” guowuqing “давлат котиби” инглиз тилидан ўзлаштирилган бўлиб, унинг кўриниши “secretary of state”дир, асл маъноси ҳам хитой тилига кўчиб ўтган.

**参赞** canzan “маслаҳатчи” рус тилидаги “советник” сўзининг семантик калька усули ёрдамида ўзлаштирилган шаклидир. “Советник” сўзининг рус тилидаги “мартабали шаҳсларнинг номи” маъноси хитой тилидаги **参赞** canzan терминига кўчиб ўтган. **参赞** ҳам турли сўзлар билан бирлашиб, кўплаб сўз бирикмаларининг ҳосил бўлишида иштирок этган. Масалан, **文化参赞** маданият ишлари бўйича маслаҳатчи; **行政参赞** маъмурий ишлар бўйича маслаҳатчи; zhengwu canzan сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи ва ҳ.к.

**外交大臣** waijiao dachen “ташқи ишлар бўйича юқори мансабдор шахс” термини Буюк Британияда қўлланиладиган термин бўлиб, ушбу сўз хитой тилига кириб келган. Унинг манба тилдаги асл маъноси ҳам тўла сақланган ҳолда хитой тилига “таржима” қилинган.

**顾问** guwen “референт” термини ҳам хитой тилига ўзлаштиришнинг семантик калька усули ёрдамида кирган. “Референт” (лот. “referens” “хабар қилувчи, маълумот берувчи”) сўзидан олинган бўлиб, хитой тилида “муайян масалалар юзасидан ахборот, маълумот, маслаҳат берувчи масъул шахс” маъносини беради. “Референт”нинг манба тилдаги маъноси хитой тилига тўғридан - тўғри “таржима” қилинган. У ҳам турли лексемалар билан сўз бирикмаларини ҳосил қилган. Масалан, **法 顾问** fa guwen ҳуқуқий масалалар бўйича референт; **代表团法顾问** daibiaotuan fa guwen делегация референти; **联合国法顾问**

<sup>172</sup> 现代汉语词典. - 高务印书馆 , 北京 , 1998. -482 б..

lianheguo fa guwen БМТдаги ҳуқуқий масалалар бўйича референт ва ҳ.к.

**領事** lingshi “консул” ўзлаштиришнинг семантик калька усули ёрдамида хитой тилига кириб келган. “Консул” (лот. “consul” “масла-хатчи”) сўзидан олинган бўлиб, қадимги Римда “олий мансабдор шахс” маъносига қўлланилган. Хитой тилидаги маъносига “бирор-бир давлат ҳукумати томонидан бошқа-бир давлатга юборилган, ўз мамлакати ва фуқароларининг ҳуқуқларини, иқтисодий манбаатларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс.” Кўриниб турибдики, **領事** lingshi “консул”нинг манба тилдаги маъносига хитой тилидаги маъносига ўхшаш. Бу ҳолат семантик калька усулининг сўз маъносини ифодалашдаги афзаллигини кўрсатади. Юқоридаги мисоллар манба тилдан хитой тилига калька усули ёрдамида ўзлаштириш жараёнида сўзниг маъносига, гапдаги вазифаси, қайси сўз туркумига оидлиги ўзлаштираётган тилда сақланиб қолишини кўрсатади. Масалан, **參贊**, “大使”, **顾问** нинг гапдаги вазифаси ўзбек ҳам хитой тилларида бир хил, яъни улар икки тилда от сўз туркуми сифатида келган.

“Дипломатия” термини хитой тилига калька усули ёрдамида **外交** waijiao шаклида таржима қилинган. Унинг таркибидаги 外 “ташқи”, 交 “алоқа” маъносига бўлиб, “ташқи алоқалар” маъносини беради.

“Дипломатия”нинг ҳозирги кўриниши французча “diplomatie”-дан олинган бўлиб, давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, чет элда ҳуқуқ ва манбаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги расмий фаолият, деган маънони акс эттиради<sup>173</sup>. Бошқа бир манбада келтирилишича, **外交** инглиз тилидаги “diplomacy” дан ҳосил бўлиб, юонча “diploma” «хужжат олиб юрувчи инсон»дан келиб чиқкан. Дастрраб ушбу сўзниг ташқи алоқалар маъносидаги “дипломатия” тушунчасига алоқаси бўлмаган ва у дипломатик хужжат маъносини билдирган. Кейичалик “diploma” вакилнинг бошқа давлат ҳукмдорига тақдим этадиган ёзма далили вазифасини бажарган. Ушбу хужжат мазмуни турли хил вакилларнинг имтиёз ва даҳлсизлигини таърифловчи жумлалардан иборат бўлган. Бундан ташқари “diploma” сўзининг грекча эквиваленти “хужжат нусхаси” маъносини билдирган<sup>174</sup>. Бундан кўриниб турибдики илк дипломатик хужжат айнан давлат ҳукмдори томонидан дипломатик вакилга топ-

<sup>173</sup> Абдуллаева А.А. Лексика сферы международных отношений . - Дисс., нац соис. уч.ст.канд.филол.наук. УМЭД.,- Т.,2003. - С.39

<sup>174</sup> 番新明。 外事使用文书大全。 - 北京 :世界知识出版社 , 1994。 -7 页。

ширилган, бошқа давлатларга ўзини, ўз давлатини таништириш максадига йўналтирилган хужжат бўлган. Юқоридаги таърифдан кўра 外交 - “ташқи сиёсат” маъносини акс эттирган, яъни ўзлаштиришнинг калька усули ёрдамида “таржима” амалга оширилганлиги кўзга ташланади.

Ўзлаштиришнинг семантик калька усули ёрдамида 受欢迎的人 shou huanyingde ren “персона грата”, яъни “мақбул шахс” ва 不受欢迎的人 bu shouhuanyingde ren “номақбул шахс” терминлари лотин тилидан хитой тилига ўзлаштирилган. Юқоридаги мисоллардан ташқари хитой тили дипломатия терминологиясида кўплаб бошқа терминлар ҳам ўзлаштиришнинг семантик калька усули ёрдамида ҳосил бўлган. Масалан, 援助国 yuanzhuguo “донор давлат” (援助 yuanzhu “ёрдам бериш” + 国 guo “давлат”); 骨牌理论 gupai lilun “домино назарияси” (骨牌 gupai “домино” + 理论 lilun “назария”); 屈辱外交 quru wajjiao “камситиш дипломатияси”(屈辱 quru “камситиш” + 外交 wajjiao “дипломатия”); 扩张主义 kuozhang zhuyi “экспансионизм” (扩张 kuozhang “босқинчилик” + 主义 zhuyi “-изм”кўшимчаси) ва ҳ.к.

#### 4.3 Фонетик калька

Л.Блумфильд фикрича: “Чет тил сўзининг ўзлаштирилишида албатта баъзи-бир товушларнинг ўзгариши юзага келади, бунга кўра чет тил сўзининг шакли ўзлаштираётган тилнинг фонетик хусусиятларига кўра ўзгаради. Фонетик ўзлаштириш жараёнида сўзловчилар ўзга тил товушларини ўз тилдаги фонемалар билан алмаштирадилар”<sup>175</sup>. Деярли барча тилларда фонетик ўзлашмаларнинг ва калькаларнинг ҳар хил турлари борлиги аниқланган<sup>176</sup>. Шу билан бирга, ўзлашмаларнинг аралаш шакллари ҳам мавжуд. Бу каби шаклларда ҳам фонетик ўзлаштирмалар, ҳам калькалар уйғунлашади. Лекин турли тилларда ўзлаштиришнинг у ёки бу тури қўлланилиши жиҳатидан миқдори турличадир. Хитой тилида калька усули асосан илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий терминология тизимида ишлатилади. Аммо фонетик ўзлаштирмаларнинг сони хитой тилида нисбатан кам<sup>177</sup>. Гао Минкай ва Лю Чжэнтанларнинг берган маълумотларига қараганда, хитой тилида инсон фаолияти билан боғлиқ европа, мўғул, манчжур, тибет

<sup>175</sup> Блумфильд Л. Язык. - М., 1968.-116 б.

<sup>176</sup> Семенас А.Л.. Лексика китайского языка. М.: «Муравей», 2000 - 76 б.

<sup>177</sup> Жуғрофий номлар, этнонимлар, атоқли отлар истисно тариқасида. Бу сўзлар хитой тилига фонетик жиҳатидан мослаштирилади.

тилларидан кириб келган 900 фонетик ўзлашмалар мавжуд. Мазкур муаллифлар томонидан санксрит тилидан кириб келган 200 яқин фонетик ўзлашмалар ҳам қайд қилинган<sup>178</sup>. Хитой тилида фонетик ўзлашмаларнинг микдори чекланганлигини мутахассислар турлича изоҳлашади<sup>179</sup>. Бир гурух олимлар иероглифик ёзувнинг хусусиятлари ўзга тилдаги фонетик ўзлашмаларни ифодалашга тўсиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

Бошқа гурух тилшунослар эса бунга асосий тўсиқ, деб хитой тилининг фонетик тузилишини кўрсатишади. Масалан, Г.Габеленц “хитой тили иероглифик ёзуви ўзга тил товушларини ифодалаш учун унча мукаммал бўлмаган усулдир...”, деб айтади<sup>180</sup>. И..Кленин фикрига кўра, “хитой тилининг ўзга тил товушли ўзлашмаларини қабул қила олмаслигининг сабаби унинг иероглифик ёзувидадир”<sup>181</sup>. З.Новотна “Агар хитой тили келажакда янада мукаммаллашган хатни, яъни алфавитли хатни қўлласа, у ҳолда хитой тилининг лексик системаси четдан бўладиган таъсирларга очикроқ бўлади ва янада кўпроқ халқаро элементларнинг қабул қилаолади”, деб билади<sup>182</sup>. А.Шпринцин қуидаги фикрни билдиради: “Хитой тилига ўзга тилдан ўзлашмаларнинг кириб боришига асосий тўсиқ унинг лингвистик системаси эмас, балки унинг ёзув системасидир ”<sup>183</sup>. Иероглифлар чет тили ва хитой тили сўзларининг товушли таркибини ифодалашда қийинчилик туғ-

<sup>178</sup> Гао Мин – кай, Лю Чжен тань. Исследование заимствований в современном китайском языке. - Пекин, 1958.- 113 б.

<sup>179</sup> Гао Мин – кай, Лю Чжен тань. Исследование заимствований в современном китайском языке. - Пекин, 1958

Кленин И.Д.. Звуковые заимствования в современном китайском языке.// Труды военного института иностранных языков//- М., 1969, № 5

Чжан Цин-юань. Некоторые сведения, полученные в результате первичного анализа заимствований в современном китайском языке. –Шанхай : «Юйянсьюе луньцун», 1957, № 1.

Лю Цзесянь. Разве китайский язык не может иметь заимствований. – Пекин: «Чжунго юйвенъ», 1957, № 5.

Солнцев В.М.. Очерки по современному китайскому языку. - М.,1957.

<sup>180</sup> Gabelentz G.. Chinesische Grammatik. - Leihzig , 1881. – 21 б.

<sup>181</sup> Кленин И.Д. Звуковые заимствования в современном китайском языке. // Труды военного института иностранных языков.// - М., 1969, № 5.- 17 б.

<sup>182</sup> Novotna Z.. Contributions to the study of Loan words and hybrid words in Modern Chinese. - “ Archiv Orientalni” vol. 37. 1969. – 316 б.

<sup>183</sup> Shprintsin A.G.. Chinese-Russian Linguistic Contacts and Russian loan-words in Spoken Chinese. - “Contries and peoples of the Pacific Basin”( Summaries of articles by Soviet Scholars).- Moscow, 1971.- 78 б.

диради, чунки улар алоҳида товушлар ва ҳаттоки бўғинларни ҳам эмас, балки бир бўғинли сўзлар ёки бир бўғинли морфемаларни бир бутунлик сифатида ифода этолмайди. Хитой тилига ўзга тиллардан фонетик ўзлашмаларнинг кириб боришига тўсқинлик қилувчи омил - бу хитой тилидаги бўғиннинг морфологик (семантическ) маънога эга эканлигига, деб қабул қилиш мумкин. Иероглиф ёрдамида ифодаланган ҳар бир бўғин алоҳида бир маънога эга эканлиги боис, иероглифнинг ўзи у ёки бу маъно билан ўзаро боғланади ва фақатгина бўғин (товуш)ларнинг фонетик ёзуви тариқасида қабул қилинмайди. Р.Форрест бу масала тўғрисида қўйидаги фикрни билдирган: “Хитойликларда бир товушни унинг маъносидан ажратган ҳолдаги кўринишда ёзиш усули мавжуд эмас. Аммо бу хусусият ҳар қандай тилнинг ёзувида бор. Масалан, бир қатор иероглифлар билан ифодаланган кўп бўғинли сўз ўқувчи учун қийинчилик туғдиради, чунки унда ушбу қатордаги ҳар бир иероглифнинг маъносини белгилаб чиқиш эҳтиёжи туғилади”<sup>184</sup>. Бу ҳақда З.Новотна “Хитой тилида сўзлашувчилар ўзлаштиришнинг бу туридан беҳабар ҳолда, ушбу сўзнинг график кўринишида умумий маънони ифодаламаган ёки нотартиб йиғма кўринишида бўлган ёзув белгиларнинг бир-бири билан маъно жиҳатидан боғлиқ бўлмаганлигини кетма-кетликдан кўради ҳолос”, деб кўрсатган ва “Хитой иероглифларнинг 90 %га яқинини ташкил этувчи хитой фонойдеограммалар ёзилган морфема билан аниқ бир семантический алоқада бўлади”, деб изоҳлайди<sup>185</sup>. Хитой тили ўзга тилдаги сўзни фонетик тарзда ўзлаштираётганда, ушбу сўзни бўғинларга бўлади ва ҳар бир бўғинни иероглиф ёрдамида ифодалайди, масалан: 诺贝尔基金会 Nuo bei er jijinhui «Нобель жамғарма фонд» сўз бирикмасидаги «Нобел» сўзи. 伊斯兰会议组织 Yisilan huiyi zuzhi «Ислом Конференцияси ташкилоти» бирикмасидаги «Ислом» сўзи ва ҳ.к. Иероглиф бўғинни унинг товушли ифодаси ва семантикални қўринишини тасвирлайди. Ҳар бир фонетик ўзлаштирилган сўз хитой тилида бўғинлар мажмуаси кўринишида бўлиб, ҳар бир бўғин ўз маъносига эга бўлади ва бу маъно қолган бўғинларнинг маънолари билан ва умуман бутун сўзнинг умумий маъноси билан мос келмайди. Иероглифлар ёрдамида ёзилган фонетик ўзлаштирмаларни ўқиганда хитойлик, авваломбор,

<sup>184</sup> Forrest R. A. The Chinese Language. - London , 1948.- 28 б.

<sup>185</sup> Novotna Z. Contributions to the study of Loan words and hybrid words in Modern Chinese. - “ Archiv Orientalni” vol. 37. 1969. – 316 б.

ҳар бир иероглифнинг маъносига ўз эътиборини қаратади, деб айтади Р.Форрест<sup>186</sup>.

Юқоридаги фикрлар асосида хитой тилида бўғинларга бўлиш ҳодисаси семантик маънога эга бўлганлиги туфайли бу тилга фонетик ўзлаштиrmалар кириб келиши чекланган бўлиши мумкин. И.Кленин фикрича, “Фонетик ўзлаштиrmаларнинг хитой тилига кириб боришининг чекланганлигининг сабаби хитой тилидаги сўзларни кўп қисми икки бўғиндан иборат эканлигидадир. Яъни кўп бўғинли сўзлар хитой тилида нисбатан кам учрайди, шу сабабли кўп бўғинли чет тил сўзлари хитой сўзининг табиатига мос келмайди ва қабул қилиниши қийин кечади”<sup>187</sup>. Умуман, хитой тилига фонетик ўзлаштиrmаларнинг қийинчилик билан кириб бориш жараёни И.Ошанин, В.Солнцев, Р.Форрест, И.Кленин, З.Новотна А.Шпринцин ва бошқа тилшуносларнинг ишларида кўришимиз мумкин. В.Солнцевни фикрича, “Хитой тилидаги бўғинлар миқдори ҳамда товушлар ўртасида ўзаро мослиknинг чекланганлиги бу тилга фонетик ўзлаштиrmаларнинг кенг миқёсда кириб боришига тўсқинлик қиласи”<sup>188</sup>.

Хитой тилида фонетик ўзлаштиришнинг 3 тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- тўлиқ фонетик ўзлаштиrmалар (сўзининг ҳар иккила тилда ҳам ўзаро тўлиқ шакли учрайди);
- тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштиrmалар - чет тил сўзининг талаффузи хитой тили вариандидаги сўзининг кўриниши, талаффузи билан яқин (ундош ёки унлилар ўзгариши ёки охирги ундошнинг тушириб қолдирилиши кузатилади );
- қисман фонетик ўзлаштиrmалар - хитой тилидаги чет тил сўзининг манба тилдаги сўзининг кўриниши ёки талаффузи билан қисман мос келиши (бу усулда ҳам унли, ҳам ундошлар ўзгариб, манба тилдаги ундошларга сўз ўзлаштирилаётган тилнинг унлиси қўшилиб келади)<sup>189</sup>.

Юқоридаги тасниф бўйича фонетик ўзлаштириш усулини дипломатик терминларнинг ясалишидаги ўрнини кўриб чиқамиз.

<sup>186</sup> Forrest R. A.. The Chinese Language. - London , 1948.- 45 б.

<sup>187</sup> Кленин И.Д. Звуковые заимствования в современном китайском языке. // Труды военного института иностранных языков.//. - М., 1969, № 5.- 203 б.

<sup>188</sup> Солнцев В.М.. Очерки по современному китайскому языку. - М.,1957.-67 б.

<sup>189</sup> Иванов В.В. Терминология и заимствования в современном китайском языке. – М.: «Наука», 1973. - 63 б.

Дипломатик терминларнинг фонетик усул орқали ўзлаштирилиши “БМТ ва халқаро ташкилотлар” бўлимида кўп учрайди, масалан:

➤ **法 兰 西 共 同 体** falanxi gongtongti “Франция Иттифоқи” терминидаги **法 兰 西** falanxi “Франция” сўзи тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирма бўлиб, ўзлаштирилиш жараёнида манба тилдаги ундош унлига айланган;

➤ **阿 拉 伯 国 家 联 盟** alaboguojia lianmeng “Араб Давлатлари Лигаси” таркибидаги **阿 拉 伯** alabo “араб” сўзида ундошнинг унлига айланганлиги кузатилади, бу эса, ўз навбатида, тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштиришдан далолат беради;

➤ **安 第 斯 条 约 组 织** andisi tiaoyuezuzhi “Анд Пакти Ташкилоти” (**安 第 斯 集 团** andisi jituan) иборасидаги **安 第 斯** andisi “Анд” сўзи ҳам тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштириш бўлиб, бу мисолда ҳам ундош ва унлиниг “斯 si” қўшилиб келиши кузатилади;

➤ **伊 斯 兰 会 议 组 织** yisilan huiyi zuzhi “Ислом Конференцияси Ташкилоти” **伊 斯 兰** yisilan “Ислом” сўзи тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирма бўлиб, унлиларнинг ўзгаришини кузатиш мумкин;

➤ **阿 拉 伯 石 油 输 出 国 组 织** alabo shiyou shuchuguo zuzhi “нефт экспорт қилувчи Араб давлатлари ташкилоти”;

➤ **诺 贝 尔 基 金 会** nuobeier jijinhui “Нобель жамғармаси” иборасидаги **诺 贝 尔** nuobeier “Нобель” тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирма;

➤ **阿 拉 伯 基 金 会** alabo jijinhui “Араб жамғармаси”;

➤ **福 特 基 金 会** fute jijinhui “Форд жамғармаси” иборасидаги **福 特** fute “Форд”;

➤ **洛 克 菲 勒 基 金 会** luokefeile jijinhui “Рокфеллер жамғармаси” иборасидаги **洛 克 菲 勒** luokefeile “Рокфеллер”;

➤ **奥 林 匹 克 运 动 会** aolinpike yundonghui “Олимпия ўйинлари” иборасидаги **奥 林 匹** aolinpike “Олимпия”;

➤ **加 勒 比 共 同 体** jialebi gongtongti “Кариб ҳавзаси ҳамжамияти (КАРИКОМ)”даги **加 勒 比** jialebi “Кариб” сўзи қисман фонетик ўзлаштириш йўли билан ҳосил қилинган. Бу мисолда унли ва ундошларнинг ўзгариб келишини, хитой тилидаги ўзлаштирма манба тилдаги сўзга фақат қисман ўхшашини кузатиш мумкин;

➤ **加 勒 比 共 同 市 场** jialebi gongtongshichang “Кариб ҳавзаси умумий бозори” иборасидаги **加 勒 比** jialebi “Кариб ҳавзаси”;

➤ **伊 斯 兰 会 议** yisilan huiyi “Ислом конференцияси” иборасидаги **伊 斯 兰** yisilan “ислом”;

➤ 穆斯林国家首脑会议 musilinguojia shounao huiyi “Ислом мамлакатлари давлат бошлиқларининг конференцияси” иборасидаги 穆斯林；

➤ 阿拉伯首脑会议 alabo shounao huiyi “Араб мамлакатлари раҳбарлари кенгаши” иборасидаги 阿拉伯 alabo “араб” сўзларининг тўлиқ бўлмаган фонетик усул ёрдамида ўзлаштирилганлигини кўриш мумкин.

Келтирилган терминлар тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирмалар турига мансубдир. Хитой тилида ўзга тилдаги сўзлар билан тўла мос келиш ҳодисаси деярли учрамайди. Буни юқорида келтирилган дипломатик терминлар мисолида кўриш мумкин.

Фонетик ўзлаштирмаларнинг кўп қисми турли типдаги атоқли отлар ўртасида кенг тарқалган. Бу категориядаги сўзларнинг ўзлаштирилишида фонетик ўзлаштириш усулининг қўлланилиш фоизи бошқа усулларга қараганда анча юқори. Бу авваломбор атоқли отларнинг ўзига хос маънолари билан изоҳланади. Атоқли отларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, улар талаффузга эга бўлиб, хеч қандай маънони ифодаламайди. Шу сабабали атоқли отларни одатда бошқа тилларга таржима қилиб бўлмайди. Бу сўзларнинг калька усули орқали ўзлаштириб олиниши мушкул. Масалан, дипломатик терминлогиянинг халқаро ташкилотлар, давлатлар, турли хил жамғарма фондларни номланиши билан боғлик сўзларда бу ҳолатни кузатишими мумкин: 诺贝尔基金会“Нобель жамғармаси”, 洛克菲勒基金会“Рокфеллер жамғармаси”, 联合国驻印度和巴基斯坦军事观察小组 lianheguo zhu Yindu he Bajisitan junshi guancha xiaozu “Ҳиндистон ва Покистон ўртасида урушни тўхтатиш шартномасининг бажарилишини назорат қилувчи БМТ қуролли кучлари”, 加勒比共同体 jialebi gongtongti “Кариб хавзаси ҳамжамияти (КАРИКОМ)” ва ҳ. қ. Деярли барча дипломатик ҳужжатларда давлатларнинг номланишида ҳам айнан фонетик ўзлашмаларнинг қўлланилиши кўп учрайди, масалан: 中国和乌兹别克斯坦友好合作条约 “Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстона ҳамкорликни ўрнатиш тўғрисидаги Битим”.

Ўзга тилдаги атоқли отларни ўзлаштираётганда тил сўзнинг манба тилдаги асл кўринишини қабул қиласи ва ўз фонетик тузилмасига мослаштиради. Шу сабабали, атоқли отларнинг ўзлаштирилишини мажбурий ўзлаштириш, деса бўлади.

Хитой тилида факат 420 бўғинлар (оҳангли вариантларини ҳисобга олмаган ҳолда) мавжудлигини инобатга олсак, хитой тили ўзга тилдаги атоқли отлар талаффузини айнан шу миқдордан, чекланган товушли бўғинлар материали асосида ўзлаштириши мумкин<sup>190</sup>. Шу сабабли, атоқли отлар, жуғрофий номлар, ташкилотлар номлари орасида тўлиқ бўлмаган ва қисман фонетик ўзлаштирмаларнинг сони кўп. Бу ҳолатни дипломатик терминлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, хитой тилига фонетик ўзлаштирмаларнинг кириб келишига таъсир этувчи асосий омил мазкур тилда фонемаларнинг бўғинли кўринишида ташкил этилишидир. Бу омил эса бўғинли бўлишнинг семантик маъноси билан чамбарчас боғлиқ.

#### 4.4 Аббревиация

Аббревиация сўз ясалишнинг кенг тарқалган усулларидан бири ҳисобланади. Дипломатик терминларда ҳам шу усул бўйича тузилган сўзларнинг йилдан - йил кўп ишлатилиши кузатилмоқда деса, хато бўлмайди. Бу умумий масала кўплаб тилшунослар томонидан ёритилган. Бироқ хитой дипломатик терминлардаги аббревиация усули ҳозирга қадар Хитой, Ўзбекистон, Россия, ҳамда Европа тилшунослари томонидан етарли даражада ўрганилган эмас. Албатта, қисқартма сўзлар хитой тили лексикасининг бир қисми ҳисобланади. Хитойча қисқартма сўзларнинг оддий сўзлардан фарқи шундаки, улар гап таркибида мустақил гап бўлаги вазифасини бажара олади<sup>191</sup>. Уларнинг функциялари сўзларнига ўхшашибди, лекин шу билан бирга қисқартма сўзлар тўлиқ шаклга эга. Қисқартма сўзлар бўғинлар сонига қараб фарқланади. Вазиятга қараб қисқартма сўзларнинг тўлиқ формасидан фойдаланиш мумкин, бу билан маъно ўзгармайди.

А.Ҳожиев “аббревиатура” ва “аббревиация” терминларига қўйидагича изоҳ берган: “Аббревиация (лот. abbrevio –қисқартман). 1.Сўз бирикмаси компонентларининг маълум қисмларини олиб қўшиш билан ҳосил қилинган сўзлар: ХДП (Халқ демократик партияси), ЎзМУ (Ўзбекистон миллий университети) ва б.; 2.Сўзнинг маълум бир

<sup>190</sup>Иванов В.В. Терминология и заимствования в современном китайском языке. - М.:«Наука», 1973. – 70 б.

<sup>191</sup> Носирова С.А. Хитой тили дипломатик терминларининг тузилишида копулятив моделнинг ўрни ва аҳамияти:// ТошДШИ “Шарқшунослик” илмий журнали.- Т.,2006.

шаклда қисқартиб берилган ифодаси – шартли қисқартмалар: ва б. – ва бошқалар, А.Қ. – Абдулла Қодирий.

Аббревиатура (итал. “abbreviatura”, лот. “abbrevio” – “қисқартман”) – бу “сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг қисқаруви ёки мурракаб сўз компонентларининг қисқаруви натижасида ҳосил бўладиган от туркумидаги сўз”<sup>192</sup>.

Аббревиатураларнинг қўлланилиши замон, вақт, муҳит ва вазиятга боғлиқ. Шу сабабли улар оддий сўзлардан фарқ қиласадилар. Қисқартма сўзлар музокара, нутқ, илмий ва оммабоп китоб ва журналларда, маҳсус соҳаларда (электроника, физика, информатика, иқтисод, транспорт ва коммуникация, молия ва банк ва ҳ.к.), оммавий матбуотда, терминшуносликда нисбатан кўп учрайди, чунки айни шу соҳаларда тежамкорлик ва қисқалик талаб этилади. Сиёсий ва хуқуқий характердаги ҳужжатлар, шартнома, битимларда қисқартма сўзларнинг ишлатилиш доираси чекланган бўлса-да, учраш ҳолатлари мавжуд.

Қисқартма сўзларни тузишда асосий, муҳим ва ўзида маълумот ташувчи элементлар олинади. Кундалик ҳаётга сингиб кетган ва одатий бўлиб қолган қисқартма сўзлар луғатларда қайд этилади. Улар луғатнинг алоҳида бўлимига киритилади ва қисқартма сўзларнинг тўлиқ шакллари келтирилади<sup>193</sup>. Қисқартма сўзларнинг яратилишида асосий маънени ўзида акс эттирувчи иероглифларга урғу берилади. Шу сабабдан, қисқартма сўз сўз бирикмаси билан узвий боғлиқ бўлади<sup>194</sup>. Бирор – бир сўз бирикмасининг аббревиатурага айланиш ёки айланмаслиги, биринчидан, ушбу сўз бирикмасининг кенг равишда, тез-тез ишлатилиб келишига боғлиқдир Масалан, ХХР Компартияси, НПСК, НОАК, ВСНП ва ҳ.к. Ўз вақтида тез – тез ишлатилган 两个中

<sup>192</sup> А.Ҳожиев.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 9 ва 142 б.

<sup>193</sup> Oxford Dictionary of ABBREVIATIONS.-Shanghai.:Foreign Language Education Press, 1998.-415 p.

An English-Chinese Dictionary of ACCOUNTING.-Beijing.:Foreign Language Teaching and Research Press, 2002.-516p.

An English-Chinese Dictionary of JOURNALISTIC TERMS .-Beijing.:Foreign Language Teaching and Research Press, 2002.-867p.

Cambridge Learning Dictionary.-Beijing.:Foreign Language Teaching and Research Press, Cambridge University Press 2002.-767p.

Longman Advanced American Dictionary. .-Beijing.:Foreign Language Teaching and Research Press. 2003.-1745p.

<sup>194</sup> Chinese – English Vocabulary of Foreign Affairs.

Современный китайско-русский словарь. -Beijing.:Foreign Language Press. 2002.-1104p.

国 liangge zhongguo “бир давлат-икки тузум” каби иборалар “ўз” номига эга бўлиш “ҳуқуқи” ни қўлга киритганлар.

Хозирги кунда хитойликлар томонидан маълум бир сўз ва рақамларга уларнинг асл мазмунидан ташқари қўшимча мазмун ҳам бериш анъанаси кузатилмоқда. Масалан, 8, 4 ва ҳ. к. Қисқартма сўзларни ўрганишга бағишиланган ишларда, масалан, А.Семенас хитой тилидаги қисқартма сўзларни икки турга бўлади ва ҳар бир турни бир неча моделларга таксимлайди. Дипломатик терминларини ушбу моделлар ёрдамида таҳлил этиш мумкин<sup>195</sup>.

#### **4.5 Аббревиациянинг турлари ва моделлари**

##### **A. Оддий қисқартма**

Хитой тилшунослигига ушбу турдаги қисқартмалар 简称 jiancheng термини билан берилади.

##### **B. Синтетик қисқартма**

Ушбу турдаги қисқартмалар 合成 he cheng термини билан берилади. Қуйида қисқартиришнинг ушбу икки турини дипломатия соҳасига оид бўлган аббревиатураларнинг ясалишидаги иштирокини кўриб чиқамиз.

**A. 简称** оддий қисқартмалар - тўлиқ шаклларни баъзи бир компонентлари тушиб қолишидан вужудга келадиган қисқартма сўзлардир. Бунда қисқартма сўз сўз биримасидаги ҳар бир компонентнинг биринчи бўғинидан вужудга келади. **简称** туридаги қисқартма сўзлар ўз тузилиши жиҳатидан тўлиқ формалар тузилиши (структураси) билан мос келади. Бу услубдаги қисқаришнинг турли моделлари мавжуд. Улар қуйидагилар:

1 модель: Биринчи компонентнинг биринчи бўғини иккинчи компонентнинг биринчи бўғини билан қўшилади: **ABCD = AB + CD → AC**

Масалан, 归侨 gui qiao. Ушбу сўзнинг тўлиқ кўриниши: 归国侨民 Gui guo qiao min (бу ерда 归国 gui guo “Ватанга қайтмоқ” + 侨民 qiao min “фуқаро”), яъни “Ватанига қайтган фуқаро”.

**中乌联合声明** zhong wulianhe shengming иборасидаги **中乌** zhong wu аббревиатураси айнан шу модел бўйича, яъни биринчи компонент (**中华人民共和国** zhonghua renmin gongheguo) биринчи бўғини (**中** zhong) ва иккинчи компонентнинг (**乌兹别克斯坦** Wuzibiekesitan) биринчи бўғини (**乌** wu) қўшилиши натижасида ҳосил бўлган.

<sup>195</sup> Семенас А.Л. Лексика китайского языка. М.: Муравей, 2000.- 57 б.

Аббревиация усулининг ушбу модели хитой тилида аббревиату-  
раларни ҳосил қилишдаги асосий усул ҳисобланади.

2 модель: Агар тўлиқ шакл уч ёки тўрт компонентдан тузилган бўлса, қисқартма сўз ҳар бир компонентнинг биринчи ёки иккинчи, баъзан сўзниң тўлиқ шакли қолдирилиши натижасида ҳосил бўлади. Масалан, **北大西洋公约组织** = **北约组织** Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти.

3 модель: Биринчи компонентнинг биринчи бўғини + иккинчи компонентнинг иккинчи бўғини. Мисол, **东南亚国家联盟** Dong nan ya guo jia lian meng (**东盟** dong meng).

Жанубий–Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари ассоциацияси (АСЕАН); **侨务** qiao wu “муҳожирлар иши” (**华侨** hua qiao эмигрант + **事务** shi wu ишлар); **外长** wai zhang Ташқи ишлар вазири (**外交** wai jiao дипломатия + **部长** bu zhang вазир).

4 модель: Биринчи компонентнинг иккинчи бўғини + иккинчи компонентнинг иккинчи бўғини. Масалан, **复交** fu jiao дипломатик алоқаларни тикламоқ (**恢复** hui fu тикламоқ + **邦交** bang jiao алоқалар).

5 модель: Бу модель асосан сонлар билан тузилган қисқартма сўзларда ишлатилади. Масалан: — (—, 三) **秘** Yi (er/ san) mi. Тўлиқ кўриниши: — (—, 三) **等秘书** Биринчи (иккинчи, учинчи) даража котиби: Сон + АВ = Сон А

**一中一台** yizhong yitai “Битта Хитой битта Тайвань” термини — yi сон сўзига **中** zhong, яъни **中国** zhongguo, ҳамда **台** tai, яъни **台湾** taiwan сўzlари биринчи бўғинларининг бирлашуви натижасида янги термин ҳосил бўлган.

**B. 合成** he cheng типдаги қисқартма сўзлар кўйидаги моделлар бўйича тузилади.

1 модель: Бир хил типдаги боғланиш бўйича сўзларни бирлаштириш. Бу йўл билан ҳосил бўлган қисқартма сўзлар одатда ҳар бир компонентнинг биринчи бўғинини ўз ичига олади.

Формула кўринишида: ABC/BBB = ABC+B

Масалан: **亚非拉** Yafei la (**亚洲** yazhou, **非洲** feizhou, **拉丁美洲** la ding meizhou) Осиё, Африка, Лотин Америка. Бу ерда сўзларнинг иккинчи **洲** zhou компоненти бир хил бўлганлиги сабабли, уни тушириб қолдириш ҳолати кўзга ташланади. Умумий компонент **洲** zhou “қитъа” сўзи ҳисобланади ва у қисқартирилади. Масалан, **欧亚司** Ouya si

(欧洲 ouzhou, 亚洲 yazhou) Осиё ва Европа бўлими. Бу мисолда умумий компонент 洲 zhou “қитъа” тушириб қолдирилади.

2 модел: Бир умумий компонент негизида икки компонентнинг бирлаштирилиши. Ўз таркибида умумий компонентга эга бўлган икки сўз бирлашади – ҳар бир сўздан бир бўғин ва битта умумий бўғин олинади. Масалан, 进出口 jin chu kou импорт ва экспорт (进口 jin kou импорт + 出口 chu kou экспорт). Ушбу мисолда умумий компонент бўлмиш 口 kou элементи бир марта қисқаради. 使馆进出境物品 элчихона қимматбаҳо буюмларининг импорт–экспорти. Бу мисолда ҳам 境 элементи қисқарилиши кузатилади.

3 модел: Ушбу модел доирасида кўпроқ когнитив усулига алоқадор, инсон психологияси билан боғлиқ бўлган янги терминларнинг вужудга келиши кузатилади. Бу ўринда хитойликларнинг сонлар билан боғлиқ тушунчалари бирламчи роль ўйнайди. Масалан: “6+2 小组 xiaozu”, яъни “6+2 гурӯҳи”, ёки “中亚五国” “Марказий Осиё беш давлати” мисолларини таҳлил қиласиган бўлсақ, ушбу терминларда қўлланилган сонлар дипломатия соҳаси билан таниш бўлган инсон онгидагина маълум бир маъно касб этади. Яъни ушбу сонлар орқасида маълум бир давлатлар гавдаланишини фақат сиёsat, дипломатия соҳаси доирасида маълумотга эга бўлган инсонгина кўриши мумкин.

**骨牌理论** gupai lilun “домино назарияси” терминини ҳам когнитив усул ёрдамисиз таҳлил этиш ижобий натижа бера олмайди. Ушбу термин аслида домино ўйини ҳақида маълумот бермай, балки домино ўйинига хос бўлган кетма - кетлиқ, бир доминонинг қулаши бутунликнинг инқирозига олиб келиши, яъни иқтисодиёт соҳасида бир тизимнинг фалокати дунёдаги тизим фалокатига олиб келиши каби маъноларни англаатади. Масалан, 2008-2009 й.й. Америка Қўшма Штатларида бошланган банк ва молия ташкилотлари инқирози кўп мамлакатларга таъсир этиб келмоқда. Ушбу асл маънонинг юзага чиқиши ва айнан кўчма маънода қабул қилиниши терминнинг когнитив усул ёрдами таҳлил этилишига боғлиқ.

**中国四项原则** zhongguo sixiang yuanze “XXP 4 тамойили” термини 和平友好，平等互利，互相信赖，长期稳定 heping youhao, pingdeng huli, huxiang xinglai, changqi wending “тинчлик ва дўстлик, тенглик ва ўзаро ишонч, барқарорлик” тушунчаларини жамлаган. Ушбу терминдаги 4 рақамининг когнитив хусусиятлари, яъни хитойликларнинг психологияси билан боғлиқлигини кузатиш мумкин.

Хитой тилида янги терминларнинг ҳосил бўлишида когнитив усулнинг кенг қўлланилишини қўйидаги мисолларда кўриш мумкин. Масалан, **两个中国** нинг сўзма- сўз таржимаси “иккита Хитойдир”. Терминнинг бу тарзда таржима қилиниши тушунмовчилик ҳолатларини юзага келтириши турган гап.

➤ **三大作风** sanda zuofeng “уч услуб” (理论和实践相结合的作风，和人民群众紧密地联系在一起的作风，批评和自我批评的作风) lilun he shijian xiangjehede zuofeng , he renmin jinmide lianxi zaiyiqide zuofeng , piping he ziwo pipingde zuofeng назария ва амалиётнинг бирлашуви, омма билан бирлашув ва танқид, ўз-ўзини танқид қилиш услублари);

➤ **两个文明** lianggewenming “икки маданият” (社会主义物质文明，社会主义精神文明 shehui zhuyi wuzhi wenming , shehui zhuyi jingshen wenming материал социалистик ва маънавий социалистик маданият) ;

➤ **三个面向** sange mianxiang “уч нарсага юзма –юз туриш” (面向现代化，面向世界，面向未来 mianxiang xiandaihua, mianxiang shi-jie, mianxiang weilai модернизацияга, дунёга ва келажак сари );

➤ **四个现代化** sige xiandaihua “4 модернизация” (工业，农业，国防，科学技术现代化 gongye, nongye, guofang, kexuejishu xiandaihua ишлаб чиқариш, халқ хўжалиги, армия ва фан-техника модернизации) каби мисолларни когнитив методни қўлламасдан таржима қилиш хатоликларга олиб келиши мумкин.

Миллий онг абревиатураларни маълум бир жамият ҳаётига сингдирилишига таъсир ўtkазувчи муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади. Ушбу масалани умумий тилшунослик назариясига асосланиб таҳлил этсак, абревиатураларнинг хитой тилидаги ўрни бир неча концептуал қарашларни олға суришга асос бўлиши ҳам мумкин.

Биринчидан, Н. Хомский фикрича, тилни билмок, аксарият ҳолда маълум бир тилда сўзлашмоқ ва у тилни тушунмоқни англатади<sup>196</sup>. Абревиатураларни тушунмоқ ҳам тилни ичидаги маълум «тилни» тушунмоқ ва уни ишлата билишни англатади.

Иккинчидан, абревиатурани хитой тилига кириб келиш жараёни, ушбу тилни ўзига хос бўлган анъаналарни қайта кўриб чиқиб янги бир йуналишга қараб юз тутганидан ҳам далолат беради. Абревиатурани ҳосил қилишда албатта тил анъаналари назарга олиниши

<sup>196</sup> Naom Chomsky. Knowledge of Language: Its Nature, Origin, and Use. Praeger Pub. 1985. P.9.

керак. Кўпинча аббревиатураларнинг хосил бўлиши жуғрофий жиҳатига боғлиқ бўлади. Масалан, “**上海组织**” (上海合作组织) аббревиатураси Шанхайдага пайдо бўлган. Шу билан бирга, бир қатор таниқли дипломатлар, шу жумладан, Чжан Дэгуан, Ян Цзэчи, Ли Хуэй, Ли Фанлин ва тилшуносларнинг фикрига қараганда ушбу термин ташкилот ҳақида мукаммал тушунча бермайди. Бундан ташқари ташкилот номида икки иероглиф орқама-кетин келиб, терминни талаффуз этилишига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолат аббревиатураларда аниклик критериясига оид муаммо яширганлигини кўрсатади. Ушбу муаммо алоҳида кўриб чиқилиши мумкин. Муаллиф эса қуйидаги хуласалар билан чегараланишни лозим топади:

- хитой тилининг лексик қатламида аббревиация усули билан вужудга келган янги терминлар сони кўпайиб бормоқда. Бунга сабаб, биринчидан, глобаллашувнинг умумбашариятга, иқтисод ва маданият, фан, сиёсий ва ижтимоий хаёт, шу жумладан, тилшуносликка бўлган таъсири бўлса, иккинчидан, тилшуносликнинг глобаллашувга таъсиридур. Учинчидан, Хитойнинг халқаро соҳада нуфузини ўсиб бориши ва ривожланган давлатлар билан бўлган иқтисодий, маданий алоқалари, албатта, хитой тилига таъсир кўргазмай қолмайди.

Хитой тили кўп минг йиллик тарих натижасида ўзини ташки таъсирандан ҳимоя қилиш, чет сўзларни ўзига қабул қилиш хусусиятларини тараққий эттирган. Аммо, тил, шу жумладан хитой тили, иқтисод, сиёсат, фан ва маданият соҳалари ривожланиб, Хитойнинг жаҳон мамлакатлари билан узвий алоқалари уйғунлашиб борар экан, бу глобал жараёндан четда қола олмайди, ва албатта, трансформацияга учрайди. Бундай жараённи қонун ва хусусиятларини ўрганишни алоҳида илмий мавзу деб қабул қилиш мумкин.

Аббревиация усули ва бу усул ёрдамида тузилган сўзлар сўзлашувнинг қулай ва тежкамкор усули сифатида намоён бўлади.

Куйида **哈 施舍 夫 色市卡日莫“汉乌俄外交词典” – 中国，哈日，黑龙江，2004. 328。** га киритилган терминларнинг миқдорий тахлили асосида аббревиация усулининг ўрнини кузатиш мумкин:

Дипломатик терминларнинг умумий сони 1600 (100%) Аббревиация сони 39 (2,4 %).	
Оддий аббревиация	Синтетик аббревиация
18	21

---

### **Бўлим бўйича саволлар:**

1. Дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида ўзлаштириш усулининг ўрни қандай?
2. Ўзлаштиришнинг семантик калька тури бўйича ҳосил бўлган дипломатик терминларга мисоллар келтиринг.
3. Ўзлаштиришнинг фонетик калька тури бўйича ҳосил бўлган дипломатик терминларга мисоллар келтиринг.
4. Хитой тилида фонетик ўзлаштиришнинг нечта тури мавжуд ва улар қандай номланади?
5. Хитой тилидаги бўғинлар сони ўзлаштириш усулига қандай таъсир кўрсатади?
6. Хитойча қисқартма сўзлар оддий сўзлардан қандай хусусиятлар билан фарқланади?
7. Ўз фикрингизни мисоллар билан изоҳланг. Қисқартма сўзлар мустақил гап бўлаги вазифасини бажара оладими?
8. Қисқарма сўзлар ва оддий сўзларнинг функциялари фарқланадими?
9. Қисқартма сўзларнинг тўлиқ формасидан фойдаланганда маъно ўзгарадими?
10. “Аббревиатура” ва “Аббревиация” терминларига изоҳ беринг. Ушбу терминлар фарқини изоҳланг.
11. Хитой тилида оддий ва синтетик аббревиация тузилиш методларини мисоллар ёрдамида изоҳлаб беринг.

### **Амалий машғулот учун саволлар:**

1. Фонетик ўзлаштирумаларнинг хитой тилига кириб боришининг чекланганлигини мисоллар билан тушунтириб беринг.
2. Кўп бўғинли хорижий тил сўзларининг хитой тилига қабул қилиниш қонуниятлари нималардан иборат?
3. Хитой тилида фонетик ўзлашмаларнинг микдори чекланганлигини мутахассислар қандай изоҳлашади?
4. Профессор X.Дадабаевнинг умумтуркий термин бўлмиш “элчи” сўзига оид этимологик таҳлили хақида нималарни биласиз?
5. Бу маълумотлар X. Дадабаевнинг қайси китобида келтирилган?
6. Дипломатик трминларни фонетик усул орқали ўзлаштирилишини “БМТ” бўлими асосида изоҳлаб беринг.

7. “**汉乌俄外交词典**” воситасида мавзу сўнггида келтирилган хулосаларга мисоллар келтиринг.
8. Когнитив метод ҳақида сўзлаб беринг.
9. **骨牌理论** назариясига изоҳ беринг.
10. **合成** типидаги қисқартма сўзларнинг асосий тузилиш моделлариға ҳақида мисоллар ёзинг.

### **Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар**

1. “Дипломатик ҳужжатлар” лексик-семантик груп терминлари асосида фонетик ва семантик ўзлаштириш ҳақида маълумот беринг
2. “Халқаро ташкилотлар” лексик-семантик груп терминларининг ҳосил бўлишида фонетик калька усулининг ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумот беринг
3. **—中一台** қандай лисоний ва қандай сиёсий маънони билдиради?
4. **上海合作组织** аббревиацияга тўлиқ изоҳ беринг.
5. “**汉乌俄外交词典**” воситасида мавзу сўнггида келтирилган хулосаларга мисоллар келтиринг.
6. Аббревиация усулининг дипломатик ҳужжатлар тизимида тутган ўрни ҳақида, унинг салбий ва ижобий томонлари ҳусуида фикр юритинг.

## V МАВЗУ. ДИПЛОМАТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ХУЖЖАТЛАРДАГИ ФОРМУЛЯРЛАРИ

### Хужжатлар тилида неологизмлар ва қолипли бирикмаларнинг ўрни ва аҳамияти

**Дарснинг ўқув мақсади:** хитой тилида битилган дипломатик хужжатлар турларини таҳлил қилиш, хужжатларда кенг қўлланилдиган клише, формуляр, неологизмлар, семантик компонентлар ҳақида, уларни жойида ва тўғри қўллаш хусусида билим ва қўникмаларни ҳосил қилиш. Протокол формулалар ҳақида маълумотга эга бўлиш. Хужжатларни тўғри таржима қилиш кўникмасини ҳосил қилиш. Хитой тилида битилган дипломатик ҳужжатлар тилида неологизмлар, турғун бирикмаларнинг қўлланилиши, уларнинг тури, қўлланилиш доираси, янги сўз ва клишеларни таржима қилиш усуллари ҳақида билим ва қўникмаларни шакллантириш.

**Таянч тушунчалар:** формуляр, турғун бирикма, синоним, антоним, универсалия, омоним, синонимик қатор, семантик хусусият, дипломатик ёзишма, дипломатик хужжат, қолипли бирикма, вербал нота, баёнот, қайднома, инверсия, меморандум, протокол, декларация, семантик компонент, формула, форма, қолипли бирикмалар, мунтазамлик тендецияси, битим, морфема, функционал ва стилистик норма, резюме, брифинг, диалог, лексика, ратификация, наркографик, наркобизнес, терроризм, экстремизм, сепаратизм, семантик компонент, лексик гурух, халқаро ҳукуқ терминологияси.

### 5.1 Хужжатлар тарихидан

Хитойнинг илк дипломатик хужжати Чжоу сулоласи (милоддан олдинги II аср – милоддан олдинги 221) даврида қўлланилган. Дипломатик хужжат билан бошқа бир давлатга юборилган вакил 国使 guoshi, яъни “давлат вакили” термини билан юритилган. Манбаларда келтирилишича 国使者 guoshizhe (бу ерда 者 zhe “шахс” маъносидаги яримсуффикс) илк бор “дипломатик вакил” маъносида қўлланилган<sup>197</sup>. Бошқа бир манбада “Илтимос иқтидорли бир инсонни юборинг, у давлат китобини (Ишонч ёрлиғи) тузади”<sup>198</sup>. Бу ердаги 国书, яъни “давлат китоби” икки давлат вакиллари ўртасидаги имзоланадиган

<sup>197</sup> Кўрсатилган манба. – 27 б.

<sup>198</sup> Кўрсатилган манба. – Б.27.(请取有采用者，参造国书)

хужжат маъносида ишлатилган. Бу давлат китоби қадимги Хитойнинг илк дипломатик хужжати бўлган.

1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси ташкил топган куни Мао Цзэдун “ХХР ҳукумати декларацияси” ва Ташқи ишлар вазири Чжоу Энлай томонидан хорижий давлатларга йўлланган 公告 расмий хати Хитой Халқ Республикасининг илк дипломатик хужжатлари сифатида эътироф этилган<sup>199</sup>.

Лексик-семантик жиҳатидан дипломатик хужжатлар ўз терминлар тизими, қолиплашган турғун бирикма, синоним, антоним каби турли ифода воситаларига эга. Чунончи, ноталарда 阁下 gexia “жаноби олийлари”, 先生阁下 xiansheng gexia “хурматли жаноб”, 顺致最崇高的敬意 shunzhi zuichonggaode jingyi “Сизга бўлган юксак хурматимга ишонч билдиргайсиз” каби иборарнинг қўлланилиши хужжатга дўстлик руҳини, қўлланмаслиги эса расмийлик руҳини беради. Дипломатик ёзишмаларда синонимик қаторнинг кўпроқ услубий нейтрал сўзлари эмас, балки ижобий ҳиссий бўёқли ва китобий услубга хос сўзлар кўп қўлланилади. Ўзбек тилидаги дипломатик хужжатларда, масалан, “билдираман” сўзи ўрнига “изҳор этаман”, “вақт” сўзи ўрнида “фурсат”, “бир марта” ўрнида “бир бора”, “мансаб” ўрнида “лавозим”, “раҳмат” ўрнида “ташаккур”, “хурсанд” ўрнида “мамнун” сўзлари қўлланади. Дипломатик баённомаларда кўчма маънодаги қўлланувчи турғун сўз бирикмалари кенг қўлланилади. Бундай турғун бирикмалар ёзишмага қўтаринки рух беришга, таъсирчанликни оширишга хизмат қиласди.

Хозирги вақтда дипломатик ёзишмаларнинг қуйидаги турлари қўлланилмоқда:

- вербал нота;
- қўшма ёки оддий баёнот;
- расмий хат;
- илова хат;
- ярим расмий шахсий хат (нома);
- эсадалик ёзма;
- дипломатик қайднома;
- протокол;
- меморандум.

Кўрсатиб ўтилган хужжатлар қаторида кўпчилик давлатлар қўллайдиган, аммо унчалик қатъий бир қолипга, шаклга эга бўлмаган

<sup>199</sup>Кўрсатилган манба. – Б. 1.

декларация (баённома), ахборотнома, давлат раҳбарининг мурожаати, шунингдек телеграммалар киради.

## 5.2 Компонентлар семантикаси

Семантик компонентнинг хусусиятларидан бири бу унинг юқори даражада мавҳумлигидир. Айнан шу хусусият семантик компонентларнинг мослашувчанлиги, нисбатан турғунлигини белгилайди. Бир компонент турли сўзларнинг маъносига киради, бу эса семантик компонент индивидуал эмаслигини кўрсатади. Семантик компонент маълум даражада “силлик”, “юзсиз” бўлиши лозим. Бу унга турли сўзлар маъноларига қўшимча элемент сифатида сингишида ёрдам беради. Семантик компонентлар турли дипломатик ҳужжатларда кенг қўлланилади ва аскарият бир семантик элемент турли мавзудаги ҳужжатларда турлича талқин этилади. Қуйида дипломатик ҳужжатларида учрайдиган айрим семантик компонентларни кўриб чиқамиз:

➤ 就 jiu “ўша заҳотиёқ, тезда”.

Ушбу компонент феъл сўз туркумидаги сўздан олдин қўйилиб, иш – ҳаракатнинг қисқа вақт ичида содир бўлганлигини, бир воқеа иккинчи воқеадан сўнг тез содир бўлганлигини ифодалаб, тасдиқ маъносини кучайтиришга хизмат қиласи. Ёрдамчи сўз маъносига 就 jiu вақт ҳолидан кейин ишлатилиб, воқеанинг маълум бир пайт билан узвий боғлиқлигини кўрсатади ва воқеа белгиланган вақтда содир бўлганлиги ёки содир бўлиш маъносини кучайтиради.

➤ 就 jiu: «...дан келиб чиқиб», «...га кўра»;

➤ 就 jiu: «айнан; у ҳолда; шу заҳотиёқ, тез» каби маъноларга эга.

Масалан, 兹就貴方今年二月二日来信答复。。。如下 zì jiu guifang jinnian ergue erri lai xin dafu ...ruxia. “Жорий йилнинг 2 февралида Сиз томонингиздан юборилган хатга биноан қуидаги жавобни жўнатмоқдамиз”. Бу семантик компонент 就此 jiuci “шу боис” каби сўзлар таркибиغا ҳам киради.

➤ 此 cǐ семантик компоненти кўрсатгич олмошини ифодалаб “хозир”, “шу вақтда”, “бу ерда” каби маъноларни беради. Масалан, 此后 cihou “шундан сўнг”, 此外 ciwai “бундан ташқари, шу билан бирга”, 此刻 cike “хозирги пайтда” каби сўзлар таркибида қўлланилиши кузатилади.

➤ 致 zhi “юбормоқ, ифодаламоқ” маъноларида қўлланилади. Гап таркибида қуидаги маъноларни ифодалайди:

- «бермок», бу маънода **给与** маъносига яқин;
- этикет, ҳурматни ифодалаш;
- тенглик ҳиссини кучайтириш;
- диққатни бир жойга қаратмоқ.

➤ 以至 yizhi таркибида эса натижа маъносидаги боғловчи вазифасида қўлланилади ва “натижаси ўлароқ”, “...га олиб келди” маъноларни ифодалайди.

➤ 对 dui семантик компонент вазифасида йўналиш боғловчиси маъносида ишлатилади, “...га”, “... қараб” каби маъноларни билдиради ва ўзаро мос келиш маъносини ифодалаш учун қўлланилади. Кўпинча гап таркибида феъл вазифасини бажаради:

1. 对待 duidai “...га мурожаат этмоқ, ...га эътибор бермоқ”;
2. 对付 duifu “бирор – бир нарсанинг уддасидан чиқмоқ”;
3. 对航 duihang “...га қарши бўлмоқ”;
4. 朝 chao “...га чиқмоқ”, 向 xiang “...га қараб”, 对 dui “...га юзланиб” каби боғловчилар вазифасида ҳам ишлатилади;
5. 对于 duiyu “...га кўра; ҳақида” маъносини ифодалайди.

➤ 将 jiang семантик компоненти:

а) равиш вазифасида яқин орада содир бўлажак воқеа – ходисани ифодалашда қўлланилади;

б) бирор - бир пайтнинг яқинлашувини ифодалайди;

в) белгиланган пайтда содир бўладиган воқеани ифодалайди;

г) келаси замон белгиси сифатида ишлатилади;

д) ёрдамчи сифатида воситасиз тўлдирувчи инверсияси, яъни феълдан олдинги ўринга олиб чиқиш учун ишлатилади. Масалан, 将 jiang + от + феъл = «келажакда бирон нарса қилмоқ». 我方将于近期内函告我方的决定。 Wofang jianyu jinqinei hangao wofangde jueding. Ка-роримиз ҳақида Сизга яқин орада хабар берамиз.

➤ 签 qian “имзоламоқ, тамға” маъносидаги семантик компонент бўлиб:

1. Имзо қўйиладиган ҳужжатларда масъулиятни ифодалаш мақсадида.

2. Расмиятчилик маъносини бериш мақсадида.

3. Муҳим фикрни киритишида қўлланилади.

**请签署此项协议，并将正本寄回一份。** Qing qianshu ci xiang xieyi, bing jiang zhengben jihui yifan. Келишувнинг асл нусхасига қўл қўйишингизни ва бизга бир нусхасини юборишингизни сўраймиз.

➤ 于 уу универсал олд қўшимча вазифасида кенг ишлатилиб, “...га”, “...дан”, “...да”, “... билан”, “...учун” каби маъноларни билдиради. Вақт, йўналиш, таққослаш маъноларида ишлатиш кўп учрайди. M: 至于贵方的照信。。。zhiyu guifangde zhaoxin... “Сиз томондан юборилган нотага келсак...” каби жумлада 于 уу семантик компоненти 至于 zhiyu сўзи таркибида келиб, йўналиш маъносини билдиради.

➤ 以 уи семантик компоненти мақсад маъносида ишлатилиб, иккни феъл ўртасида келади. 以。。。为 уи...wei “бирор кимни ...деб билмоқ”, 以后 yihou “...дан сўнг, кейин”, 以前 yiqian “дан олдин, аввал” каби сўзлар таркибида ишлатилади. Ўрин – жой ва вақт равиши сифатида қўлланилади. Масалан, 以期 yiqi мақсад боғловчиси “...учун”; 以便 yibian мақсад боғловчиси “...учун”; 以免 yimian “...олдини олиш учун”; 以某 yimo “...мақсадида”; 以内 yinei “доирасида, ...вақт ичида” каби сўзлар таркибида ҳужжатларда ишлатилади. Баъзи семантик компонентлар сўзлар билан биргаликда қолипли бирикмаларни ҳам ҳосил қилиш хусусиятига эга. Масалан: 应。。。邀请 ying ... yaoqing “... таклифи билан, ... таклифига биноан, кўра”; 在。。。陪同下 zai ... peitongxia “... ҳамроҳлигида”; 为。。。干杯 wei ... ganbei “... учун қадах кўтармоқ”; 向。。。提出抗议 xiang ... tichu ganbei “...га қаршилик билдирмоқ” каби бирикмалар шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган семантик компонентларнинг матн маъносидан келиб чиқсан ҳолда турлича таржима қилиниши кузатилади. Бунинг сабаби семантик компонент индивидуал бўлаололмаслигидир. Семантик компонентларнинг “силлиқлиги” уларнинг турли сўзлар билан бирикиш жараёнини енгиллаштиради. Турлича сўзлар билан бириккан компонент бир вақтнинг ўзида бир неча маънони ифодалаши мумкин. Бу омил таржима қилиш жараённида мураккабликни пайдо бўлишига боис бўлади. Бир нечта семантик компонентнинг қўлланилиши ҳужжатга тантанаворликни бағишлайди. Семантик компонентни ноўрин ишлатилиши ҳужжат мазмунининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Қўйида Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган қўшма баёнот асосида семантик компонентларнинг таҳлил натижалари келтирилган.

Жами 1716 иероглиф, 485 сүз (100 %)		
Семантик компонентлар сони 43 (8%)		
компонент	таржима	күлланилиш микдори
将	...келажақда	6
及	...ила	5
以	...билин бирга	4
并	...шунингдек	4
与	билин, ҳамда	4
就	... шу захотиёқ, тез	3
应	...га кўра	3
于	...дан	3
在。。。上	...да	2
为	... учун	2
在。。。中	...да	1
至	...гача	1
鉴于	...сабабли, ...га	1
所	барча	1
原	...хохиш билдиримоқ, истамоқ	1
致力于	...га ёрдам беради	1
对。。。进行访问	...га ташриф буюрмоқ	1
对此	...сабабли, ...га	1

Бир бўғинли семантик компонентлар қаторида қолипли бирикма кўринишидаги семантик компонентларнинг ҳам нисбатан кенг кўлланилиши кузатилади. Семантик компонентлар синонимиясини “...да” маъносини ифодалаш учун қўлланилган 在。。。中 zai ...zhong ва 在。。。上 zai ...shang мисолида, 鉴于 jianyu ва 对此 duici семантик компонентлари “...сабабли, ...га” маъноларини ифодалаш учун ишлатилиши кузатилади.

### 5.3 Протокол

Протокол формулярларига қуидагилар киради: мурожаат сўзлар, хурмат маъносидаги сўзлар, дипломатик ҳужжатнинг якунида қўлланиувчи комплиментар, яъни илтифот лексика<sup>200</sup>.

Нота, вербал нота, эсдаликномалар, шунингдек А давлат ҳукумат раҳбарининг В давлат ҳукумат ҳукмдорига юборадиган шахсий хатларида формулярлар кенг қўлланилади. Дипломатик ҳужжатларининг бошқа турларида уларнинг қўлланилиши кузатилмайди ёки кам кузатилади.

Дипломатик фаолиятда одатда эркакларга нисбатан “先生 xiansheng жаноб”, аёлларга нисбатан “夫人，怒士，小姐 furen, nushi, xiaojie”, каби мурожаат сўзларини ишлатиш лозим. Турмуш қурган аёлларга нисбатан “夫人 furen”, турмушга чиқмаган аёлларга нисбатан “小姐 xiaojie”, ёши улуғ аёлларга нисбатан ҳам “夫人 furen” мурожаат сўзи ишлатилади. Ушбу мурожаат сўзлардан олдин исм – шариф, мансаб ва унвонни белгиловчи сўзлар қўйилади. Масалан, “议员先生 yíyuàn xiansheng депутат жаноблари”, “市长先生 shizhang xiansheng шаҳар ҳокими жаноблари”, “上校先生 shàngxiào xiansheng полковник жаноблари”, “秘书小姐 mìshù xiǎojie котиба хоним”, “怀特夫人 huáitè furen Вайт хоним” ва ҳ.к.

Юқори лавозимдагиларга нисбатан, давлат тузумини назарда тутган ҳолда “阁下 gexia Жаноби олийлари” ибораси қўлланилади. Ушбу иборадан олдин унвонни билдирувчи “先生 xiansheng Жаноб” сўзи қўшиб айтилиши ҳам кузатилади. М: “部长阁下 buzhang gexia Вазир Жаноби Олийлари”, “总统阁下 zongtong gexia Президент Жаноби Олийлари”, “主席先生阁下 zhuxi xiansheng gexia Раис Жаноби Олийлари”, “总理阁下 zongli gexia Бош вазир Жаноби Олийлари” ёки “总理先生阁下 zongli xiansheng gexia Бош вазир Жаноби Олийлари”.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, баъзи пайтларда “同志” сўзининг қўлланиши ҳам кузатилади. Масалан, “主席同志 zhuxi tongzhi ўртоқ Раис”, “议长同志 yizhang tongzhi ўртоқ депутат”, “大使同志 dashi tongzhi ўртоқ Элчи”, “秘书同志 mishu tongzhi Ўртоқ котиба” ва ҳ.к. Баъзида “Ислам-шариф + 同志 tongzhi ўртоқ” шакли ҳам ишлатилиши мумкин.

<sup>200</sup>Ковалёв А.Н. Азбука дипломатии. – М.: Изд – во «Международные отношения», 1977. – 81 б.

Муайян лавозимга эга бўлган аёлга нисбатан “夫人 furen хоним” сўзи ишлатилади, юқори лавозимга эга бўлган аёлга нисбатан “阁下 gexia жаноби олийлари” мурожаат қўлланилиши мумкин. Қиролга мурожаат қилинганда “陛下 bixia Аъло Ҳазратлари”, қироличага нисбатан ҳам шу мурожаат шакли қўлланилган, яъни “陛下 bixia Ҳазрати Олийлари”; шоҳзода, малика ва ҳ.к. нисбатан “殿下 dianxia Олий Ҳазратлари” қўлланилади. Шуниси эътиборликки, 陛下 шаклининг 殿下 га нисбатан маъноси юқорироқ даражада. Княз, маркиз, виконтларга нисбатан “阁下 gexia жаноби олийлари” ёки “先生 xiansheng жаноб” сўzlари ишлатилади.

Фан доктори илмий даражасига эга бўлган кишиларга нисбатан “博士 boshi” сўзи қўлланилиб, баъзан ушбу сўздан олдин “先生 xiansheng жаноб” сўзи ҳам келиши мумкин. Масалан, “马丁博士先生 Maiding boshi xiansheng доктор Мартин жаноблари”.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан “ҳарбий унвон + 先生 xiansheng жаноб” мурожаат шакли ишлатилади. “上校先生 shangxiao xiansheng подполковник жаноблари”, “莫利上校 Moli shangxiao подполковник Моли”, “莫利上校先生 Moli shangxiao xiansheng подполковник Моли жаноблари” ва ҳ.к. Хизматкорларга нисбатан “服务员 fuwuyuan” сўзи ишлатилади. Агар исми-шарифи маълум бўлса, исми бўйича чақирилади. Ибодатхонада ходимларига одатда унвон номи билан ёки “унвон номи + 先生 xiansheng Жаноб” ишлатилади. Масалан, “特使先生 teshi xiansheng пастор жаноблари” ва ҳ.к. Епископга нисбатан “阁下 gexia Жаноби олийлари” қўлланилади.

Мурожаат сўзи хужжат бошида ёки унинг расмий қисмининг биринчи сарлавҳасига қўйилади. Баъзи бир хужжатларда мурожаат расмий қисм билан бир қаторда ёзилади. Баъзида мурожаат кириш сўзидан кейин ҳам қўлланилиши кузатилади.

Хурмат ва эҳтиромни ифода этиш учун 老 lao “қария” сўзи “ёши улуғ, тажрибали” маъносидаги хурмат сифатида кенг қўлланилади. Хурмат сўzlари мурожаат сўzlари билан бирга ишлатилади. Масалан, “x x x 总统阁下 zongtong gexia” “x x x Президент Жаноби Олийлари”; “x x x 国王陛下 guowang bixia” “x x x Қирол Ҳазрати Олийлари”; “x x x 主席同志 zhuxi tongzhi” “x x x Ўртоғ Раис” каби. Бу мисоллардаги “x x x 总统 zongtong Президент”, “x x x 国王 guowang Қирол”, “x x x 主席 zhuxi Раис” сўzlари мурожаат сўzlаридир. “阁下 gexia Жаноби Олийлари”, “陛下 bixia Ҳазрати Олийлари”, “同志 tongzhi Ўртоқ” ва ҳ.к.

Дипломатик ҳужжатларнинг якуний қисмида қўлланиувчи илтифот сўзлар “церемониал, маросим сўzlари”, деб ҳам юритилади. Улар икки турга бўлинади:

- ҳужжатнинг бошланиш қисмида ёзиладиган сўзлар;
- ҳужжат якунида, имзодан олдин ёзиладиган сўзлар.

Нотада матн бошланишида қуйидаги турғун иборалар қўлланилади: “x x x (发文单位 fawen danwei ) 向 xiang (收文单位 shouwen danwei ) 致意 zhiyi ” “x x x (нота юборувчи томон) ...га (нота қабул қилувчи томонга) ўз ҳурматини билдириб қолади.” Шу иборадан кейингина матннинг асосий мазмuni ёзилади. Масалан, Ташқи ишлар вазирлиги ХХРда аккредитация қилинган элчихоналарига юбориладиган нотанинг бошланишида қуйидаги турғун ибора қўлланилади: “外交部向 x x x 驻华大使馆致意” (waijiaobu xiang x x x zhuhuadashiguan zhiyi ), яъни “Ташқи ишлар вазирлиги ХХРдаги чет давлатларнинг элчихоналарига ўз ҳурматини билдириб қолади.”

Ғарб давлатларда, нота қаршилик мазмунида бўлса ҳам матнининг бошланиш қисмида “x x x 向 xiang x x x 致意 zhiyi” турғун илтифот ибораси қўлланилади. Баъзи Шарқ давлатлари қаршилик ноталирида илтифот сўзлари тушириб қолдирилади.

Расмий ҳужжат якунида қўлланиладиган илтифот ибораларга одатда “顺致敬意 shunzhi jingyi” “Фурсатдан фойдаланиб ҳурмат билдириб қоламиз”; “顺致崇高的敬意 shunzhi chonggaode jingyi” “Фурсатдан фойдаланиб чуқур ҳурматимизни билдириб қоламиз”; “顺致最崇高的敬意” shunzhi zui chonggaode jingyi” “Фурсатдан фойдаланиб чуқур ва самими ҳурматимизни билдириб қоламиз” каби иборалар киради. Юқорида кўрсатиб ўтилган турғун илтифот иборалардан ташқари шахсий ёзишмада “祝你(您)身体健康 zhuni (nin) shen-ti jiankang ” “Сизга сиҳат – саломатлик тилаб қоламиз” каби иборалар ҳам қўлланилади.

#### **5.4 Дипломатик ҳужжатларда янги сўзлар ва қолипли бирикмалар**

Хитой тилида сўз қўшиш, аффиксация ва аббревиация усуллари билан бир қаторда мураккаб терминларни ҳосил бўлишида қолипли бирикмалар усули ҳам унумли ҳисобланади. Қолипли бирикмаларнинг вужудга келиши мунтазамлик тенденциясига боғлиқ. У сўз қўшиш усулида мавжуд бўлган қонун - қоидаларга кўра ҳосил бўлган,

аммо бунда қолипли бирикмалар таркибидаги сўзларнинг ўзаро қўшилиши кузатилади (морфемаларнинг эмас).<sup>201</sup>

Доираси кенгрок расмий ҳужжатларга 报告 baogao, 命令 mingling, 批复 pifu, 通报 tongbao, 决定 jueding, 条约 tiaoyue, 协议 xieyi, 联合声明 lienhe shengming, 联合公报 lianhe gongbao киради. Дипломатия ва халқаро алоқалар соҳасида ишлатиладиган Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминлар ҳуқуқ ва сиёsat соҳалари билан ҳам боғлиқдир. Тил билан боғлиқ бўлмаган омиллар ва тил анъаналари сабабли дипломатик тилнинг расмий иш турида ўзига хос бўлган лингвистик хусусиятлар, сўз ясашни функционал - стилистик нормалари вужудга келади. Халқаро ҳуқуқ терминлогияси, маълум бир ўринда ларда термин сифатида қўлланиладиган, стилистик жиҳатидан фақат дипломатик ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган лексик гурухларнинг янги сўзлар ва турғун иборалар билан бойиши кузатилмоқда. Шундай сўзларни бир нечтасини кўриб чиқамиз:

➤ “Брифинг” - 新闻发布会 xinwen fabuhui (新闻 xinwen “янгиллик”+ 发布 fabu “эълон қилмоқ” + 会 hui “йиғилиш”) – тор доирада мўлжалланган информацион мажлис (муҳим ҳалқаро ва давлат аҳамиятидаги масалалар бўйича). Ушбу сўз (to brief - резюмелаштироқ феълидан олинган ва «қисқа баёнот тузиш»), «бирон-бир масала, ҳабарнинг қисқача баёни» тарзida таржима қилинади.

➤ “Сұхбат, диалог” - 对话 duihua . 1960 йиллар охирида дипломатия тили лексикасига янги маънода кириб келди ва икки ёки бир нечта давлатлар ўртасида олиб бориладиган музокаралар, алоқалар маъносида ишлатила бошлади. “Диалог” ёки “Сұхбат” сўзи («давлатлар ўртасида алоқалар, музокаралар» маъносида) баъзи-бир сўзлар билан турғун иборалар шаклини олди: «和平对话 heping duihua тинчлик сұхбати», «政治对话 zhengzhi duihua сиёсий сұхбат».

➤ “Ҳамкор” - 合作者 hezuozhe – ушбу сўз янги маънога эга бўлди: «компаньон, бирор - бир сиёсий ёки тижорий бирлашманинг (давлатлар, мамлакатлар маъносида) иштирокчиси».

Дипломатик ҳужжатлар гуруҳ лексикаси протокол ва халқаро анъаналар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу гуруҳдаги терминлар нисбатан барқарордир. Табиятни асраш, демография, эпидемия, ахолини ичимлик суви билан таъминлаш, миграция муаммолари, терроризм, экстремизм ва сепаратизм, наркобизнес ва наркотрафикка қар-

<sup>201</sup>Фролова О.П. Словобразование в терминологической лексике современного китайского языка. –Новосибирск : Изд. «Наука»,1981. – 39 б.

ши кураш каби долзарб мавзулар дипломатик терминологияни янги сўзлар, қолипли бирикмалар билан бойишига сабаб бўлмоқда. Расмий хужжатларда доимий типдаги матн мавжудлиги боис, уларда тайёр қолипли бирикмалар-клишеларнинг ишлатилиши кўп учрайди. Улардан бир нечтасини кўриб чиқамиз:

“Ўзаро тинч тутув яшаш” 和平共存 hepinggongcun.

➤ Ушбу қолипли бирикмалар халқаро хужжатларда пайдо бўлиб, 1960 йиллардан бошлаб матбуот тилида ишлатила бошланди.

➤ “Энг кўп қулайлик яратиш принципи (сиёсати, шарти) 最惠国待遇 zui hui guo daiyu – ушбу қолипли бирикмалар халқаро хужжатларда яқиндагина пайдо бўлиб, «савдо - сотик, иқтисод, транспорт, молия, божхона ва маданий алоқалар учун энг қулай шарт – шароитлар яратиб бериш, ушбу масалаларда ёрдам кўрсатиши» маъносида ишлатилади.

Дипломатик хужжатлар ва халқаро мавзудаги газеталарда қолипли бирикмалар ишлатилишининг кенгайиши кузатилмоқда. Масалан, “ривожланаётган давлатлар” 发展中的国家 fazhan zhongde guojia ибораси билан бир қаторда “учинчи дунё давлатлари” 第三世界国家 disan shijie guojia, “учинчи дунё халқлари” 三世人民 sanshirenmin каби қолипли бирикмалар қўлланилмоқда. Умуман қолипли бирикмаларнинг ишлатилиши асосан расмий хужжатларнинг икки томонлама битимлар турининг кириш қисмида кўпроқ қўлланишини кузатиш мумкин.

### 5.5 Қолипли бирикмалар

1. Икки давлат хукумати ва халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мамнунлик билан баҳолаб,

**满意地回顾了两国政府和两国人民之间的友好关系**

2. Таракқиёт ва барқарорликни қўллаб – қувватлашга ёрдам бериш, 有助于维持繁荣与稳定,

3. Янги негиз асосида икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожланиши ва мустаҳкамланишига пойдевор яратиш,

**有助于两国关系在新的基础上进一步巩固和发展**

4. Икки давлат хукумат делегациялари музокаралари натижасида куйидагиларга келишилди,

**经过两国政府代表团的会议，同意声明如下**

Турғун ибораларнинг расмий хужжатларда қўлланишини Ўзбекистон ва Хитой Битимининг кириш қисми мисолида кўриш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Ахдлашувчи Томонлар деб номланиб,

**乌兹别克斯坦共和国和中华人民共和国（以下简称“缔约双方”），**

Wuzibiekesan gongheguo he zhonghuarenmingongheguo (yixiajiancheng “diyueshuangfang”) ,

2. Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги тарихий дўстона анъаналарга таянган ҳолда，

**基于乌中两国人民睦邻友好的历史传统，**

Jiyu wuzhong liangguo renmin mulin youhaode lishi chuantong ,

3.1992 – 2002 й.й. мобайнида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган қўшма баёнотлар ва баённомалар икки томонлама алоқаларнинг ривожида катта моҳият касб этишини назарда тутиб,

**认为一九九二年至二零零二年期间两国元首签署和通过的乌中联合宣言和声明对发展双边关系具有重要意义，**

Renwei yijiujiuernian zhi erlinglingernian qijian liangguo yuanshou qianshu he tongguo de wuzhonglianhe xuanyan he shengming dui fazhan shuangbian guanxi juyou zhongyao uiyi ,

1. Турли соҳаларда дўстона ҳамкорлик ўрнатилиши, алоқаларни мустаҳкамланиши иккала давлат халқларининг хоҳиш – истаги бўлиб, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликнинг Осиё давлатлари ва бутун дунёда ўрнатилишига ёрдам беришига хизмат қилишига ишониб,

**坚信巩固两国间各个领域的友好，睦邻与互利合作符合两国人民的根本利益，有利于维护亚洲乃至世界的和平，安全与稳定，**

Jianxin gonggu lianguojian gege lingyude youhao , mulin yu huli he zuo fuhe liangguo renminde genben liyi , youliyu weihu yazhou rengzhi shijiede heping, anquan yu wending ,

2. БМТ Устави ҳамда бошқа халқаро шартномаларда қайд этилган мажбуриятларни тасдиқлаган ҳолда，

**重申各自根据“联合国宪章”及其参加的其它国际条约所承担的义务，Zhongshen ge zi genju “lianheguo xianzhan” jiqi canjia de qita guoji tiaoyue suo chengdande yiwu,**

3. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги сифат поғонасига қўтаришга, икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларни авлодданавлодга ўтказишга қўмаклашишга интилиб қўйидагилар тўғрисида ўзаро келишилди:<sup>202</sup>

<sup>202</sup> ХХР ва Ўзбекистон Республикаси қўшма баёноти./ <http://russian.people.com.cn/315-19/2575322.html>/ 2004.

致力于将两国关系提高到崭新的水平，决心使两国人民间的友谊世代相传，兹达成协议如下。。。

zhiliyu jiang liangguo guanxi tigaodao zhanxinde shuiping, juexin  
shi liangguorenminjiande youyi shidai xiangchuan , zidacheng xieyiruxia...

Бундан ташқари, расмий ҳужжатларнинг кириш қисмида қуидаги турғун ибораларнинг қўлланилиши кузатилади:

1. Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатлилик, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик ҳамда суверенитетни ҳурмат қилиш асосида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига интилиб<sup>203</sup>,

**愿意在平等互利，互不干涉内政，互相尊重主权的基础上进一步发展两国之间的合作**

Yuanyi zai pingdeng huli, hubuganshe neizheng, huxiang zunzhong  
zhuquande jichushang jinyibu fazhan liangguo zhijiande hezuo

2. Икки давлат ўртасида савдо – сотиқ ва маданий – маънавий алоқаларни ривожлантириш мақсадида,<sup>204</sup>

**为了促进两国之间的通商贸易和文化交流起见**

Weile cujin liangguo zhijiande tongshang maoyi he wenhua jiaoliu  
qijian

3. БМТ Уставидаги тамойиллар ва қоидалар, шунингдек ушбу қоидалар ва тамойилларнинг доимий тарзда амалга оширилишини ва қўлланилишини таъминлаш борасидаги ўзаро журъатни эътироф этган ҳолда,<sup>205</sup>

**重申彼等对联合国宪章 宗旨和原则的信念以及壁灯一贯彻应用并实施此项宗旨和原则的决心**

Zhong shenbi deng dui lianheguo xianzhang zongzhi he yuanzede  
xinnian yiji bideng yi guan jieli yingyong bing shishi ci xiang zongzhi[ he  
yuanzede juexin

4. Ушбу мақсадда улар мазкур битимни тузиб, ўзларининг вакилларини белгилаб бердилар.

中华人民共和国与乌兹别克斯坦共和国双边关系文件汇编 1992 – 2002。 - 北京 , 2002。 -26–31 б. (XXР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 – 2002 йил мобайнида битилган икки томонлама дипломатик ҳужжатлар тўплами. – Пекин, 2002.- 26-31

<sup>203</sup> XXР ва Ўзбекистон Республикаси қўшма баёноти./ <http://russian.people.com.cn/3151-9/2575322.html>/ 2004.

中华人民共和国与乌兹别克斯坦共和国双边关系文件汇编 1992 – 2002。 - 北京 , 2002。 - 27 页。(XXР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 – 2002 йил мобайнида битилган икки томонлама дипломатик ҳужжатлар тўплами. – Пекин, 2002.- 27 б.).

<sup>204</sup> Кўрсатилган манба.- 28 б.

<sup>205</sup> Кўрсатилган манба.- 27 б.

为此目的，他们决定缔结本条约，并各派全权代表如下

weici mudi, tamen jueding dijie ben tiaoyue, bing ge pai quanquan daibiao ruxia

5. Икки тараф мухтор вакиллари түлиқ шакл ва қонун – қоидаларга мос равища тузилган ўзаро ваколатлар алмашинувидан сүнг күйидагилар ҳақида келишдилар:<sup>206</sup>

拴方全权代表互相校阅全权证书认为后，议定下列条约。。。

Shuangfang quanquan daibiao huxiang jiaoyue quanquan zhengshu renwei huo, yiding xialie tiaoyue...

Битимнинг асосий қисми индивидуал характерга эга бўлганлиги сабабли, бу ерда турғун ибораларнинг қўлланилиши нисбатан чекланган.

Битимни якуний қисмida турғун иборалар қўлланилиши кузатилиб, улар битимнинг кучга кириш борасидаги расмиятчилик билан боғлиқ. Асосан күйидаги турғун иборалар ишлатилиши кузатилади:

- **条约需尽批准** tiaoyue xujin pizhun “битим ратификация қилиниши керак”;

- **本条约需尽速批准** ben tiaoyue xujin supizhun “мазкур битим қисқа вақт ичida ратификация қилиниши лозим”;

- **本条约自交换批准书之日生效，批准书在。。。市互换** Bentiaoyue zi jiaohuan pizhunshu zhiri shengxiao, pizhunshu zai ... shi huhuan “битим ....шахарда бўлиб ўтадиган ратификация ҳужжатлари билан алмашинуви кунидан бошлаб кучга киради”;

- **本条约自生效之日起有效期为。。。年** ben tiaoyue zi shengxiao zhiri you xiaoqiwei ... nian “мазкур битим кучга кирган кундан бошлаб ... йил мобайнида амалда бўлади”;

- **条约正本交存于。。。档案库** tiaoyue zhengben jiaocunyu ... danganku “битимнинг асл нусхаси архивда сақланиши учун топширилади”;

- **经适当方式验证的本条约副本由存约国政府分送本条约个签署国和参加国政府** Jing shidang fangshi yanzhengde ben tiaoyue fuben you cunyueguo zhengfu fensong ben tiaoyue ge qianshuguo he canjiaguo zhenfgfu “мазкур битимнинг тасдиқланган нусхалари қонун – қоидаларга мос равища депозитор – ҳукумат томонидан битим имзоланишида иштирок этган ва битимга қўшилган давлат ҳукуматига юборилади”;

- **本条约有效期为。。。年。如在期满前一年缔约一方未表示希望废除本条约时，则本条约将继续有效 5 年，并依次法顺延之** Ben

<sup>206</sup>Кўрсатилган манба.- 28 б.

tiaoyue you xiaoqiwei ... nian. Ru zai qimanqian yinian diyue yifang mo biaoshi xiwang feichu ben tiaoyueshi , zeben tiaoyue jiang jixu youxiao 5 nian, bing yicifa shun yanchang “битим . . . йил давомида амалий кучда эга бўлади. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири муддатнинг тугашидан бир йил олдин битимнинг бекор қилиниши тўғрисида хоҳиш – иродасини билдирамаса, битим кейинги 5 йил мобайнида ўзгармас тарзда кучга эга бўлади ва ушбу муддат юқоридаги қоидаги мос равища узайтирилади”;

- 本条约在（某时），（某地）签订，共。。。份（一式。。。份），美份均以。。。文写成，各种文体具有同等效力（同等准确）。Ben tiaoyue zai (moushi), (moudi) qianding , gong ...fen (yishi ...fen), meifenjun yi ...wen xiecheng, ge zhong wentiju you tongdeng xiaoli (tongdeng zhunque) “мазкур битим (қаерда), (қачон) .... нусхада имзоланиб, ҳар бир нусха ... тилларда ёзилган бўлиб, улардаги матнлар teng кучга эга (аслига тўғри)”.

Хулоса сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Дипломатик ҳужжатларда қўлланиловчи семантик компонентларнинг муҳим хусусиятларидан бири - бу уларнинг юқори даражада мавҳумлигидир. Айнан шу хусусият семантик компонентларни мослашувчанлиги, нисбатан турғунлигини белгилайди. Семантик компонент маълум даражада “силлиқ”, “юзсиз” бўлиши лозим. Бу унинг турли сўзлар маъноларига қўшимча элемент сифатида сингишига ёрдам беради. Семантик компонентлар дипломатик ҳужжатларда кенг қўлланилади ва кўпинча бир семантик элемент турли мавзудаги дипломатик ҳужжатларда турлича талқин этилади.

2. Семантик компонентларнинг матннинг умумий маъносидан келиб чиқкан ҳолда турлича таржима қилиниши кузатилади. Бунинг сабаби семантик компонент индивидуал бўлаолмаслигидадир. Семантик компонентларнинг “силлиқлиги” уларнинг турли сўзлар билан бирикиш жараёнини енгиллаштиради. Турли сўзлар билан бириккан семантик компонент бир неча маънони ифодалаши мумкин, бу эса ўз навбатида ҳужжатларни таржима қилиш жараёнида мураккабликни келтириб чикаради. Дипломатик ҳужжат таркибида бир нечта семантик компонентларнинг қўлланилиши тантанаворлик бағишлайди. Семантик компонентларнинг ноўрин ишлатилиши эса ҳужжат мазмунинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

3. Қолипли бирикмаларнинг вужудга келиши мунтазамлик тенденциясига боғлиқ. Ушбу усул сўз қўшиш усулида мавжуд бўлган қонун - қоидаларга қўра ҳосил бўлган, фақат бунда қолипли бирикмалар таркибидаги сўзларнинг ўзаро қўшилиши кузатилади (морфемаларнинг эмас) <sup>207</sup>.

Дипломатик ва халқаро ҳуқуқ терминологияси ҳамда дипломатик ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган лексиканинг қолипли бирикмалар ва янги сўзлар билан бойиш тенденцияси кузатилмоқда. Дипломатик ҳужжатлар лексик гурухи дипломатик протокол ва халқаро анъаналар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли терминлар нисбатан барқарордир.

Қолипли бирикмалар расмий битимларнинг кириш қисмида кўпроқ қўлланилишини кузатилади. Битимнинг асосий қисми индивидуал характерга эга бўлганлиги учун, қолипли бирикмаларнинг қўлланилиши нисбатан чекланган. Битимнинг якуний қисмида одатда қолипли бирикмалар қўлланилиши кузатилади. Уларнинг қўлланилиши битимнинг кучга кириш борасидаги расмиятчилик билан боғлиқ.

### **Бўлим бўйича саволлар:**

1. Дипломатия соҳасида кўп қўлланиладиган вербалnota, қўшма ёки оддий баёнот, расмий хат, ярим расмий шахсий хат, эсадалик ёзма, қайднома, протокол ва меморандум бир биридан қандай хусусиятлари билан фарқ қиласи?
2. Улар қандай мақсадларда тайёрланади ва ишлатилади?
3. 4. Юқорида келтирилган семантик компонентлар матннинг умумий маъносидан келиб чиқсан ҳолда қандай таржима этилади?
5. 最惠国待遇 изоҳлаб беринг.
6. Дипломатик ҳужжатларида кенг қўлланиувчи қолипли бирикмаларга мисоллар келтиринг.
7. Семантик компонентлар матннинг умумий маъносидан келиб чиқсан ҳолда қандай таржима қилиниши кузатилади?
8. Қолипли бирикмалар деб қандай бирикмаларга айтилади?
9. Дипломатик доирасида кенг қўлланиладиган 报告; 命令; 批复; 通报; 决定; 条约; 协议; 联合声明, 联合公报 каби ҳужжатларга изоҳ

---

<sup>207</sup> Фролова О.П.. Словобразование в терминологической лексике современного китайского языка. –Новосибирск : Изд. «Наука»,1981. – 39 б.

беринг ва уларни структурасидаги фарқларни мисоллар воситасида кўрсатиб беринг.

### **Амалий машғулот учун саволлар:**

1. Расмий нотада матн бошланишида қандай турғун иборалар қўлланилади?
2. Расмий хужжатлар якунида қўлланиладиган илтифот ибораларга мисоллар келтиринг.
- 3.“Протокол формулаларига” ҳақида нималарни биласиз, улар қайси сўз туркумларидан иборат бўлиши мумкин?
4. Дипломатик хужжатларда семантик компонентларнинг нотўғри ёки ноўрин қўллаш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Мисоллар асосида таҳлил қилинг.
5. **发展中的国家** билан бир қаторда яна қандай иборалар қўлланилади?
6. **最惠国待遇** маъносини изоҳлаб беринг.
7. Дипломатик хужжат бошида қўлланиувчи турғун бирикмаларга мисоллар келтиринг.
8. Дипломатик хужжат оҳирида қўлланиувчи турғун бирикмаларга мисоллар келтиринг.

### **Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар**

1. Расмий нота ва вербал ноталарда кенг қўлланиладиган протокол формулаларга мисоллар келтиринг.
2. Сиёсий мавзуда ёзилган матн таркибидаги турғун ибораларга мисоллар келтиринг, таржима қилиш борасида дуч келган қийинчиликларни бартараф этиш усулларни таҳлил қилиб беринг.
3. Ўзбек ва хитой тилида битилган дипломатик хужжатларда келтирилган протокол формулаларни ўзаро қиёсланг.
4. “Семантик компонент маълум даражада “силлик”, “юзсиз” бўлиши лозим”. Ушбу фикрга дипломатик хужжатда қўлланиладиган семантик компонентлар мисолида изоҳ беринг.
5. Расмий нота мисолида қолипли бирикмаларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
6. Расмий ва вербал ноталарда қўлланиувчи қолипли бирикмаларни қўллашда қандай фарқ ва ўхшашли томонлар мавжуд, мисоллар ёрдамида таҳлил қилинг.

---

## ХУЛОСАЛАР

1. Қадимги Хитойда “дипломатия” термин маъносини ифодаловчи “**外事**” ва “**内事**” қўлланилган.

“**外事**” асосан ташқи алоқалар, “**内事**” эса ички ишлар дипломатияси маъносини билдирган. Бу ерда “дипломатия” термини ўз ичига дипломатик методлар, усуллар ва дипломатик каналлар маъноларини жамлаган.

“**外交**” билан бир қаторда ҳозирда мавжуд “**外交部**” (Ташқи ишлар вазирлиги) термини Цин сулоласи (1644 – 1911) охирида амалга киритилган. Бу мисолда синонимия ҳодисасини кузатишимиш мумкин: умумий маънони сақлаган ҳолда терминлар ўртасида қўлланилган иероглифлар маъно жиҳатидан бир – бирига яқин бўлган иероглифлардир, яъни “**外交部**” да **交** “алоқа, иш” маъносини ифодаласа, “**外务部**” да **务** “иш” маъносини ифодалайди. “**外务部**” ўзбек тилидаги эквивалентга муқобил келади.

2. 政府 “хукумат” қадимда **正事堂** “хукумат ишлари саройи” шаклида қўлланилиб, ҳозирги “парламент” терминининг ilk кўринишидир. Қадимги Хитойда уч палатали (қарор қабул қилувчи, қарорларни тасдиқловчи ва қарорларни ижро қилувчи палаталар) Парламент мавжуд бўлган. Ушбу Парламентнинг ilk кўриниши Тан сулоласи (923 – 936) даврида фаолият кўрсатган.

3. “**领事**” фақат савдо – сотиқ ишлари билан шуғулланувчи вакилларга нисбатан ишлатилган.

4. Дипломатик терминлар куйидаги 7 асосий лексик-семантик гурӯҳлар бўйича тақсимланади:

- Дипломатлар, дипломатик тузилма.
- Дипломатик имтиёз ва дипломатик даҳлсизлик.
- Дипломатик ваколатхоналар устидан назорат ишлари.
- Дипломатик фаолият.
- Дипломатик хужжатлар.
- Халқаро конференциялар.
- БМТ ва халқаро ташкилотлар.

(Илова № 1). Дипломатик ҳодимлар туркумидаги терминлар ўртасида семантик алоқаларга келадиган бўлсак, “доминант” термин сифатида **外交人** гавдаланди.

“Дипломатик гурухлар” ўртасида “иерархик” муносабатлар мавжудлиги кузатилди.

“Дипломатик ҳужжатлар” қаторида синонимия ҳодисаси бор. Масалан: 公约 “конвенция” термини “пакт” маъносида кенг қўлланилади. “Битим, аҳдлашув” маъносини ифодалаш учун 协定 ва 协议 ишлатилади. “Протокол” маъносида 礼宾, 记录 ва 议定书 дан фойдаланилади.

Синонимия ҳодисасининг ҳужжатлар номланишида қўлланилиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки синонимик терминлар матнининг маъносига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Матнга киритилган, аммо бир қарашда унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмаган термин, ҳужжат расмий кучга киргандан сўнг “уйғонган аждар” каби ҳужжатнинг маъносига тубдан таъсир кўрсатиши амалда кузатилган ҳодисадир.

5. Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларининг кўп қисми композиция усули ёрдамида воқеаланган. Атрибутив модель бўйича ҳосил бўлган терминлар икки ва кўп бўғинли бўлиб, компонентлар ўртасидаги алоқалар тобелик асосида ривожланган. Тенг боғланиш, яъни копулятив моделнинг синонимик негизларидан ҳосил бўлган феъл туркумидаги ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминлар, шунингдек от сўз туркуми вазифасида ҳам қўлланилади. Феъл – обьектли модель бўйича тузилган терминларнинг асосий қисми феъл сўз туркумига оидdir. Ушбу модель бўйича терминларда феълли негиз от туркумидаги негиз устидан назорат қилиши қўзга ташланди. Ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида самарадор усуллардан бири ҳисобланиб, бу усулнинг семантик калька ва фонетик калька турлари ёрдамида янги терминларнинг вужудга келиши кузатилмоқда. Семантик калька турининг терминлар ясалишидаги иштироки кенг. Фонетик калька усули ёрдамида қўпроқ «БМТ ва халқаро ташкилотлар» гуруҳидаги терминларнинг ҳосил бўлиши кузатилди.

Бошқа гуруҳдаги терминларнинг ясалишида асосан семантик калька усули кенг қўлланилган. Бунга сабаб иероглифик ёзувдир. Иероглифлар нафақат товушлар ва бўғинларни, балки бир бўғинли сўзлар ёки бир бўғинли морфемаларни ҳам бир бутунлик сифатида ифода этолмайди. Хитой тилига ўзга тилдан фонетик ўзлашмаларнинг кириб боришида тўсқинлик туғдирувчи ҳолат бу хитой тилидаги бўғинларнинг морфологик (семантик) маънога эга эканлигидадир.

6. Дипломатик музокарапарда аббревиация усули ёрдамида ҳосил бўлган терминлардан ҳам кенг тарзда фойдаланилади. Бунинг сабаби вақт тежамкорлигига интилишdir. Аббревиация ёрдамида ясалган терминларнинг қўпи “БМТ ва халқаро ташкилотлар” лексик гурухига тегишли эканлиги аниқланди. Аббревиатураларни тушуниш когнитив усул ёрдамида амалга оширилса, катта самара бериши аниқланди. Аббревиатураларни тушуниш тил ичидаги «тилни» тушунмоқ ва уни ишлата билишни англатади. Аббревиация 简称“оддий” ва 合成“синтетик” турларининг кенг қўлланилиши кузатилиб, оддий тур ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сони синтетик тур ёрдамида ҳосил бўлган терминлар сонидан қўплиги аниқланди. Аббревиация усулининг синтетик тури ёрдамида терминларнинг ҳосил бўлиши учун сўз бирикмаси таркибидаги ҳар бир компонент учун бир умумий, жамловчи компонент бўлиши лозим. Бу ҳолат барча сўз бирикмалари таркибида ҳам учрамайди.

7. Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларнинг ҳосил бўлишида аффиксация усулининг роли катталиги исботланди. Префикс, суффикс ва яримсуффикслар ёрдамида терминларнинг ҳосил бўлиши самарадорлиги очиб берилди. Дипломатик терминларнинг ясалишида преффикслар сони суффикслар ва яримсуффикс миқдоридан кўп бўлсада, қўлланилиш самарадорлиги кўрсатгичи суффиксация усулида анча юқори.

8. Дипломатик ҳужжатларда бир бўғинли семантик компонентлар қаторида қолипли бирикма кўринишидаги семантик компонентлар ҳам нисбатан кенг қўлланилади. Семантик компонентларнинг қўлланилишида синонимия нинг муҳим роли аниқланди. Маълум бир семантик компонент турли сўзлар билан биришиб, бир вақтнинг ўзида бир неча маъноларни ифодалashi дипломатик ҳужжатларни таржима қилиш жараёнida мураккабликларни вужудга келтириши мумкин. Дипломатик ҳужжат таркибида бир нечта семантик компонентларнинг қўлланилиши экспрессивлик бағишлайди. Семантик компонентларнинг ноўрин ишлатилиши ҳужжат мазмунининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли ушбу компонентларни ўрганиш ўз навбатида ҳужжатларни таржима қилишда баъзи камчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

9. Дипломатик ҳужжатларда қўлланилувчи мурожаат сўзлар турлича бўлиб, ўз маъносига ва қўлланилиш доирасига эга:

а) расмий хужжатнинг бошланиш қисмидаги саломлашув сўзлари;

б) расмий хужжат якунида, имзодан олдинги илтифот сўзлар.

10. Дипломатик хужжатларда қўлланиловчи янги сўзлар ва қолипли бирикмалар таҳлили натижасида қуидагилар маълум бўлди.

Терроризмга қарши кураш, давлатлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш мавзулари дипломатик лексикани янги маъноли сўзлар, қолипли бирикмалар билан бойишига сабаб бўлмоқда. Расмий хужжатларда доимий типдаги матн мавжудлиги боис тайёр қолипли бирикма – клишеларнинг ишлатилиши кўп учрайди.

Қолипли бирикмаларнинг ишлатилиши асосан расмий хужжатларнинг икки томонлама битимлар турининг кириш қисмida қўпроқ акс этишини кузатиш мумкин. Хитой тили ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларини ўрганиш асосларини якунлар эканмиз, кўйидаги мулоҳазаларни тақдим этишини мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

I. Хитой тилида дипломатик алоқаларни олиб борувчи субъект мазкур тилдаги дипломатик терминни туб маъносини тўғри англаб этиши лозим.

II. Дипломатик хужжатга эътибор билан қараб, уни атрофлича баҳолаб, муайян хужжатдан аввал олинган хатлар ва хужжатларни таҳлил қилиб, уларнинг замирида ётган асосий маъно ва мақсадни англаб этиш лозим.

III. Нотик фикрини мазкур соҳада қабул қилинган терминлар доирасида аниқ ифода этишга ҳаракат қилиши ва бундай учрашувларга мустаҳкам тайёрланиши лозим.

IV. Хитойлик ҳамкорнинг нутқида келтирилган, хатлар ва хужжатларда қўлланган янги терминлар мунгизам равища жамланиб борилиши лозим. Улар қайси вазиятларда ва қандай мақсадлар учун кўлланилганлиги, шу жумладан мазкур терминлар Ўзбекистон ва Хитой, Хитой ва Америка, Хитой ва Россия, Хитой ва Япония муносабатларида қандай холларда қўлланишини узвий равища таҳлил қилиш долзарб масалалардан бири сифатида қабул қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан иқтисод, савдо - сотик, транспорт ва коммуникация, энергетика, фан ва техника, маориф, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда ўзаро тенг ва манфаатдор алоқаларини янада тараққий эттириш учун таъкидлаб ўтилган долзарб илмий ва амалий масалаларни чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зеро, Ҳазрат Мир Алишер Навоий демишиларки, “**Кўнгул маҳзанининг қуфли тил ва ул маҳзанинг калидин сўз бил**”.

## ГЛОССАРИЙ

**Аббревиатура** (лот. abbreviatura - қисқартаман) - қисқартма сўзлар

**Аббревиация** (лот. abbrevio - қисқартаман) - қисқартмалаш

**Ажратилган аниқловчи** - гапда ўзидан олдинги аниқловчининг маъносини изоҳлаб, алоҳида оҳанг, урғу ва тўхтам билан айтиладиган бўлак.

**Аккумуляция** – бирор тилда фаол ишлатиладиган сўз, ибора таъсирида шундай тил бирликларининг бошқа тилда ҳам фаол ишлатилиши

**Амалий тилшунослик** – тилшуносликнинг масалаларини амалий йўл ва методлар билан ўрганувчи, тадқиқ этувчи соҳалар. Масалан, экспериментал фонетика, лингвостатистика, лексикография ва б.

**Аналитик усул** – ёрдамчи сўзлар воситасида сўз ясалиш усули.

**Аффикс** (лот. affixus – бирлаштирилган, бириктирилган) – сўзга зид қўйиладиган (лексик маънога эга бўлмаган), ўзи қўшиладиган асоснинг лугавий ёки грамматик маъноларини шаклланишига хизмат қилувчи морфема; қўшимча.

**Аффиксация** – аффикс ёрдамида сўз ёки шакл ясалиши

**Гаплология** (юн. gaplos – оддий, logos – тушунча, таълимот)

**Глоссарий** – бирор бир асарда, китобда қўлланилган ва тушинилиши мураккаб бўлган сўзларнинг изоҳ луғати

**Глоттогония** (юн. glotta – тил, gonos – тўғилиш) – тилнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги таълимот

**Депредикация** – предикатив синтагмани нопредикатив синтагма тарзида трансформациялаш.

**Деривация** (лот. derivatio – ясалиш) – м. аффиксал сўз ясалиши

**Дескриптив лингвистика** (инг. descriptive – тасвирий) – америка структурализми, яъни тил тузилиши шаклий унсурларини дистрибутив усуллар ёрдамида тадқиқ этиш, ўрганиш.

**Детерминант** – гапнинг бошланишида мустақил таркибий қисм сифатида келиб, ўзидан кейинги қисмга бир бутун шаклда таалуқли бўлиб, унинг яхлитлигича кенгайтирадиган иккинчи даражали бўлак.

**Деэтимологизация** (лот. de- айриш маъноли олд қўшимча плюс этимология) – сўзда этимологик боғланишнинг йўқолиши

**Диалектология** (юн. dialektos – шева, лаҳжа – logos – тушунча, таълимот) – филологиянинг диалект, лаҳжа ва шеваларини ўрганувчи бўлими

**Диахрония** (юг. dia – орқали + chronos – вакт ) – айрим тил ҳодисаларининг, яхлитлигича тил тизимининг тарихий изчил ривожланиш босқичлари лингвистик тадқиқ этиш

**Дистрибутив метод** – структурал лингвистикада тил унсурларини муайян тилга хос қонун–қоидалар асосида бўлиш методи.

**Иероглифлар** (юн. hierogliephoi – муқаддас ёзувлар) – бутун бир сўз, бўғин ёки товушни ифодалаш учун хизмат қиласиган график ифода.

**Илмий услуг** – терминологик ва мавҳум лексиканинг, мураккаб синтактик тузилмаларининг қўлланилиши, сўзларнинг конкрет, тўғри маънода қўлланилиши, маҳсус ибораларга эга эканлиги ва шу кабилар билан ажралиб турувчи функционал услуб, метод.

**Илмий грамматика** – назарий ғояларнинг сўнгги ютуқлари асосида яратиладиган грамматика.

**Ингерент коннотация** – нутқий матндан ташқарида ҳам воқеаланидиган, сўзнинг мавжуд бўлган коннотатив маъноси.

**Интерференция** (лот. inter – ора+ferens, frentis–ўтказиш) – она тилига хос хусусиятларни ўрганилаётган тилга ўтказиш.

**Интраплингвистика** – тилшуносликнинг тил ички тизими, унинг бирликлари ва категорияларини, тил яруслари ва уларнинг тузилишини нолисоний омилларга мурожаат қиласиган ўрганувчи соҳа.

**Калька** (фран. calque – копия, нусха, тақлид ) – ўзга тил материалидан қисмма – қисм нусха олиш воситасида яратилган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги.

**Калькалаш** – ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликларининг моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш.

**Канцеляризм** – қўлланиши расмий иш, идора ва муассаса фаолияти услубига хосланган сўз, турғун бирикма, грамматик шакл ва тузилма.

**Каузатив** – ҳаракатнинг бажарилиши учун сабаб, қўзгаш маъносига эгалик.

**Композиция** (лот. composito – тузиш) -сўз қўшиш, қўшма сўзлар.

**Компонет** (лот. componens –ташкыл этувчи) - маълум бир тил бирлигининг таркибий қисми. Сўз бирикмасининг компонетлари.

**Конверсия** (лот. conversion – айланиш, ўзгариш) –сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши.

**Корреляция** (лот. correlatio – алоқа, муносабат) – икки ёки ундан зиёд тил бирлигининг ўзаро боғлиқлиги.

**Лексема** (юн. lexis – ибора, нутқ ўрами) – тилнинг лугат таркибига хос бирлик.

**Лексика** (юн. lexikos – сўзга оид, лугавий) – тилнинг лугат таркиби. Лугат таркибининг қўлланиш соҳаси, услубий соҳаси ва келиб чиқиши каби турли жиҳатлардан ёндошиб ажратиладиган гурӯхлари. *Ижтимоий – сиёсий лексика. Экспрессив лексика.*

**Лексик антонимия.** Лугавий бирликлар (сўзлар) орасидаги антонимия.

**Лексик антонимлар.** Қарама –қарши (акс, зид) маънодаги сўзлар.

**Лексик калька.** Ўзга тил лугавий бирлигидан қисмма–қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз.

**Лексикография** (юн. lexikos – лугат, grapho – ёзмоқ). Лугатшунослик таълимоти.

**Лексикология** (юн. lexikos – лугатга, сўзга оид, logos – таълимот). Тилшуносликнинг тилнинг лугат таркибини ўрганувчи бўлими (тарихий лексикология, тасвирий лексикология, қиёсий лексикология).

**Лексик омонимия.** Лексик бирликлар орасидаги омонимия.

**Лексик синонимия.** Лугавий бирликлар орасидаги синонимия.

**Лингвистика** (фран. linguistique, лот. lingua – тил). Тилшунослик фани.

**Лингвистик таҳлил.** Тил, нутқ бирликларини, уни ташкил этувчи қисмлари, мазмуни, маъноси, моҳияти, вазифаси ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганиш, тадқиқ этиш (лексикологик, фразеологик, семасиологик, семантик, фонетик, имловий, орфоэпик, морфологик, структур, синтактик, когнитив, пунктуацион, услубий, этиологик, этнографик ва б. турдаги таҳлил).

**Лингвистик универсалия.** Барча тиллар учун умумий бўлган тил ҳодиса.

**Математик лингвистика.** Лингвистика муаъ момлари ва масалаларини математик усул ва методлар (аскарият математик

статистика, эҳтимоллик назарияси, майдон назарияси ва б.) ёрдамида тадқиқ этиш фани, ўрганувчи соҳаси.

**Матн.** Ёзув орқали экс эттирилган манба, нутқ, текст, хат, маълумот, хабар ва б.

**Махсус лексика.** Ижтимоий – сиёсий фаолиятнинг турли соҳаларига тегишли нарса ёки ҳодисаларни номловчи сўзлар.

**Маҳсулли аффикслар.** Сўз ясаш вазифасини тўхтатмаган, оз ёки кўп микдорда сўз ясаш учун хизмат қилаётган аффикслар.

**Морфема.** Тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмга бўлиниши мумкин бўлмаган энг кичик қисми, бирлиги (лексик морфема ва аффиксал морфема. М: “ҳайдовчи” сўзида “ҳайдов” – лексик морфема, “–чи” аффиксал морфема.)

**Морфология.** (юн. morphē – шакл, logos – таълимот). 1. Сўз шакллари ҳақидаги грамматик таълимот. 2. Тилнинг морфологик қурилиши.

